

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

“Давлат – ҳуқуқ назарияси ва бошқаруви” кафедраси

**5A240101- давлат ҳуқуқ ва бошқаруви; конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ва молия
ҳуқуқи; давлат ҳуқуқ назарияси ва тарихи мутахассислиги**

***ЮРИДИК ТЕХНИКА ВА ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ
ЖАРАЁНИНГ МУАММОЛАР***

Мавзусидаги магистрлик диссертацияси

Магистрант: *Купайсинова У.Ф.*
Илмий раҳбар: *ю.ф.н., доц. Дадашева А.А.*

ТОШКЕНТ-2013

МУНДАРИЖА

Кириш

1 боб. Юридик техника тўғрисидаги ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

1.1. Юридик техника тўғрисидаги ғоялар вужудга келиши тарихи ва тушунчаси.

1.2. Юридик техника тушунчасига оид замонавий ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатлари.

1.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимини уйғунлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти.

2 боб. Юридик техниканинг мазмуни ва унинг методологик асослари.

2.1. Юридик техниканинг асосий шакл ва турлари.

2.2. Юридик техника методлари, восита ва усуллариининг мазмуни.

3 боб. Ўзбекистон Республикасида қонунлар сифатини оширишда юридик техниканинг ролини такомиллаштириш масалалари.

3.1. Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги жараёнини таомиллаштиришнинг амалий жиҳатлари.

3.2. Ўзбекистон Республикасида юридик техникани такомиллаштиришнинг назарий асослари.

3.3. Қонунлар сифатини ошириш — мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг зарур шарти.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг универсал ва самарали механизми ҳисобланган қонунларга таяниш мамлакатимизда ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг бош тамойиллари – қонун устуворлиги қарор топганлигининг яна бир ишончли далилига айланди. Зеро, ҳокимият қонунчилик тармоғининг олий органи томонидан қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар демократия анжозаларига мувофиқ ижтимоий муносабатларини тартибга солишнинг асосий воситалари, сўзсиз рўёбга чиқарилиши лозим бўлган халқ хоҳиш иродасининг ягона ифодаси ҳисобланади.

Сўнги йилларда қонунчилик жараёнининг фаоллашуви муносабати билан юридик фанимизнинг роли сезиларли даражада ошди. Таъкидлаш жоизки, миллий юридик фани мамлакатимизнинг бир қатор ихтисослашган академик ва олий таълим муассасалари таркибига кирувчи анча қудратли илмий кучларни ўз ичига олган. Айни пайтда қонун ижодкорлиги жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини илмий жиҳатдан янада сифатлироқ ва малакалироқ таъминлаш, юриспруденциянинг назарий ва амалий аҳамият касб этадиган бошқа йўналишларида тадқиқотлар олиб бериш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилиётган давлатни демократлаштириш, жамиятни модернизация қилиш, бозор муносабатларини ривожлантириш ва кишилар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳатлар, ҳеч шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Маълумки, ислоҳатлар – узоқ давом этадиган кўп босқичли жараён. Самарали қонунчилик тизимини яратиш, унинг сўзсиз бажарилишининг таъминлаш, мансабдор шахслар ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини аниқ белгилаш ислоҳатлар олдида муҳим вазифадир.

Маълумки, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнига қўйиладиган талаблар тизимини ўзлаштириш мазкур ҳужжатлар сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Афсуски, бу йўналиш миллий юридик фанимизда хали лозим даражада чуқур ўрганилганича йўқ. Мавжуд илмий тадқиқотларнинг аксарияти қонунчилик техникасининг айрим муаммоларигагина бағишланган¹. Бироқ юридик техника масалаларига махсус бағишланган тадқиқотлар Ўзбекистонда деярли кам тадқиқот қилинган. Тармоқ мутахассисларининг оз сонли тадқиқотлари ҳам айрим ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бунда муаммо илмий назарий жиҳатдан пухта ўрганилмагани яққол кўзга ташланади.

¹ Л.М.Бойко. Законодательная техника (теория и практика); Автореферат дис. канд. юридик. Наук. – Ташкент. ИФиПАН, 1984 – С 22.

Юридик техника ва қонунлар сифатини ошириш билан муаммоларнинг кенг қамровлиги, мураккаблиги сабабли, юридик техникани ўрганиш объекти, предмети, қўлами, доираси, чегараси каби масалалар бўйича ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли тортишув, баҳс, мулоҳаза, мунозаралар хилма-хил фикрлар, баъзан бир-бирига зид қарашлар ҳам мавжуд. Шу сабабли, ҳалигача фанда ва ҳуқуқий амалиётда қонунлар сифатини оширишда юридик техникани қўллаш билан боғлиқ илмий назарий қоидалар қатъий ишлаб чиқилганича йўқ. Қўйилаётган масала ниҳоятда кенг қамровли, лекин ҳал қилиниши ниҳоятда муҳим муаммодир.

Гап шундаки, ушбу масалалар ҳам ҳуқуқий назария, ҳам ҳуқуқий амалиёт, ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги (қонун яратиш) билан боғлиқ. Шу сабабли, юридик техниканинг ўрганиш объектини белгилашда олимлар турли нуқтаи назардан туриб ўз фикрларини баён қилдилар, унга нисбатан мазмун моҳият жиҳатидан турли туман қоидаларни киритадилар. Натижада юридик техника бир қадар умумийлик тўғрисида ноаниқлик касб этади.

Шу боис, ушбу масала бўйича ҳуқуқшунос олимлар томонидан ягона бир фикрга келиниши, юридик техниканинг илмий назарий қоидалари, уларнинг мазмун ва моҳияти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни каби масалалар қатъий ишлаб чиқилиши лозим.

Юқорида қайд этилгандан ташқари, тадқиқот мавзусининг долзарблиги юридик техника умумий назариясининг янада ривожлантириш эҳтиёжлари, уни амалий таҳлил билан бойитиш, шунингдек, мукаммал қонунларни яратиш назариясига оид илмий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурати билан ҳам белгиланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот ишининг назарий методологик ва концептуал жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ҳар томонлама ва тизимли тарзда ёритилиб берилган. Ушбу асарда демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида юридик техника ва қонунлар сифатини оширишга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд.

Республикаимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва мамлакатда ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши юридик техника масалаларига, унинг қоидалари ва усулларига, унга қўйиладиган талабларга. Норматив ҳужжатлар тилига бўлган қизиқишини янада кучайтирди. Бунинг натижаси ўлароқ С.М.Адилходжаева, А.А.Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, Д.К.Ахмедов, Ў.Н.Бердияров, Ҳ.Б.Бобоев, Ш.И.Жалилов, З.М.Исломов, Б.И.Исмаилов, Ш.Н.Қўчимов, Ў. Муҳамедов, О.З.Муҳаммаджанов, М.К.Нажимов, Ҳ.Т.Одилқуриев, Ф.Х.Рахимов, А.Х.Саидов, И.Т.Тулъетев, Ш.З.Уразаев, М.М.Файзиев, Э.Х.Халилов, О.Т.Хусанов ва бошқа олимларнинг юридик

техниканинг турли ҳуқуқий масалаларига бағишланган тадқиқотлари юзага келди².

Юридик техника ҳақидаги таълимотнинг ривожланишига С.С.Алексеев, Н.А.Власенко, Г.И.Денисов, Т.Д.Заражевская, Р.Иеринг, Т.В.Кашанина, М.А.Капустина, Д.А.Керимов, А.Б.Листюткин, Г.И.Муромцев, А.Нашиц, Н.Н.Тарасов, Ю.А.Тихомиров, С.В.Бахвалов, Б.В.Чигидин, К.К.Панько каби хорижлик олимлар салмоқли ҳисса қўшганлар³.

Айни вақтда мазкур мавзуга оид сўнгги фундаментал илмий тадқиқотлар қонун ижодкорлигининг ижтимоий-иқтисодий омилларни мустақил ўзгараётганлиги туфайли кўп сонли янги баҳсли муаммолар мунтазам равишда юзага келаётган шароитда қонун ижодкорлиги фаолиятининг барча баҳсли масалаларни тўлиқ ҳал қила олмаётгани сезилади. Жамиятимиз олдида унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш вазифаси турган бугунги кунда тадқиқот мавзуси айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида юридик техника ва қонунлар сифатини ошириш муаммоларини комплекс ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали илмий асосланган таклиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйдаги вазифалар белгиланади:

- юридик техника тўғрисидаги ғоялар генезисини ва ривожланишини таҳлил этиш;
- Юридик техника тушунчаси юзасидан замонавий ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимини шакллантиришда юридик техниканинг аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- Юридик техниканинг асосий шакл ва турлари юзасидан фанда мавжуд бўлган асосий ёндашувларни таҳлил этиш ва бу борада муаллифлик хулосаларини ишлаб чиқиш;
- Юридик техниканинг принцип ва қоидалари ҳуқуқ нормаларининг асоси сифатида майдонга чиқишини кўрсатиш;
- Юридик техника методлари, восита ва усулларнинг мазмунини аниқлаш ва таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги жараёнида юридик техника қўллаш самарадорлигини такомиллаштириш билан боғлиқ амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

² Қаранг: Адилходжаева С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего. Монография. – Ташкент: ТДЮИ, 2002. – С.120; Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б 112; Ахмедов Д.К. Законодательный процесс в Узбекистане. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С.90;

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлигини амалга оширишда юридик техникани қўллаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тадқиқот объектини ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, қонунлар сифатини оширишда юридик техникани қўллаш билан боғлиқ долзарб ҳуқуқий муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимлилик, муаммовий – мақсадли, қиёсий – ҳуқуқий, тарихий – ҳуқуқий, формал – юридик, мантиқий ёндашув ва илмий билимларнинг бошқа усулларидадан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг назарий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида қонунлар сифатини ошириш ва бу жараёнда юридик техникани самарали қўллаш билан боғлиқ фикрлари”, кўрсатмалари ҳамда ушбу мавзунинг турли жиҳатлари юзасидан изланишлар олиб борилаётган мамлакатимиз ва хорижлик етакчи олимларимизнинг асарлари ташкил қилади.

Ҳимояга олиб чиқиляётган асосий ҳолатлар;

Биринчидан; юридик техника муайян мантиқий, асос ва юридик омиллар мажмуининг бирлигидан иборат бўлган, юқори савияли қонунчилик фаолиятини амалга оширишнинг аниқ усуллари ва воситалари, шу жумладан юридик матнларни тарифлаш жараёнида фаоллаштириш имконини берадиган матрица кўринишдаги тизим ҳисобланади. Ушбу ҳодисада бир томондан, тегишли махсус усуллар ва воситалардан юридик фаолиятида фойдаланиш тамойиллари, механизмлари ва алгоритмларини, иккинчи томондан эса, ҳуқуқий материяни ҳуқуқни яратиш ва амалга ошириш жараёнларида гавдалаштириш усуллари, методлари ва воситаларини фарқлаш лозим бўлади.

Иккинчидан; “юридик техника” тушунчаси юридик фан ва амалиёт муомиласидан мустаҳкам ўрин олган. Аммо фан ривожланиш жараёнида бу ҳодисани билиш соҳасида янги имкониятлар юзага келди. Одатдаги фан доирасида вужудга келган ёндашувларнинг асосий камчилиги – “Юридик техника” тушунчаси догмага айлантирилгани билан боғлиқ. Бу ҳол юридик фанда формал-юридик фикрлаш услуби ҳукм суриши билан боғлиқ. У, албатта, бирон-бир зарарли оқибатларига олиб келмайди, лекин юридик техника ҳақидаги илмий билимларининг анча қашшоқлаштирилди. Зеро, юридик техника – шакл ва тузилиш жиҳатидан мукамал бўлган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш методлари ва усуллари ўз ичига олган. Жиҳатлардан англаб етилган ва асосланган қоидалар тизимидир.

Учинчидан; бир қатор мамлакатлар қонунчилиги амалиёти тажрибаси юриспруденцияда юридик техника талаблари, қоидалари ва усуллари шаклланиши, уларни узоқ вақт қўллаш жараёнида ўзининг қимматини исботланганини кўрсатади. Табиийки, бу тажриба синчиклаб ўрганилиши ва қонун ижодкорлигида фойдаланиши лозим. Унга эътиборсизлик эса яратилган

қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг номукамаллигига сабаб бўлади, бу, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Қонун ижодкорлига илмий билим, ҳуқуқий маданият ва қонунчилик техникасига асосланган тақдирдагина самара беради.

Тўртинчидан; қонун ижодкорлигининг ривожланиш хусусиятлари, аввало, мазкур фаолият соҳасининг ўзига ҳос жиҳатлари билан белгаланadi. Аммо бу фаолиятнинг ўзи соф ҳуқуқий муаммолар доирасидан ташқарига чиқади, қонунчилик ва кенг маънодаги ижтимоий борлиқ чегарасида амал қилади. Қонун ижодкорлига жараёнига нафақат қонунлар яратиш амалиёти, балки ташқи муҳит ҳам таъсиркўрсатади. У қонун ижодкорлиги ва унинг натижаларини ўзгартиради, ривожлантиради ва такомиллаштиради. Айни вақтда қонун ижодкорлиги маҳсуллари-қонунлар ўзини яратган ташқи муҳитга фаол кўрсатувчи кучга айланди.

Бешинчидан; тадқиқот жараёнида юридик техника тушунчаси, турлари принциплари, қонунчилик технологияси, қонунчилик тизимини уйғунлаштириш каби назарий масалалар юзасидан муаллифлик таърифлари ва хулосалари ишлаб чиқилди.

Олтинчидан; Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ўзаро нисбатининг ҳозирги ҳолатини муваққат, мажбурий деб баҳолаган ҳолда, қонунлар ва бошқарув органларининг ҳужжатлари ўртасида мувозанат ўрнатадиган норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш борасидаги ишни давом эттириш лозимлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан олганда, “Норматив ҳуқуқий актлар тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунлар юзасидан амалий таклифлар илгари сурилди ва бошқалар.

Диссертация ишининг **илмий янгилиги** шундан иборатки, аввало мавзуга оид мавжуд адабиётларни илмий ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қонунлар сифатини ошириш юридик техникани самарали қўллаш билан боғлиқ назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалар “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани нуқтаи назаридан магистирлик босқичи даражасида тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида эришилган илмий хулосалар юридик техника тушунчасининг ҳуқуқий табиатига оид янги илмий тушунча ва таъриф ишлаб чиқиш имконини беради. Диссертациянинг илмий хулоса, шунингдек, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари”, “Қонунчилик техникаси” каби фанларнинг илмий-назарий жиҳатдан бойишига ҳамда уларга илмий тушунча ва таъриф беришга асос бўлади.

Магистирлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўқизта параграф ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 80 бетни ташкил қилади.

Диссертацияда тадқиот мавзусига оид 150 дан ортиқ адабиётлардан фойдаланилди.

1 боб. Юридик техника тўғрисидаги ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

1.1. Юридик техника тўғрисидаги ғоялар вужудга келиши тарихи ва тушунчаси.

Маълумки, қонунлар миллий-ҳуқуқий тизимнинг асосини ташкил қилиб, ҳар қандай давлат шу тизим асосида ривожланади. Зеро, қонунлар-жамият ва давлат қурилишининг асоси, халқ иродасининг олий ифодаси ҳамда мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи муҳим воситадир. Шунга кўра мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни умумэтироф этилган тамойилар ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий тизим асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик. Жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тўзилмасини ўзгартирдик. У ҳозир бозор мақсадларига жавоб беради. Машъум маъмурий тизим қонунларига мос бўлган тўзилмани тугатдик”⁴.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, уни мустаҳкамловчи, келгусида сиёсий обрўга эга бўлган, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан юксак ривожланган давлатга айланишга асос бўлувчи, айнаи чоғда шакл ва тўзилиш жиҳатидан, мукаммал бўлган қонунларни яратиш ва бошқа норматив – ҳужжатларни ишлаб чиқишни зарурати туғилди. Бу ҳол, айниқса, қонун ижодкорлиги амалиётининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган юридик техниканинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этди. Шу тариқа “юридик техника” тушунчаси илмий жиҳатдан миллий юридик фанимиз ва амалиятимиз муомаласида мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади.

Маълумки, юридик техника ҳозирги давр ихтироси эмас. У ҳуқуқ билан деярли бир вақтда вужудга келган. Айрим олимлар қайд этганидек, кейинги даврларда унинг таркибий қисмлари янада аниқроқ шакл – тамойил касб этган ҳолда, муайян қоидалар, усуллар, махсус воситалар мажмуини ташкил қилиб, уларнинг ёрдамида яратилган ҳуқуқий қоидалар аввал тош битик ва қоғоз ўрамларида акс эттирилган бўлса, кейинчалик қўлёзма ҳолда гавдалантирила бошлаган.⁵

Ҳозирги талқинда юридик техниканинг вужудга келиши ўз тарихига ва турли мамлакатларда ривожланиш босқичига эга. Жаҳон тарихида ўчмас из

⁴ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 135 б.

⁵ Саидов А.Х. Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. Тошкент. 2001. 272 б.

қолдирган Бобил подшоси Хаммурапи қонунлари (милoddан олдинги 1750 йиллар), Ману қонунлари (милoddан олдинги II аср), XII жадвал қонунлари (милoddан аввалги V аср), Юстиниан кодекси (милодий VI аср), Сали ҳақиқати (V- VI асрлар), Темур тўзуқлари (XIV аср боши), “Каролина” (XVI аср) ва бошқа машҳур ҳуқуқий ёжгорликлар бунинг исботидир.⁶

Тарихий мантиқ нуқтаи назаридан қараганда, ҳуқуқ ва юридик техника бир вақтда вужудга келиши лозим. Зеро, ҳуқуқнинг пайдо бўлиш жараёни, аввало, унинг ички тўзилиши ривожланишини акс эттиради. Бунинг натижаси ўларок, ҳуқуқ “конструкцияси”, яъни унинг ички тўзилиши ва ташқи намоён бўлиш шакли (макродаражада микродаражагача) вужудга келади. Бу, умуман олганда, ҳуқуқ техникаси ёки ҳуқуқдаги техника ёки юридик техникадир. У ибтидоий жамоанинг яхлит, яъни синкрет норматив тизимидан ҳуқуқнинг ажралиб чиқиши, унинг тизим ва тўзулиш хусусиятларига эга бўлган мустақил, расмийлашган ижтимоий тартибга солиш воситасига айланиш жараёнида шаклланади. Тарихнинг маълум босқичида ҳуқуқ ғояси яъни таълимоти вужудга келган бўлса, юридик техника уни моддийлаштириш, реал шароитларга “боғлаш” воситаси усулидир. Жамиятда ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши уларга шу сифатни беришнинг муайян воситалари, усулларига эҳтиёж туғилишига сабаб бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ҳар қандай юридик қонун ўзининг моддий заминига, ижтимоий илдизларига эга. Фалсафий мушоҳада юритиб, гнесеология нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлса, бу ўринда гап ҳуқуқнинг, қонуннинг ижтимоий субстрати, яъни моҳият-асоси хусусида бормоқда. Ҳуқуқ (қонун) ўз субстратининг айнан ўз эмас. Қонуннинг вазифаси ижтимоий ҳаёт ҳодисасини (субстратини) меъёрланган ҳаёт соҳасига, яъни нормалар жаюҳасига ўтказиш, ижтимоий муносабатларни норматив моделлаштиришдан иборат”.⁷

Ҳуқуқ вужудга келишининг дастлабки даврида унинг техник жиҳати, бизнингча, ҳуқуққа тизимли ва тўзилмавий тус беришдан иборат бўлган. Бунда ҳуқуқнинг ва юридик техниканинг вужудга келиш жараёни меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти ва тегишли равишда инсон онгининг тадрижий ривожланиши мобайнида жамиятнинг тўзилмавий тус олиши жараёни йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда онг янада мураккаблашади, у яхлит кўринишдан табақалашган тусга киради. Унда аста-секин ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг мустақил соҳаси ва шакли сифатида фарқлана боради. Жамиятнинг ва ҳуқуқнинг тўзилмавий тус олиш жараёни тилнинг тўзилишида ва ҳуқуқий категориялар тизими пайдо бўлишида ўз аксини топади. Аввалига синкрет (яхлит) бўлади, лекин жараённинг дастлабки нуқтасидан ўзоқлашган сари табақаланиб боради.

⁶ Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Тошкент. ТДЮИ. 2003 й. 205 б. Темур Тузуқлари. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 92 б.

⁷ Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Тошкент. Адолат. 1995. 24 б.

Ҳуқуқ тарихи одатий ҳуқуқ ёки илк синфий жамият ҳуқуқи босқичига ва статут қонунчилиқ ҳуқуқи ёки нисбатан ривожланган синфий жамият ҳуқуқи босқичига бўлинади. Бу ўринда ҳуқуқ икки хил: боқий ва ўзгармас умумбашарий тартиб сифатида, шунингдек. Айни вақтда кишилар томонидан яратиладиган ва ўзгартириладиган нормалар мажмуи сифатида тушунилади. Бинобарин, одатий ҳуқуқ синкрет нормаларини ҳам ўз ичига олади. Булар, жумладан, Қадимги Рим ҳуқуқида дин ва ҳуқуқ, ислом ҳуқуқида – шариат ва фикҳ, ҳинд ҳуқуқида – шрути ва смрити ва ҳаказолар.⁸ Шу маънода таркибий қисмлари ўзаро мос келмайдиган тизимни сақлаб қолиш усулларини яратиш шаклланаётган юридик техниканинг вазифаларидан бирига айланган. Хусусан, ислом ақидаларининг асосий манбаи бўлган Қуръоннинг камчиликларидан холилиги ҳақидаги тезисни қўллаб-қувватлашга унда зарур нормалар мавжуд бўлмаганда улар мужтаҳидлар (ислом ҳуқуқшунослари) томонидан махсус усуллар ёрдамида ундан келтириб чиқарилиши мумкинлиги ҳақидаги қараш хизмат қилади⁹. Шунингдек, ҳақиқатан ва Ведалар ҳинд ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида тан олинган бўлиб бир хил деб қараладиган ҳинд ҳуқуқида ҳам муқаддас битиклар ва амалдаги муносабатлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга муқаддас китобларнинг қадимги қисмлари йўқолган деган фараз хизмат қилади. Умуман олганда, иудаизм ва исломда ҳуқуқий мактаблар ҳуқуқий нормаларни яратишнинг оқилона, яъни юридик техника усулларини фараз қилиш даражасига кўра фарқланади.

Ҳуқуқнинг норматив назариясига мувофиқ, “ҳуқуқнинг бутун тизими зинапоя тўзилишига эга, яъни нормалар иерархиясини ташкил этувчи асосий нормадан бирин кетин изчил келиб чиқаверади”¹⁰. Ҳуқуқнинг ва юридик техниканинг шаклланиш жараёни “юқори”дан, яъни таълимотдан амалиётга қараб ҳам, “қуйи”дан, яъни реал муносабатлардан уларни умумлаштириш ва типларга ажратиш орқали нормалар тизимини таркиб топтириш сари ривожланган. Ҳуқуқ шаклланишининг сўнгги усули – жараённинг дастлабки босқичларида, биринчи усули эса – охириги босқичларида масалан, ҳуқуқ рецепцияси устунлик қилган деб айтиш мумкин. Хусусан, дин ҳуқуқдан олдин пайдо бўлган исломда ҳуқуқ таълимотидан келиб чиққан.

VIII – XII асрларда Марказий Осиёда номлари ва асарлари минтақада ташқари ҳам донг таратган буюк алломалар – Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850 йиллар), Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний (797-865 йиллар), Имом ал-Бухорий (810-870 йиллар), Муҳаммад ат-Термизий (824-892 йиллар), Абу Али ибн Сино (980-1037 йиллар), Маҳмуд аз-Замаҳшарий (1075-1144 йиллар) ва бошқалар яшаб ўтганлар. Уларнинг бизгача етиб келган фундаментал асарлари эллинизм давридаёқ кўтарилган юридик техника муаммоси ўрта асрларда ривожланиш учун янги туртки олганини кўрсатади.

⁸ Тошқулов Ж.Ў. Ўзбекистон халқлари сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихидан. Тошкент. 1996. 128 б.

⁹ Абдулваҳабов Халлоф. Усул-ул фикҳ. Тошкент. 1997 й. 17 б.

¹⁰ Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Тошкент. Адолат. 2007. 527 б.

VIII – X асрлар мобайнида фикҳ методологиясини яратиш устида иш олиб борилади. Ислоҳ жамиятида ҳар қандай қарор қабул қилишнинг асосий манбаи сифатида Қуръон, Сунна ва Ижмо (муҳокама этиладиган масала юзасидан муждаҳидларнинг бир фикрга келишуви) эътироф этила бошлади. Инсон қилмиши кўрилганда фақиҳ шу манбалардан бирига асосланган бўлса, у чақарган ҳукм шариат ҳукми деб ҳисоблана бошланади.¹¹

Фикҳ юридик техникасининг ривожланишига Хоразмлик буюк аллома Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий вафоти (997 йил) улкан ҳисса қўшди. Унинг бизгача етиб келган “Фанлар калити” (Мафотиҳ ал-улум) китобида шариат меъёрларини баён этишнинг турли жиҳатлари таҳлил қилинади.

Кейинчалик Европа мамлакатларида ҳуқуқ ва юридик техника соҳасида тадқиқотлар жараёни фаоллашади.

Таниқли рус ҳуқуқшунос олим С.А.Муромцев фикрига кўра, қадимги одамлар ўз майллари ва қилмишларини билиш ва акс этириш учун, одатда, улар бошқалар учун ҳам тушунарли бўлган ёрқин ташқи кўринишдан фойдаланганлар. Инсоннинг бундай шаклдан фойдаланишга бўлаган эҳтиёжига С.А.Муромцев қадимги формализм манбаи, Қадимги Рим ҳуқуқида аксарият битимлар асосан формал хусусият касб этганининг сабаби сифатида қарайди. Шу боис Қадимги Рим онт ичиш тартиб-таомили давлат лавозимини эгаллашда қасамиёд қилиш, буюм сотиб олганда қўл кўтариб онт ичиш (манипация) ва ҳақозолар муҳим аҳамият касб этган. Ҳуқуқий рамзлар, жумладан, Рим ҳуқуқининг қадимги рамзи – найзадан ҳам айни шу мақсадда фойдаланилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ шаклланишининг юқорида зикр этилган икки йўналиши билан юридик техника шаклланишининг икки йўналиши муштаракдир. Уларнинг ўртасидаги фарқ, бизнингча, шундаки, биринчи ҳолда – у оламшумул хусусият касб этади, чунки ҳуқуқий тизимнинг шаклланиш жараёнини акс этиради, иккинчи ҳолда эса – мулкдор индивид манфаатлари нуктаи назаридан шаклланади. Маълумки, бу манфаатлар, одатда, ўз ҳуқуқини бошқалар учун акс этириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишдан иборат бўлади. Ҳуқуқнинг “қуйи”дан шаклланиш жараёнига Р.Иерингнинг ҳуқуқ техникаси тарихан юриспруденциядан олдин вужудга келган деган хулосасини татбиқ этиш мумкин.

Ҳуқуқий ҳодиса сифатида қадимда вужудга келган юридик техника роман-герман ҳуқуқи мамлакатларининг ҳуқуқий категориялари тизимидан XIX-XX асрлардагина ўрин олди. Ушбу мамлакатларда “юридик техника” тушунчаси шаклланишининг тарихий асоси сифатида икки омилни қайд этиш мумкин. Биринчиси – ўрта асрлар теологик дунёқарашнинг буржуазия юридик дунёқараш томонидан сиқиб чиқарилиши билан боғлиқ. Унинг доирасида Рим ҳуқуқи заминида этилган ҳуқуқий шакллар жамият асоси сифатида қаралган.

¹¹ Расулов Д.Н. Фикҳ ва қалам в трудах мыслителей Центральной Азии. Тошкент. Ижтимоий фикр. 1998 й. 142 б.

Иккинчиси – ҳуқуқ фанининг роли ҳуқуқни позитивизм таълимотининг ривожланиши билан боғлиқ. Пировард натижада ҳуқуқнинг тўзилиш шакли, шунингдек уни ўрганишнинг тегишли методи муаммолари биринчи ўринга чиқди. Айни догматик юридик метод юридик техника тушунчаси (концепциясининг) асосига айланди. Ўша давр юридик адабиётларида догма дегани муайян мамлакат амалдаги ҳуқуқи асослари тамойилларининг тизимли байни тушунилган. Бундай баён тавсифлайди, умумлаштиради, таърифлайди ва таснифлайди. Қонунчилик ҳамда ҳуқуқ ҳақидаги таълимотни ўз ичига олган догма айни вақтда қонунларни ўрганиш билан мутлақо боғлиқ эмас. Шу маънода бирга, догма юридик маҳорат тармоғи сифатида ва нихоят, “амалиётчи юрист ўз фаолиятида амалга ошириши лозим бўлган ҳуқуқий тартиб сифатида қаралади.

Хуллас, догма (догматик метод) сермаъно ва серқирра тушунча бўлиб, у ҳуқуқни билиш (ўрганиш) методини ҳам, юридик фан (ҳуқуқ назарияси)ни ҳам, унинг қоидаларини юрист фаолиятида амалга татбиқ этиш усули(маҳоратини) ҳам англатади. Бизнингча, у сўнгги зикр этилган ҳолатда юридик техника билан тенглаштирилади.

Бинобарин, тарих юридик техника анча чуқур илдизларга, ривожланишнинг ўз хусусиятларига эга бўлганидан далолат беради. Булар, жумладан, матннинг норматив тўзилиши, моддаларда сарлавҳалар мавжудлиги, махсус ҳуқуқий атамалар қўлланилгани ва бошқалар. Унификацияланган илк ҳужжатларда, масалан, Темур тўзукларида тизимга солинган матн, сарлавҳалардан иборат боблар, аниқ атамаларга дуч келиши мумкин.

Умуман олганда, барча замонларда яратувчи ҳуқуқшунослар юридик техникадан моҳирона йўли билан ҳуқуқни такомиллаштиришга кодир бўлганлар, десак, асло янглишмаган бўламиз. Зеро, ҳуқуқни шакллантириш жараёни ҳамиша давлат фаолиятининг мураккаб тури ва шакли сифатида намоён бўлиб келган.¹²

Юридик техникага, яъни қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш санъатига, шунингдек, юридик техника методолгиясига оид илк тадқиқотлар антик дунё мутафаккирлари, хусусан, Афлотун, Арасту, Цицерон номлари билан боғлиқ. Уларнинг асарлари қонунчиликни яратиш, ўзгартириш ва такомиллаштириш масалаларига бағишланганлиги билан ажралиб туради.

Қадимги Рим юристлари ҳуқуқ ижодкорликлиги ва ҳуқуқни қўллашда иштрок этар эканлар, жумладан, баённинг қисқа ва лўндалиги эришишга чақирганлар ҳамда юридик техниканинг бу қайдасини амалга оширишга ўзлари ҳам ҳаракат қилганлар. Масалан, “Дигестлар”да император Юстиниан ўз квесторига “ортиқча ўзун жумлаларни қисқартириш”га ҳаракат қилишни ва эски китобларнинг “ноўрин ёки номукамал” жойларини тўзутишни буюради.¹³

¹² Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Тошкент. Адолат. 2009. 583 б.

¹³ Памятники Римского права: XII таблиц. Институции Гая. Дигесты Юстиниана. М.Зерцало. 1997 г. 83 с.

Кейинчалик “юридик техника” тушунчасини ишлаб чиқишда Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Л.Монтескье, Т.Мор, С.Пуфендорф, Р.Фон. Иеринг ҳамда янги давр ва маърифатчилик даври бошқа мутафаккирларининг ҳам хизмати катта бўлган. Шунингдек, инглиз утилитаризми асосчиси И.Бентам (1760-1793) асарлари ҳам бу борада муҳим рол ўйнаган. Ушбу мутафаккирларнинг ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ, жиноят процессига оид асарлари айниқса машҳур. Олим илгари сурган ғоялар ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғи учун қимматли бўлиб, улар қонунчиликни такомиллаштириш ва инсонпарварлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш руҳи билан суғорилган. Юридик техника масалаларини у “Шарҳлар шарҳи” (1775), “Умуман қонунлар ҳақида” (1782) асарларида таҳлил қилган. Бентамнинг ҳуқуқ дунёсини ўрганишга нисбатан ёндашуви, унинг ўз эътирофига кўра, танқидий юриспруденция хусусиятини касб этади. Унинг қонунларини тузиш ҳамда юридик техника қоидаларининг муҳим принциплари ҳақидаги қарашлари ҳанўзгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Юридик техника ҳақидаги таълимотнинг асосчиси инглиз мутафаккири Френсис Бекон (1561-1626) ҳисобланади. Унинг “Янги органон”(1620) асарида қонунларни ёзиш қоидалари баён этилган. Асарда Бекон юридик тил нафақат қисқа, балки қонунларни ҳар ҳил тушунишга йўл қўймайдиган даражада аниқ бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Олимнинг яна бир хизмати шундаки, у ҳуқуқни тизимга солиш усули саналган инкорпорация ҳақида илк бор сўз юритган. Бекон инкорпоратив фаолиятни қонунлар тўпламини тузишнинг ишончили усули, деб ҳисоблаган.

Юридик техника муаммолари ҳақидаги мулоҳазаларга немис олими Самуил Пуфендорф (1632-1694) ижодида ҳам дуч келиш мумкин. У қонун ижодкорлигининг мазмунигагина эмас, балки унинг формал-юридик томонига ҳам талаблар қўяди. Жумладан, у давлат томонидан чиқарилаган қонунлар тушунарли бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Қонун ижро этилиши учун аниқ, тушунарли тилда баён қилинган, фуқаролар эътиборига ҳавола этилаган бўлиши лозим. Шу тариқа у “мукаммал” қонун матнини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътиборини қаратади. Айни вақтда немис мутафаккири ўрта асрлардаёқ қонунчилик техникаси чегарасидан четга чиқиб ва ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги юридик техника муаммоларини ўрганиб, юридик техникани тушуниш уфқларини кенгайтиради.

XVIII асрнинг буюк мутафаккири Ш.Л.Монтескье (1689-1755 й) ўзининг “Қонунлар руҳи ҳақида” (1748) асарида қонунларни баён этишнинг баъзи бир принципларини таърифлайди. У қонунлар нима, деган саволни ўртага ташлаб, ўз саволига асарда шундай жавоб берган; “Қонунлар сўзнинг кенг маъносидан нарсалар табиатидан келиб чиқадиган зарурий муносабатлардир”, Монтескье фикрига кўра, бу муносабатлар нарсаларга ичдан хос бўлиб, уларни топиш ва ўрганиш мумкин. Улар бошқарув типи (тирания, монархия, демократия ва бошқалар) билан белгиланади ва мамлакатнинг физик хусусиятлари, унинг

совук, иссиқ ёки мўътадил иқлими, рельефининг хусусияти (текислик ёки тоғлик ўлка) дини, аҳолисининг сони, ахлоқи ва урф-одатларига кўра фарқ қилади.

Монтесъкенинг фикрича, қонун услуби содда ва аниқ бўлиши керак; ҳар хил талқинга йўл қўймаслик учун тушунчалар нисбий эмас, балки мутлақ хусусият касб этиши лозим. Қонунда метофарик ва гипотетик иборалар ишлатишдан мумкин қадар қочиш керак. Қонунда исботлаш ва асослаш усулларида фойдаланиш хавфлидир, чунки улар фақат зиддиятларга замин яратади. Аввало, қонунлар пухта ўйланган ва амалда зарур бўлиши, оқилоналик ва одилоналик мезонларга ва нарсалар табиатига зид бўлмаслиги керак, зеро, номукамал, кераксиз ва адолатсиз қонунлар бутун қонунчилик тизимига путур етказди ва давлатнинг борўсига дахл қилади.

Италиялик олим Ч.Беккариа (1738-1794 йиллар)нинг 1764 йилда нашр этилган “Жиноятлар ва жазолар ҳақида” асарида жиноят қонунларини яратиш, шарҳлаш ва амалда қўллаш принциплари таҳлил қилинган.

Юридик техниканинг ривожланишига инглиз олими Иеремия Бентам (1748-1832 йиллар) салмоқли ҳисса қўшган. У ўзининг “Қонунчилик мажлислари тактикаси” асарида қонунлар ва уларни тузиш принциплари, қонун ижодкорлиги техникаси қоидалари тўғрисида мулоҳаза юритади. Бунда у нафақат қонунчилик тили, балки норматив ҳужжатларнинг ички тўзилиши масалаларига ҳам тўхталади. Мазкур асар юридик техникани ривожлантириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

“Юридик техника” атамаси илмий муомалага XIX асарда яшаб ижод этган таниқли немис олими Рудольф фон Иеринг (1818-1892 йиллар) киритган. У ўзининг “Рим ҳуқуқи ривожланишининг турли босқичларида унинг руҳи”, деб номланган фундаментал тадқиқотига дебеча сифатида яратган кичик асарини “юридик техника” деб номлаган.

Иерингнинг фикрича, юридик техника ҳуқуқ фанидан олдинроқ ипайдо бўлган, чунки ҳар қандай фан билишдан бошланади. Айни чоғда олим “юридик техника” тушунчасига таъриф беради. Тўғри, бунда у қонунчилик техникасини тушунади. Бундан ташқари, у ҳуқуқда тежамлилик қонуниятини таърифлайди, қонунлар тузишнинг кўп сонли қоидаларини таклиф қилади, қонунчилик техникаси соҳасида тўпланган қоидаларни таснифлашни амалга оширади, уларнинг акариятини атрофлича таҳлил қилади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, XIX-XX аср чегарасида ҳуқуқ назарияси ҳали унча ривожланмаганлиги боис Иеринг юридик техникани юридик фаннинг мустақил тармоғи сифатида фарқланмаган ва у юридик техникага ҳуқуқ назариясини ҳуқуқшунос фаолиятига татбиқ этиш усули сифатида қараган.

Иеринг асарларидан сўнг юридик техникага мустақил тушунча сифатида қарала бошлади. Бунга Ф.Женининг Наполеон Кодексининг юз йилигига бағишлаб ёзган “Ҳозирги фуқаролик-ҳуқуқий кодекслаштирилган ҳужжатларида қонунчилик техникаси” асари мисол бўла олади. Ўтган асрнинг

20-йилларида “Ф”Жени қонун ижодкорлигининг икки босқичини; ҳуқуқий тартибга солиш ечимини излаш ва қонунларни техник жиҳатдан тузишни фарқлаган. С.Давен ўзининг “Ҳуқуқ умумий назарияси” асарида бу икки босқични қонунни “техник жиҳатдан” ишлаб чиқиш тушунчаси билан боғлаган. Аммо бунда у “моддий” ва “формал” жиҳатларини фарқлаган.¹⁴

Қонунларни яратиш техникаси масалалари шўро даврида ҳам олимлар эътиборидан четда қолмаган. Уларга, жумладан, гарчи тоталитар характерда бўлса-да, Л.Успенскийнинг 1927 йилда нашр этилган “Юридик техника ҳақида очерклар” китоби бағишланган.

Ўзбекистонда юридик техниканинг ривожланишида янги босқич республикаимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтдан бошланади. Миллий ҳуқуқий адабиётларимизда юридик техника муаммоларига эътибор кучайди. Бу муаммоларга бағишлаб мақолалар ёзилмоқда, илмий-амалий семинар ва конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Юридик техника давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга, тармоқ ҳуқуқий фанларига мустақил мавзу сифатида киритилмоқда. Шунга қарамай, юридик техника муаммоларини ўрганиш ҳали яхши йўлга қўйилганича йўқ. Тўлақонлик юридик техника назарияси мамлакатимизда ҳали яратилинмаган. “Юридик техника” тушунчасининг умумий қабул қилинган таърифи мавжуд эмаслиги, унинг таркибий қисмлари, ҳуқуқ соҳасидаги ўрни ва аҳмияти, қонунчиликнинг турли тармоқларида қўлланиш хусусиятлари ва ҳақозоларга муфасса тавсиф берилмагани бунинг исботидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз олимлари техниканинг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш ва унинг таркибига янги қисмлар киритиш устида фаол иш олиб бормоқдалар.¹⁵

Умуман олганда, давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган иродаси ҳуқуқ нормалари тизими орқали ифода этилади. Бунинг учун ҳуқуқ нормалари муайян шаклда ифода этилиши, айниқса, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асосли равишда таъкидлаганидек: “Қонунлар ҳаётий амалиёт билан боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак”.¹⁶ Аслида бу жиҳатлар давлатнинг иродаси билан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг тўлиқ ифодасини топмоғи лозим. Шунинг учун ҳам давлат иродаси натижаларини қонунчилик ҳужжатларида аниқ, турли ҳил маъно англатмайдиган ва муайян шаклда акс эттириш ҳуқуқ ижодкори олдида турган асосий мақсад ҳисобланади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу мақсадга юридик фаннинг махсус соҳаси – юридик техника орқали эришилади.

¹⁴ Керимов Д.А. Законодательная техника. Научно-методическое и научное пособие. Москва. Норма. 1998. 17 стр.

¹⁵ Одиқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни: назария ва амалиёт масалалари. Юридик ф.док.... диссер. Тошкент. Ў.Р.ФА.И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 1995 й. 232 б.

¹⁶ Каримов.И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мфактура. Т 1. Тошкент. Ўзбекистон. 1996 й. 320 б.

Хулоса

1.2. Юридик техника тушунчасига оид замонавий ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ҳар қандай давлат қонунчилик фаолияти орқали жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафкуравий соҳаларида энг муҳим масалаларниҳал этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Қонун чиқариш ёки қонунчилик давлатнинг ажралмас функцияси ва шундай бир фаолият йўналишики, унда давлатнинг олий вакиллик органи ижтимоий тажрибани умумлаштириш асосида жамиятга давлат раҳбарилигини амалга ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунлар ишлаб чиқади, мавжуд қонунларни ўзгартиради ва эскирганларини бекор қилади. Зотан, “қонунлар жамиятдаги муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида юридик кучи жиҳатидан энг юқори ўрин тутати”. Уларни яратишда эса юридик техника муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шунга кўра ҳозирги кунда мамлакатимиз юридик фанида ҳам чет эл юридик фанида ҳам юридик техника соҳасида бир қатор тадиқотлар олиб борилмоқда.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласи ёки умумий ҳуқуқ оиласи ҳозирги кунда дунёдаги мавжудт ҳуқуқ оилалари орасида қадимий ва юқори таъсирга эга бўлган ҳамда кенг тарқалган оилалардан бири ҳисобланади. Дунё аҳолисининг учдан бир қисми умумий ҳуқуқ нормалари, доктриналари, соҳалари ва институтлари таъсири остида яшайди. Умумий ҳуқуқ ўзоқ йиллар давомида Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа бир қатор давлатларда қўлланилиб келинмоқда.

Англо-Саксон (умумий ҳуқуқ) ҳуқуқ оиласи бошқа ҳуқуқий оилалардан қуйидаги жиҳатдан билан фарқ қилади;

Биринчидан, умумий ҳуқуқ ўз табиати ва мазмунига кўра “суд ҳуқуқи” ҳисобланади. бу шуни англатадики, умумий ҳуқуқнинг асосларига Англияда Қирол (вестминстер) судларининг қарорлари, АҚШда у ёки бу қонуннинг жорий конституциясига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш масалалари бўйича лий суднинг қарорлари, Канада, Австралия ва Англо-саксон тизимида кирувчи бошқа мамлакатлар суд органларининг худди шундай масалалари бўйича чиқарган қарорлари киритилган. Шу билан бирга, бу мамлакатларнинг, энг аввало Англиянинг ҳуқуқий тизимида парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг (статутларнинг) ҳам ўз ўрни бор. Лекин, парламент актларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида мавжуд суд қарорлари эътиборга олинади ва судлар томонидан парламент актларининг амалий аҳамияти расман баҳоланади.

Иккинчидан, англо-саксон ҳуқуқ оиласи бошқа ҳуқуқ оилалардан фарқли ўлароқ, тазуа характерга эга бўлиб, унда прецедент ҳуқуқи устун характер касб этади. Жорий қонунчилик кодификацияси қилинмаган бўлади.

Учинчидан, бошқа ҳуқуқ оилаларидан фарқли, мазкур ҳуқуқ оиласининг юзага келиши ва ривожланишига Рим ҳуқуқи ва унинг техникаси катта таъсир ўтказмаган.

Тўртинчидан, англо-саксон ҳуқуқ оиласида моддий ҳуқуққа нисбатан процессуал ҳуқуқнинг роли ва аҳмиятига кўроқ эътибор берилади.

Бешинчидан, давлат ҳокимиятининг бошқа органларига нисбатан суд ҳокимияти мустақиллигининг юқори даражада эканлиги, хусусан, унинг ўз ички ҳаётини мустақил ташкил этиш ва одил судловни мустақил амалга оширилиши учун етарли имкониятларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг юксак техник-юридик даражаси жамият умумий ва ҳуқуқий маданиятнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Э.Аннерснинг “Европа ҳуқуқи тарихи” китобига ёзилган сўзбошисида; “Мамлакатнинг маърифатлилиқ даражаси унда юридик техника қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади”, деб таъкидлаганидек, бу фикрга қўшилмаслиқ мумкин эмас. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш керакки, ҳуқуқий қонунларни “конструкциялаш, яъни лойиҳасини ишлаш-юксак маданий тараққиётнинг муим ютуғидир. Эртами-кечми, барибир юксак орзулар ушаладиган етук маданият муқаррар равишда қонунларнинг чиқарилишига олиб келади. Қонун ҳам, маданиятнинг ўғлини сифатида, ўз онаси-маданият ютуқларини кўпайтириб, мустаҳкамлаб, унга доимий ғамхўрлик қилади. Бу ўринда шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, қонунлар, агар улар мукамал бўлса, жумладан, маданият кўринишларидан бири сифатида ҳуқуқни ҳам шакллантириш қобилиятига эгадир, айтиб чоғда у орқали бошқа (ҳуқуқ тақозо этган) ҳуқуқий қадриятлар ҳам мустаҳкамланади. Чунинчи, қонунларни қабул қилиш бўйича парламент тартиб-таомиллари, ҳокимиятлар ўртасидаги можароларни ҳал этиш йўл-йўриқлари, жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича одил судлов олиб бориш ҳуқуқий маданият даражасидан яққол гувоҳлик беради”.¹⁷

Аксинча, ҳуқуқий ҳужжатларнинг композицион тўзилиши, ташқи кўриниши, мантиқ талаблари, баён этиш услубига эътиборсизлик мазкур ҳужжатларнинг декларативлиги, зиддиятлилиги ва ноаниқлигига сабаб бўлади, бундай салбий ҳолатлар эса улардан турли номаъқулчиликлар йўлида фойдаланишга имконият яратади, пировард натижада қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот даражаси пасая боради. Зотан, “Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг

¹⁷ Каримов Р.К. Роль закона формирования правовой культуры. Право. 1998. №2. 69 стр.

ҳолатига қараб шахс эркинлиги даражаси, унинг ҳуқуқ ва эркинлигининг ҳақиқийлиги, демократиянинг даражаси ва чинакамлиги белгиланади”¹⁸.

Бинобарин, юридик техникага илмий ва амалий қизиқиш мавжудлиги бежис эмас. Чунки, ушбу жараён қуйидаги бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, бутун қонунчилик тизими ўзгаргани, унинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий давлат қуриш доирасида ҳуқуқ тизимининг ички муштараклигини таъминлаш зарурияти билан белгиланади. Бу омил “ҳуқуқий давлатнинг негизи, унинг пойдевори – қонун ва қонунийликдир” деган қоидадан келиб чиқади.

Иккинчидан, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат – қонун ёрдамида ижтимоий муносабатларга тартибга солувчи таъсир кўрсатиш доираси кенгайгани, қонунчилик материалига ишлов бериш, уни тизимга солишга нисбатан янгича ёндашув талаб этилаётганини, ижтимоий муносабатларга амалда таъсир кўрсатиш механизмларини яратиш зарурияти билан белгиланади.

Учинчидан, ҳуқуқнинг дунё миқёсида интеграциялашуви шароитида ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро яқинлашиши, халқаро ҳуқуқ қоидаларининг миллий ҳуқуқдан устунлиги принципи қарор топгани, ҳуқуқнинг аксарияти тармоқлари ва институтларини, ҳуқуқий атамашуносликни, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш тартиб-таомиллари ва режимларидан фойдаланиши бир хиллаштириш зарурияти билан белгиланади. Таъкидлаш жоизки, қонунчилик сифатини ошириш борасидаги ҳаракатлари умумий хусусият касб этади. Ҳозирги вақтда қонунчилик фаолияти муаммоларини комплекс ўрганиш билан шуғулланадиган илмий ва ўқув фани лигистика, деб аталади. Бу ёндашув, Швецария давлати бошқаруви Академиясининг профессори Л.Мадер фикрига кўра, фан, санъат ва маҳорат билан боғлиқ жиҳатларини бирлаштиради ва қонун ҳужжатларининг мазмунига ҳам, шаклига ҳам эътибор қаратади.

Тўртинчидан, ахборот ҳуқуқий тизимлари кенг тарқалиши билан белгиланади. Бу қонун ҳужжатларини янада аниқроқ таснифлаш ва бирхиллаштиришни талаб қилади. Кўрсатилган масалаларни юридик техникасиз ҳал этиш деярли мумкин эмас.

Бешинчидан, инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда қонунчиликнинг роли ошиб бораётган билан белгиланади. Ҳозирги, давр нафақат давлат хизматчиларини, балки оддий фуқаролардан ҳам юксак даражада ҳуқуқий саводхонликни ва юридик техникани билишни талаб қилади. Бинобарин, юридик техника фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда таъсирчан воситага айланмоқда. Ўз навбатида, юридик техниканинг моҳиятини англаб етиш мазкур тушунчанинг мазмунини тавсифлашга киришиш имконини беради. Маълумки, “техника” атамаси юнонча “tehne” сўзидан олинган бўлиб, бирон-бир ишда

¹⁸ Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Тошкент. Адолат. 2007. 872 бет.

қўлланиладиган кўникмалар ва усуллар мажмуини, ўқув, маҳорат, санъат кабиларни англатади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши билан “техника” тушунчаси тарихан ўзгариб борган. Ҳозирги замон тилида “техника” сўзи сермаъно тушунчадир.

Норматив-ҳужжатларнинг лойиҳаларини тузиш техникаси мураккаб ва сермеҳнат жараён бўлиб, қонун чиқарувчи ҳуқуқий категорияни акс эттириш учун техника воситаларидан моҳирона фойдаланиш, жамият олдида турган турли-туман вазифаларни ҳисобга олиш ва уларни қонунда аниқ акс эттириши лозим. Қонун чиқарувчи лексика, грамматика, қонунчилик услубини мукаммал билиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш борасида чуқур билимлар ва амалий тажрибага эга бўлиши даркор. Бу каби хусусиятларга давлатимиз бошлиғининг миллий парламентимиз юқори ва куйи палатлари фаолияти билан боғлиқ куйидаги сўзлари қўшимча бўлиши мумкин. “Бу борада куйидаги мисол алоҳида эътиборга молик, деб ўйлайман. Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар бўйича Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тўзилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул ҳулосага келинди. Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба, аввало, бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараён қарор топаётганидан дарак беради. Ва шундай мисоллар мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганини яна бир бор намоёиш этади”.¹⁹

“Юридик техника” тушунчасининг этимологияси ҳақида сўз юритганда, мазкур масала миллий юридик адабиётларимизда деярли ўрганилмаганлигини қайд этиш лозим. Бизнинг давлат ва ҳуқуқ назариясига оид дарсликларимизда ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳақидаги бўлимларда, одатда мазкур жараённинг турли иқтисодий, т.сиёсий, фалсафий ва бошқа омиллари кўриб чиқилади. Аммо уларнинг орасида юридик-техник омил мавжуд эмас. Пировардида улар диққат марказидан ҳуқуқнинг вужудга келиш сабаблари ўрин олди ва бу жараён қандай юз бергани, яъни инсоният тарихида ҳуқуқнинг вужудга келиш техникаси ва технологияси тўғрисидаги масала деярли ўрганилмайди.

“Техника” атамасининг ҳуқуқда қўлланилиши ундан ижтимоий ҳаётнинг нотехникавий соҳасида, хусусан, санъатда, фаннинг тегишли тармоқларида, спортда ва ҳақозоларда фойдаланишнинг айрим кўринишидир. Бунда “юридик техника” тушунчасида “юридик” атамаси “техника” тушунчасининг қўлланиш доирасини белгилашга хизмат қилади.

Ж.Мюррейнинг инглиз тилининг изоҳли луғатида “техника” тушунчасига санъатнинг формал ёки механик қисми, деб таъриф берилган. Бунда мазкур тушунчанинг сермаънолиги қайд этилади. Айни пайтда тор ёки махсус

¹⁹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т 14. Тошкент. Ўзбекистон. 2006 й. 141 б.

маънодаги “техника” тушунчаси қайд этилган сермаънолиликка қўшимча тарзда ўзи қўлланиладиган муайян ижтимоий соҳанинг хусусиятларини ҳам акс эттиради. Хусусан, “юридик техника” тушунчасида унинг типологик ва назарий жиҳатлари, ҳуқуқ шакли ва тўзилишининг хусусиятлари, шунингдек айрим муаллифларнинг юридик техника ҳақидаги қарашлари акс этиши мумкин. Мазкур тушунча янада сермазмун аҳамият касб этадики, бу мутлақо ноўриндир, чунки ҳар қандай илмий категория фақат битта маънога эга бўлиши лозим. Дарҳақиқат, техника эҳтиёжларини қондириш, бирон-бир мақсадга эришишнинг муайян воситаси саналаса, ҳуқуқда техника, қўлланилган ёндашувга қараб, қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш усуллари ҳам, қонуннинг ўзи ҳам, ҳуқуқни шарҳлаш усуллари ҳам, ҳуқуқнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. Шу маънода роман-герман ҳуқуқи юристлари ўртасида кенг тарқалган: “ҳуқуқ техникага эга ва ўзи ҳам техникадир”, деган ибора мутлақо ўринлидир. Бошқача айтганда, “техника” тушунчаси айна пайтда ҳуқуқдан ташқаридаги ҳодиса сифатида ҳам, ҳуқуқнинг синоними сифатида ҳам амал қилади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, “Ҳуқуқий тизимларни таснифлашда этник, ирқий, жуғрофий, диний тушунчалардан тортиб то юридик техника ва ҳуқуқ услуги билан тугайдиган хилма-хил омиллардан фойдаланилади. Таснифларнинг кўплиги шундан келиб чиқади. Шунга қарамай, Р.Давид томонидан берилган ҳуқуқий оилалар таснифи энг оммавийси бўлиб чиқди. У - дин, фалсафа, иқтисодий ва ижтимоий таркибларни ўз ичига олган мафкура ҳамда ҳуқуқ манбаларини асосий таркиб сифатида қамраб олувчи юридик техникадан иборат икки мезоннинг қўшиб олиб борилишига асосланган”.²⁰ Айтайлик, англо-саксон ҳуқуқи мамлакатларда “қонунчилик техникаси” тушунчаси анча кенг тарқалган. Аммо, роман-герман ҳуқуқи мамлакатларидан фарқли ўлароқ, бу ерда қонунчилик техникаси деганда, норматив ҳужжатнинг формал йўналишлари эмас, балки қонунчилик ташаббусидан қонунни промўлгация қилишча бўлган босқичларни қамраб олувчи қонун ижодкорлиги жараёни тушунилади. Унга риоя этиш муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳаларида хатоларга, шунингдек, уларни қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўйилишининг олдини олишни кафолатлайди, деб қаралади. Қонунчилик техникасини бундай тушуниш мазкур мамлакатларда деярли умум эътироф этилган бўлса-да, аммо улар билан бир қаторда баъзан “юридик техника” тушунчаси ишлатилган ҳолларда ҳам дуч келиши мумкин. Америкада элон қилинган адабиётларда юристнинг касбий фаолияти баъзан тўлиқ техника билан боғланади. Бундай ёндашув, ҳуқуқ фақат низоларни ҳал қилиш ёки тўқнашган манфаатларни мувофиқлаштириш усулидир, деган тезисга асосланади. Бундан юристнинг иши ижтимоий тартибга солиш техникасини мукаммал билишдан, деган хулоса келиб чиқади.

²⁰ Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Тошкент. Адолат. 2007. 742 б.

Англо-саксон ҳуқуқининг категориялари тизимида, “техника” тушунчасининг хусусияти маълум даражада унинг таълимоти ва тўзилиши хусусияти билан белгиланади. Маълумки, бу ерда суд жараёнидан ташқарида ҳуқуқ мавжуд эмас, шу сабабли “ҳуқуқ” тушунчаси муқаррар тарзда тартиб-таомиллар (процедура)ни ўз ичига олади, ҳуқуқ назарияси эса ишларни кўриш методи сифатида қаралади. Хусусан, инглизча манбаларда “юриспруденция” тушунчаси баъзан ҳуқуқда билим ёки маҳорат сифатида, ҳуқуқ услуги ёки шакли сифатида таърифланган.

Ҳозирги вақтда “юридик техника” тушунчасининг мукамал таърифлари мавжуд эмас. Умуман олганда, юридик фанда шундай бир вазият юзага келганки, бунда нафақат “юридик техника” тушунчасининг кенг эътироф этилган таърифи, балки мазкур муаммога нисбатан олимларнинг у ёки бу даражада ягона ёндашув ҳамм мавжуд эмас.

Адабиётларда юридик техникага берилган таърифларнинг исталган бирини икки ёндашувдан биттаси – статик ёки динамик ёндашувга киритиш мумкин.

Статик ёндашув. Унга “юридик техника” тушунчасининг мазмунини унинг элементлари – методлари, усуллари, қоидаларини санаб ўтиш йўли би лан ёритиш хос. “Юридик техника” тушунчасининг статик ёндашув руҳидаги классик таърифи, масалан, қуйидагича янграйди: юридик техника – юридик ҳужжатларни тайёрлаш, тузиш ва расмийлаштириш, уларни тизимга солиш ва уларнинг ҳисобини юритиш қоидалари, методлари ва усуллари мажмуидир.

Юридик фанда статик ёндашув ўзоқ вақт мобайнида етакчилик қилган, унинг тарафдорлари ҳозир ҳам кўплаб топилади. Бунда юридик техниканинг таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввурларидан муайян фарқлар кўзатилади, лекин ёндашув моҳияти ўзгаришсиз қолади – юридик техника фақат унинг таркибий қисмлари мажмуи орқали тавсифланади.

“Юридик техника” ва “қонунчилик техникаси” тушунчаларига статик ёндашув доирасида берилган таърифларга жумладан, Л.М.Бойко, Н.А.Власенко, Д.А.Керимов, А.С.Пиголкин, М.К.Нажимов, Ш.А.Сайдуллаев асарларида дуч келиш мумкин²¹.

Статик ёндашувнинг асосий камчилиги шундаки, масаланинг фаолиятига доир техник томони эътибордан четда қолади. Ҳамонки, юридик техника, ҳар қалай, техника экан, балки, унга таъриф беришда бу шунчаки таркибий қисмлар мажмуи эмас, балки, шу билан бирга, субъектларнинг муайян мақсадларга эришишга ва маълум вазифаларни ҳал этишга қаратилган фаолият эканлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Демак, “юридик техника” тушунчасига таъриф беришда техник жиҳатни лозим даражада эътиборга олмаслик баъзан статик ёндашув тарафдорларини юридик техника таркибий қисмлари тизимида чалкашликка олиб келади. Бунга, чунончи, юридик техника таркибий

²¹ М.Нажимов, Ш.А.Сайдуллаев. Қонунчилик техникаси. Тошкент. 2009. 137 б.

қисмларига нисбатан умумэтироф этилган атамашуносликка доир ёндашув ҳанўзгача мавжуд эмаслиги сабаб бўлади.

Бир ёндашувда қонунчилик техникаси усуллари, методлари ва қоидалари бир хил деб ҳисобланадики, бизнингча, бу фикрга қўшилиш қийин. Бошқа бир ёндашув, қонунчилик техникаси қоидалари жамулжам ҳолда усуллар ва воситаларни ташкил этади, дейилади. Ҳолбуки, қоида усул бўла олмайди, яъни норма амал бўла олмайди.

Дарҳақиқат, “юридик техника” тушунчасига таъриф беришда техника жиҳатдан воз кечиб, юридик техниканинг барча таркибий қисмлари ўртасидаги фарқларни тушунтириш мумкин эмас. Тўғри танланмаган методологик ёндашув муқаррар тарзда чалкашликка сабаб бўлади.

“Юридик техника” тушунчасига таъриф беришга нисбатан бошқа бир ёндашув динамик хусусият касб этади. Унинг умумий тавсифи қуйидагича; юридик техника муайян таркибий қисмлар мажмуи бўлиб, юридик техника уларнинг тизимигина эмас, балки фаолият ҳамдир. Р.Иеринг “юридик техника” тушунчасини айнан шундай талқин қилади. “Биринчи маънода-мен “техника” деганда, вазифа мазкур ҳуқуқий материалга ишлов беришдан иборат бўлган юридик санъатни тушунаман..., айтганда, техника метод; иккинчи маънода-бу вазифани ҳуқуқнинг ўзида амалга ошириш, яъни ҳуқуқнинг тегишли техник механизми, деб биламан”.²²

Бу ёндашувга С.С.Алексеев таклиф қилган таъриф ҳам мисол бўлиши мумкин; “Юридик техника-ҳуқуқий (норматив) ҳужжатларни яратиш ва тизимга солишда уларнинг мукаммалигини таъминлаш учун қабул қилинган қонунларга мувофиқ қўлланиладиган воситалар ва усуллар мажмуи”. Кўриб турганимиздек, ба таърифда қоидалар ва усуллар мавжудлиги шунчаки қайд этилмаган, балки улардан фойдаланиш омилига ҳам ишора қилинган. бу ёндашув, бизнингча, тўғрироғи ва асослироқдир.

Динамик ёнадувининг камячилиги шундаки, техник фаолият баъзан хаддан ташқари кенг талқин қилинади “юридик техника” тушунчаси асоссиз равишда кенгайтирилади. Бу, аввало, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини юридик техника предметига тўлиқ киритиш ҳолларига тааллуқли. Ҳолбуки, бу юридик техникани тушунишга дуализмга, яъни иккиланишга, ҳар дам хайолика сабаб бўлади.

Юридик техниканинг норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш расмийлаштириш воситалари ва усуллари (методлари, қоидалари ва бошқалар) мажмуи сифатида тушинишга асосланган нуқтаи назар айниқса кенг тарқалган бўлиб, у асосан ҳуқуқ ижодкорлиги техникаси билан боғланади. Сўнги зикр этилган техника, одатда қонунчилик (қонун ижодкорлиги) техникаси ҳисобланади. бизнинг назаримизда. Юридик техниканинг мазкур талқини таҳлил қилиниётган тушунча мазмунининг барча жиҳатларини тўла акс

²² Иеринг Р. Юридическая техника. М.-Статут. 2008. 231 стр.

эттирмайди ва бу унга муайян тўзатиш киритишни тақозо этади. Энг сўнги чоп этилган адабиётларда айни шундай тўзутиш киритишга бўлган уринишларга дуч келиш мумкин. Кўпчилик муаллифлар бундай тўзатиш киритишни юридик техника ҳақидаги одатдаги тасаввурлар доирасида, яъни уни ҳуқуқий ҳужжатларининг матнларини тўзатиш техникаси сифатида тушунган ҳолда амалга оширдилар. Баъзи олимлар эса, бундай юридик техникани умуман юридик фаолиятда қўлланиладиган техника сифатида тушуниб, юридик зикр этилган тасаввурлар чегарасидан четга чиқадилар. Бунда улар юридик техника таркибий қисмларининг фарқлаш масаласига турлича ёндашадилар. Айрим тадқиқотчилар юридик техникага тегишли фаолиятни амалга ошириш воситаларини ҳам, усулларини ҳам киритадилар. Уларга қарама-қарши ўларок, баъзи олимлар юридик техникага фақат мазкур фаолият жараёнида фойдаланадиган воситаларни ёки усулларини киритадилар. Юридик техникани тушунишдан бошқа тавовутлар ҳам мавжуд.

АҚШ ва Англияда нашр этилган юридик луғатларда юриспруденция позитив ҳуқуқ ҳақидаги фан сифатида формал хусусият касб этишни қайд этилади. Унинг функциялари қаторига ҳуқуқий нормалар замирида ётган принципларнинг белгилаш, уларни лозим даражада таснифлаш, уларни ўзаро нисбатини аниқлаш ҳамда янги ва мураккаб ишларни ҳал қилиш методини белигилаш кабилар киради. Хуллас, юридик техника ҳуқуқ назариясига аниқланиш даражасидаёқ киритилган нуқта шунга ўхшаш манзарага тушунчалар ахбороти соҳасида ҳам дуч келамиз. Бу ерда “техника”; ва “формал-юридик” тушунчалари айни бир атама “technical” ёрдамида ифодаланади. Роман-герман мактаби юристи “техника” атамасини ишлатадиган ҳуқуқни тафсиялаш соҳаларида инглиз-америка муаллифлари ундан фойдаланмайдилар.

“Юридик техника” тушунчаси деярли умумэътироф этилган романа-герман ҳуқуқ мамлакатларида у айни вақтда ҳар хил маъно касб этади. Бу ҳол турли методология, шунингдек, “техника” ва “ҳуқуқ” тушунчаларининг серқирралиги ва айни шу сабабли ҳуқуқнинг техник жиҳатларига ҳар хил ёндашилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Кўрсатилган мамлакатларда юридик техника муаммосига нисбатан ёндашувлар ранг баранг бўлсада уларнинг икки турини фарқлаш мумкин. 1) “кенг” ёндашув, бунда юридик техника умуман ҳуқуқ билан аниқлаштирилади ёки унинг замирида ётади ёхуд ҳуқуқий борлиқнинг биттадан кўп жиҳатини акс эттиради; 2) “тор” ёндашув, бундан юридик техника ҳуқуқининг фақат бир соҳаси қонунчиликда мавжуд бўлади. “кенг” ёндашув ғарбий Европа ҳуқуқий адабиётларида “тор” ёндашув эса – мустабид шўро тўзуми ҳуқуқий адабиётларида (ҳуқуқий таълимот ривожланишининг маълум босқичларидан) етакчилик қилади. Таъкидлаш лозимки, XX аср 60-йилларининг бошларигача юридик техника муаммосига нисбатан шўро муаллифлари ёндашувларида расмий ҳуқуқий таълимот таъсири деярли сезилмаган. Ҳолбуки, хусусий ҳуқуқни рад этишдан муқаррар тарзда Ғарбий Европага ҳос талқиндаги юридик техника тушунчасидан воз кечиш

зарурияти келиб чиқар эди. Мазкур муаммога нисбатан оммавий-ҳукукий ёндашув ўтган асрнинг 60-йилларида вужудга келди. У “юридик техника” тушунчасини “қонунчилик техникаси” тушунчаси билан сиқиб чиқаришни назарда tutар эди. Бунда қонунчилик техникаси деганда, шакл ва тўзилиш жиҳатидан мукамал бўлган норматив ҳужжатларнинг тайёрлаш ва қабул қилиш усуллари ва методларининг мажмуи тушунилади.

Аслини олганда, тоталитар ёндашувдан фарқли ўлароқ ҳуқуқ ижодкорлигининг халқчил табиати қабул қилинган қонун ҳужжатлари мамлакат фуқароларининг маанфатларини ифодалашида намоён бўлади. Бу юридик техника муаммосига шу жумладан ҳуқуқ ижодкорлигига янгича ёндашувнинг акс этирувчи жуда муҳим қоида ҳисобланади. Зотан, мустабид шўро тўзуми даврида, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асосли равишда таъкидлаганидек; “Қайси масалани олмайлик давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро шахс манфаати эса деярли ҳисобга олинмаслиги эски Конституцияларининг ҳар қайси моддасига яққол кўзга ташланар эди”.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган асрнинг 80-йилларида “юридик техника” тушунчаси аксарият ҳолларда қонунчилик техникасининг синоними сифатида талқин қилинган.

Умумий ва континентал ҳуқуқ мамлакатларида юридик техникани тушунишга нисбатан ёндашувларнинг фарқлар белгиланган, лекин хали улар муфассал ўрганилганича йўқ. Ҳозирги пайтда: юридик техника фақат амалий хусусият касб этадими ёки у инструментал ва фундаментал ёндашувларни бирлаштирувчи мураккаб ҳодисами? такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун қўлланилиши лозим, деб ҳисоблайди²³.

В.М.Сирыхнинг фикрича, юридик техника криминалистика, криминология, суд статистикаси каби амалий фанлар қаторидан ўрин олиши лозим²⁴.

Юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалар “юридик техника” тушунчаси жуда кенг ва серқирра тушунча, бинобарин, уни турлича таърифлаш мумкин, деган хулосага келиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, “юридик техника” категорияси замирида ётувчи “техника” тушунчаси мазмунининг тўрт даражаси ёки жиҳатига эга булиши мумкин. Уларнинг иккитаси ҳуқуқ; доирасидан ташқаридаги категориялар бўлса, колган иккитаси ҳукукий жараёнларни акс эттиради.

Биринчиси - кенг жиҳат бўлиб, ҳаётнинг ҳар қандай (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) соҳасида қўлланиладиган техникани, иккинчиси - тор жиҳат бўлиб, фақат жамиятнинг ноишлаб чиқариш соҳасини (фан, санъат, спорт

²³ Исламов З.М. Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. - Ташкент: ТГЮИ, 2003. - С. 244

²⁴ Сырых В.М. Теория государства и права. - М.: Юстиц-информ, 2001. - С. 186

кабиларни), шу жумладан ҳуқуқни назарда тутати. Учинчи жиҳат фақат ҳуқуқ соҳасида қўлланиладиган техникани назарда тутати. Туртинчи жиҳат мазкур тушунча доирасида унинг бир неча кичик турлари фарқланади, булар: ҳуқуқ ижодкорлиги техникаси (қонунчилик техникаси), ҳуқуқни қўллаш, шарҳлаш техникаси, суд нутқи, суроқ қилиш, нотариал фаолият техникаси ва бошқалар.

Ҳуқуқ тизими таркибида юридик техникани тушунишга нисбатан доктринал, норматив ва социологик ёндашувларни фарқлаш мумкин. Бунда доктрина, яъни таълимот даражасида ҳуқуқ назариясининг формал-юридик ёки "конструкциян" жиҳатлари туғрисида, ҳуқуқий онг доирасида эса "техник ҳуқуқий тафаккур" (Ж.Шахт) туғрисида сўз юритилади. Бизнингча, юридик техниканинг ҳуқуқ назарияси билан ўзаро нисбати, аввало, мазкур назариянинг хусусияти билан белгиланади. Жумладан, Г.Кельзеннинг "соф" ҳуқуқ назарияси ҳуқуқ конструкциясини унинг тўзилиши чўққисидан заминига қадар акс эттириб, техника доирасидан четга чиқмайди²⁵. Аммо у ёки бу таълимотга ноҳуқуқий (фалсафий, сиёсий ва бошқа) жиҳатлар кўшилиши билан юридик техника унинг таркибий қисмларидан биригагина аниқланади. Умуман олганда, юридик техниканинг таркибий қисми ҳар қандай ҳуқуқий таълимотда мавжуд, десак, хато қилмаган бўламиз.

Юридик техниканинг ҳуқуқий онг билан ўзаро нисбати хусусияти асосан ҳуқуқий онг тўзилиши билан белгиланади. Хусусан, оммавий нопрофессинал ҳуқуқий онг, одатда, ҳуқуқий психологияга, яъни унинг хиссий, нисбий жиҳатига боғлиқ бўлади. Айни вақтда профессионал ҳуқуқий онг, аввало, ҳуқуқни (унинг тармоқлари, институтларини) ва унинг амал қилиш механизмини билишни ўз ичига олади. Худди шу билимлар ва ҳуқуқни қўллаш кўникмалари яъни техникаси мавжуд ёки етарли эмаслиги фуқароларни юридик ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур қилади. Бинобарин, техник ҳуқуқий тафаккур фақат профессионал ҳуқуқий онг таркибий қисмидир.

Ҳуқуқ тизимининг норматив ва социологик даражаларида юридик техника, аввало, ҳуқуқий конструкцияларда шу фарқ билан намоён бўладики, улар норматив даражада - статик, социологик даражада эса - динамик хусусият касб этади.

Бундан хулоса шуки, юридик техника ҳуқуқий тизимнинг ажралмас қисми бўлиб, унда чуқур мазмунга эга, кенг, серқирра ва кўп даражали тушунча назарда тугилади. Бунда техника ҳуқуқ билан бир хил ҳодиса ҳам, ундан ташқаридаги ҳодиса ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ҳуқуқ ижодкорлигига ижтимоий ҳодисани ҳуқуқий ҳодисага айлантириш усули, воситаси, йули яъни

²⁵ Мухиддинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. - Тошкент: ТДЮИ, 2003. - Б. 199-200.

техникаси сифатида ёндашиш ва айти вақтда ҳуқуқ ижодкорлигининг ўзида техник жихатларни фарқлаш мумкин. Худди шунингдек, процессуал ҳуқуқда ҳуқуқ тармоғини ҳам, моддий ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш воситасини техникасини ҳам кўриш мумкин.

Тегишли адабиётларда юридик техникани ҳужжатларни "тўғри" тузиш ва нормаларни "тўғри" қўллаш воситаси сифатида маълум даражада идеаллаштиришга мойиллик сезилади²⁶. Амалда юридик техника нафақат ижобий, балки салбий ҳуқуқий тажриба - манфаатлар курашини, шунингдек, айрим юристларнинг касбий маҳорат ва ахлоқийлик ёки ахлоқсизлик даражасини акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, юридик техника ҳуқуқий борлиқнинг формаллашган томони сифатида ахлоққа нисбатан ҳолисдир. Айти шу сабабли, ундан ахлоқийлик нуқтаи назаридан ҳам, ахлоқсизлик нуқтаи назаридан ҳам фойдаланиш мумкин. Юридик техникадан ахлоқсизлик нуқтаи назаридан фойдаланишга, жумладан, юридик сансалорлик ҳодисаси мисол бўла олиши мумкин.

"Юридик техника" тушунчасининг сермаънолилиги ундан илмий тушунча сифатида фойдаланишни қийинлаштиради. Бунда мазкур муаммони ечишнинг икки йули бор: 1) бу тушунчадан воз кечиш ва уни бошқа, аниқроқ; тушунча билан алмаштириш; 2) унинг мақбул бир маъносини қўллашни юристлар ўртасида келишиб олиш.

Мазкур тушунча илмий муомаладан ва юристларнинг профессионал лексикасидан кенг ўрин олгани, шунингдек, уни алмаштириш учун аниқ бир тушунча мавжуд эмаслиги туфайли биринчи йулдан фойдаланиш мумкин эмас. Иккинчи йул ундан фойдаланишнинг дастлабки шарт сифатида мазкур тушунчани илмий жихатдан атрофлича ўрганишни, унга таъриф беришни назарда тутати. Унинг қуйидаги вариантини таклиф қилиш бир мунча мақбул кўринади: Юридик техника: 1) профессионал юридик фаолиятнинг амалий жихатларини; 2) ҳуқуқ назариясининг ва амалдаги ҳуқуқнинг формал-таркибий жихатларини; 3) ҳуқуқ шакли, тўзилиши ва тилининг мукамаллик даражасини акс эттириш учун мўлжалланган кенг, серқирра категория.

Ўз мазмунига эга бўлган юридик техника муайян контекстда ҳуқуқ билан бирикиши мумкин. Умуман олганда, юридик техника ижтимоий муносабатларни

²⁶ Гуломова Г. Конунчилик ва ўзбек юридик терминологиям // "Тил ва ҳуқуқий тарбия" туркумидан илмий-оммабоп рисола. - Тошкент: ДЖЦА, 2002. - Б.67; Одилқориев Х.,Т. Ўзбекистон Республикасида конунчилик жараёни: назария ва амалиёт масалалари.: юрид. фан. док. ... дис. -Тошкент: ЎзР ФА И.Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1995. - Б.95; Саидов А.Х., Кучимов Ш.Н. Конунчилик техникаси асослари. - Тошкент, 2001. - Б.272; Юлдашева З.А. Создание и основные особенности Конституции Республики Узбекистан. Историко-правовые исследования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Тошкент: ТГЮИ, 1997. - С.24

оқилона тартибга солишни таъминлайдиган, ҳукукий маконда камчиликларга йул қўймайдиган ҳукукий ҳужжатларнинг аниқлиги, соддалиги, лўндалигига, маълум даражада унификацияланганига эришишга қаратилган юридик жараёни оқилонлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Методик тавсиялар юридик техниканинг асосий қоидалари қаторига ҳукукий ҳужжатларни яратишда фойдаланиш мақсадга мувофик бўлган қоидаларни киритади.

Бизнингча, юридик техника деганда, норматив ҳукукий ва бошқа юридик ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, эълон қилиш ва тизимга солиш қоидалари, усуллари ва махсус воситалари мажмуини тушунишни таклиф қилувчи нуқтаи назар мақбулроқдир.

"Юридик техника" тушунчасининг ҳозирги талқинлари шу билан тавсифланадики, улар мазкур тушунчага қонунчилик технологиялари қисмини киритади. **Қонунчилик технологиялари** (юнонча: технология -санъат, маҳорат, кўникма ҳақидаги таълимот) - юридик амалиётда яратилган қоидалар, усуллар ва воситалар бўлиб, уларнинг қўлланилиши маълум ижтимоий гуруҳларга ёки бутун жамиятга зарур бўлган қонун ҳужжати яратилиши ва қабул қилинишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам "Юридик амалиёт норматив аҳамиятга эга. У... муайян ҳукукий қоидаларда ўз ифодасини топади"²⁷.

Ижтимоий - ҳукукий маънода қонунчилик технологиялари ёзилган ва ёзилмаган қоидалар, усуллар ва воситалар бўлиб, уларнинг қўлланилиши маълум ижтимоий гуруҳлар ёки бутун жамиятга зарур бўлган қонунни тайёрлаш ва қабул қилишни таъминлайди. Шунингдек, улар қонун чиқарувчиларга ёки жамоатчилик фикрига худди шу мақсадда таъсир курсатиш методларидир.

Шу маънода профессор В.М.Барановнинг қуйидаги фикрига қўшилмаслик мумкин эмас: "Қонунчилик технологиялари ранг-баранг бўлиб, улар, жумладан, манфаатларни мувофиклаштириш технологияси, қонунчилик ташаббусини илгари суриш, қонунлар лойиҳалари муҳокамасини тўхтатиш технологияси сифатида тавсифланади, шунингдек, қонун ижодкорлигининг турли кўринишлари қонунни қабул қилиш; унга ўзгартиш ва қушимчалар киритиш; қонунни бекор қилишга ихтисослашади, ўз ички технологик туркумларига эга бўлади"²⁸.

²⁷ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқук назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.837

²⁸ Баранов В.М. О теневом праве // Новая правовая мысль. - 2002. -№ 1. - С. 13

Юқорида айтилганларга қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин: қонунчилик технологиялари ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян усуллари, вазифалари ва мақсадларига эришишга қаратилганлиги билан ажралиб туради; улар сифатли қонун қабул қилишга кумаклашиши, айтиш вақтида вазифаси асл мақсадларга зид бўлган қонунни қабул қилишдан иборат бўлиши, яъни ҳуқуқ тизимига сохта нормаларни киритишга қаратилиши ҳам мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунчилик технологиялари ҳуқуқ ижодкорлигининг таркибий қисми сифатида юридик техникага ўхшаш бўлса-да, лекин ундан бутунлай фарқ қилади. Аслида қонунчилик технологиялар муайян техник усуллар ва воситалар мажмуи сифатида қонуннинг юридик сифатини такомиллаштириш мақсадини кўзлайди.

"Юридик техника", "қонунчилик технологияси" тушунчалари билан бир катордан "юридик технология" атамаси ҳам ўрин олган. Юридик технология муайян-тарихий шароитда ва белгиланган тартибда амалга ошириладиган барқарор ҳуқуқий тизимни турли-туман ҳуқуқий қарорлар (ҳужжатлар)ни принциплар, воситалар ва усулларнинг илмий асосланган мажмуи ёрдамида, қабул қилинган режалар ва мавжуд илмий башоратлашларга мувофиқ; тайёрлаш, қабул қилиш ва эълон қилиш йули билан таркиб топтириш борасидаги юридик фаолият сифатида тавсифланади. "Юридик технология" тушунчасининг мазмунига турли хил қарашларнинг таҳлили унинг қуйидаги асосий белгиларини фарқлаш имконини беради: бу юридик амалиёт субъектининг онгли фаолияти саналади; у (фаолият) тизимли ва изчил хусусият касб этади; унинг натижаси уларок; ҳуқуқий қарорлар (ҳужжатлар) яратилади; юридик технология мураккаб тўзилишга эга бўлиб, юридик техника, тактика ва стратегияни ҳамда тегишли ресурсларни ўз ичига олади; босқичлар, режимлар ва процессуал иш юритишлар тизимидан иборат бўлади; ҳуқуқий натижа сифатининг гарови ҳисобланади; ўз мавжудлигининг муайян тарихий шароитлари хусусиятини акс эттиради ҳамда умумий ва ҳуқуқий маданият даражаси билан боғлиқ бўлади; юридик амалиётнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, "юридик техника" тушунчаси буйича билдирилган нуқтаи назар ва фикр-мулоҳазалар нихоятда хилма-хил, баъзан ҳатто бир-бирига қарши ҳам. Бундай ҳолат муаммонинг муҳимлиги, серқирралиги ва ҳеч қимми бефарқ қолдирмаслигидан далолат беради. Ҳар қандай вазиятда ҳам масаланинг моҳиятини туғри акс эттирувчи, унга яқин келувчи, воқеликнинг турли қирраларини ифодаловчи қарашларни умумлаштирган ҳолда, айтиш мумкинки, "юридик техника ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш қоидаси ва усуллари"нинг энг қулай, махсус воситалари йиғиндиси"²⁹ бўлгани боис, юридик техника ва унинг

²⁹ Хайитбоев Ф. Юридик техника миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - 2003. - № 4. - Б.21

таркибий қисмларини давр ўзгаришларига монанд тарзда ҳамиша янгича ёндашувлар асосида ўрганиб, таърифлаб бориш талаб этилади.

1.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимини уйғунлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 25 майда бўлиб ўтган иккинчи чақирик иккинчи сессиясида парламентни ислох, қилиш шароитида унинг тўзилишини ўзгартириш масаласини илгари суриб, парламентни қуйи ва юқори палатали олий вакиллик органи сифатида қайта ташкил этиш заруриятини таъкидлади³⁰.

Шу тариқа мамлакатимизда қисқа муддат ичида икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асослари яратилди, миллий парламентга хос вазифалар ва ваколатлар ҳамда унинг қонун ижодкорлиги, қонунчилик тизимини уйғунлаштириш, парламентлараро алоқалар, ижро этувчи ҳокимиятни назорат қилиш, фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ; фаолиятининг қатор асосий йуналишлари белгиланди. Ижтимоий вазифаларни ҳал этишда парламент ролининг тобора ортиб бориши парламентар демократияни ривожлантириш, унинг назорат қилиш функциясини кучайтириш, кенг жамоатчиликни қонунчилик жараёнига жалб қилиш заруриятини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 24 февралда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида нутқ сўзлаган давлатимиз бошлиғи И.А.Каримов Сенатнинг бир йиллик фаолиятини таҳлил этар экан, жумладан, қонун чиқарувчиларни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартиришлар киритиш жараёнида юзага келадиган кескин баҳс-мунозараларни "демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил"³¹, дея қайд этди. Бу билан юртбошимиз мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини, жамиятдаги манфаатлар

³⁰ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард максадимиз. Т.8. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - Б.483

³¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т. 14. - Тошкент: Ўзбекистон, 2006. - Б.149

уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганлигини яна бир карра уқтириб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунлар лойҳалари, бошқа норматив ҳужжатларнинг лойҳаларини тайёрлашда юридик техника қоидаларига риоя этиш уларнинг сифати гаровидир. Техник жиҳатдан номукамал қонунларни қўллаш қийин, баъзан деярли мумкин ҳам эмас. Худди шу сабабли, бутун дунёда қонун чиқарувчи қонунларни техник-юридик жиҳатдан такомиллаштиришга жиддий эътибор беради.

Ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни амалга ошириш кўпинча юридик зиддиятлар манбаи ҳисобланади. Айрим зиддиятлар юзага келишига сифатсиз ва ўз вақтида қабул қилинмаган ҳуқуқий ҳужжатлар сабаб бўлади. Бундай ҳужжатлар тўқнашувида зиддиятлар хилма-хил кўринишда намоён бўлади. Шу нарса диққатга сазоворки, турли, шу жумладан юридик низоларга чек қуйиш айнан қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқдир. Бу ўринда улар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро боғланган ва мутаносиб ҳуқуқий ҳужжатлар юридик зиддиятларни ҳал этиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш жараёнига ўз "норматив ҳиссаси"ни қўшади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, зиддият унинг ўз иштирокчилари томонидан ҳам, учинчи томон аралашуви йули билан ҳам ҳал этилиши мумкин³². Бу таснифга қўшилган ҳолда, унга ҳуқуқий ҳужжатларни хусусий ёки умумий уйғунлаштиришнинг бир кўриниши булган ўзига хос "норматив тартибга солиш"ни қўшимча қилиш мумкин.

Луғатларда уйғунлик тушунчасига бутун қисмларининг муштараклиги, ҳамоханглиги, ўзаро **мувофиқлиги**, мутаносиблиги дея изох, берилган³². Ҳуқуқий ҳужжатларга татбиқан уйғунлаштириш уларни қабул қилган субъектлар ваколатлари ҳажмининг давлат институтлари томонидан белгиланган мақсадларга мувофиқлигини таъминлаш жараёни демакдир.

"Қонунчиликни уйғунлаштириш" ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос мақсадини акс эттириш учун мувофик атама бўлиб, у мазкур вазифага нисбатан айнан юридик ёндашувни назарда тутди. Айни вақтда қонунчиликни уйғунлаштириш деганда, ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил мақсадинигина эмас, балки унга эришишга қаратилган фаолият, жараёни ҳам тушуниш лозим бўлади.

Ҳуқуқий ҳужжатлар фақат сиртдан шахссиз ҳодисалар сифатида амал қилади. Уларнинг ортида доим сиёсий кучлар, ижтимоий қатламлар, етакчилар, давлат органлари туради. Ҳужжатлар сиёсий саҳнада ва унинг ортида турган

³² Хамедов И.А. Административное право Республики Ўзбекистан. - Тошкент, 2003. - С.257.

шахсларнинг измига кўра ва уларнинг манфаатлари йулида яратиладиган ва ҳаракат киладиган "норматив қўғарчоклар"³³ сифатида хизмат килади. Шу билан бирга, ҳужжатлар манфаатлар муштараклиги даражасини ва ҳулк-атворнинг умумэътироф этилган андозаси ва дастурини акс эттиради ҳамда шу маънода у улкан бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлади.

Уйғунлаштириш ҳуқуқий ҳужжатларнинг функционал мувозанатига эришиш, уларнинг пировардида ҳуқуқ тизимига белгиланган йуналишларда фаолият кўрсатиш ва ривожланиш имконини берадиган ўзаро мувофиқлик даражасини таъминлаши учун шароит яратади.

Айрим ҳуқуқий ҳужжатлар ёки хатто уларнинг қисмлари, бир орган ёки ўзаро зиддиятлашаётган бир неча орган ҳужжатларининг тўпламлари, колаверса, ҳуқуқий институтлар ва хатто қонунчилик тармоқлари уйғунлаштириш объекти бўлиши мумкин. Уйғунлаштириш юридик зиддиятларни бартараф этиш ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларни қабул қилган органлар мақомига мувофиқ бўлган ва ҳуқуқий тизимнинг конституциявий асослари билан белгиланадиган ўзаро нисбатини таъминлаш имконини беради. Аниқроқ айтганда, ҳужжатларнинг (масалан, конституция ва қонуннинг, қонун ва фармоннинг) илгари бўзилган ўзаро нисбати, органнинг қонуний мақоми тикланиши мумкин.

Уйғунлаштириш қаттиқ ҳуқуқий воситалар — ҳужжатларни бекор қилиш, уларга эътироз билдириш, уларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва ҳаказолар билан ҳам, “юмшок” ҳуқуқий воситалар - ҳужжатларни конституциявий қоидалар билан мувофиқ ҳолатга келтириш, ҳуқуқий дастурлар ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш йули билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий ҳужжатларни уйғунлаштиришни таъминловчи омиллар туғрисида сўз юритганда, ҳуқуқий борлиқда кўзатиладиган юридик зиддиятлар, ҳужжатлар тўқнашувининг кескинлиги одатдаги, яъни такрорланувчи зиддиятли вазиятларни ҳам, юзага келувчи зиддиятли вазиятларни ҳам акс эттиришини қайд этиш лозим. Уларни ўзгартириш, нормал юридик ҳолатга келтириш қонун чиқарувчиларнинг ҳам, ҳуқуқни қўлловчиларнинг ҳам, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ҳам, оммавий ахборот воситалари ва фукаролик жамияти бошқа институтларининг ҳам ҳуқуқий уйғунлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ҳаракатларини талаб килади.

Умуман олганда, "қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этишда... ҳуқуқ нормаларини уйғунлаштириш ва қонунчиликни тизимлаштириш"³⁴ муҳим ўрин

³³ Михайлов О.В. Систематизация нормативно-правовых актов как способ их совершенствования. -М.: РГТЭУ, 2003.-С. 110-114.

³⁴Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. Б. 104

тутади. Шунга кўра, ҳуқуқий ҳужжатларни уйғунлаштиришнинг юридик шартларини қуйидагича тавсифлаш мумкин: Биринчидан, юридик зиддиятларга чек қуйиш ҳуқуқ тизимини тартибга солиш ва унинг мувозанатини сақлашга ижобий таъсир кўрсатади. У ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ таснифини ўрнатиш ва ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида унга риоя этиш каби ҳаракатлардан таркиб топади. Шунда ҳуқуқий ҳужжатларга тартибга солиш предмети, мазмуни ва методлари, қабул қилиш ва қўллаш қилиниш тартиб-таомиллари бўйича аралашувдан иборат қўллаб қўйиш ҳолатларга чек қуйиш, ҳужжатлар ўртасида норматив мутаносибликни ҳамда уларнинг тизимли алоқалари ва боғланишларини сақлаш мумкин бўлади.

Иккинчидан, давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари мақомини қонун йули билан тўла тартибга солиш ҳуқуқи уйғунлаштиришга, ҳеч шубҳасиз, ёрдам беради. "Ваколатлар мувозанати"га эришиш ҳуқуқий ҳужжатлар мутаносиблигининг муҳим омили ҳисобланади.

Учинчидан, ҳуқуқий ҳужжатларни уйғунлаштиришда киёсий-ҳуқуқий методология алоҳида аҳамият касб этади. У ҳуқуқ тизими доирасида ҳам, давлатлараро миқёсда ҳам турли ҳужжатларни таҳлил қилиш ва таққослаш имконини беради. Ундан туғри фойдаланиш умумий ва хусусий жихатларни аниқ тушуниш, "хилма-хиллик даражасига баҳо бериш ва туғри тавсияларни таърифлашга имконият яратади. Ҳужжатларни, уларнинг айрим ташқи белгиларига кўра юзаки таққослаш салбий натижалар беради, чунки ҳужжатлар пайдо бўлишининг энг асосий сабабларини аниқлашга ҳалақит беради, юзаки ва хатто янглиш қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Туртинчидан, қонунчилик тизими доирасида норматив ҳужжатларни уйғунлаштириш усуллари туғрисидаги масала алоҳида эътиборни талаб қилади.

Бизнингча, қонун ҳужжатларини уйғунлаштиришга қўмаклашадиган тушунишнинг шаклланишига қонун ижодкорлигининг ва умуман ижодкорлигининг умумий ёки мувофиқлаштирилган илмий концепциялари ижобий таъсир кўрсатади.

Қонунчилик фаолияти дастурларига, қонунчиликнинг айрим тармоқлари муаммоларига, ниҳоят, қонунларни амалга ошириш жараёнига бағишланган илмий-амалий муҳокама ҳақиқатан ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бу борада фикр алмашиш умумий ёндашувларни яратиш ва нуқтаи назарларни мувофиқлаштириш, мавжуд зиддиятларни бартараф этиш ёки камайитириш имконини беради. Ҳужжатлар кўпинча ҳокимият вакиллариининг субъектив қарашлари билан эмас, балки қонунчиликнинг ривожланиш мантики билан белгиланадиган кетма-кетликда тайёрланади.

Норматив ҳужжатларда тушунчалар аппаратида ўз ўрнида фойдаланиш ҳам жиддий эътиборни талаб қилади. Ҳозирча ушбу вазифа лозим даражада бажарилаётгани йук. Бу ҳужжатлар ҳар хил талқин қилинишига, уларнинг коллизияларига ва ҳуқуқни қўллашда қўллаб қўйиш хатолиқларига йул қўйилишига

сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, бу ҳуқуқни қўллашнинг нотипик хусусиятларини кўришга асос бўладиган ўзига хосликни юзага келтирмоқда.

Масалан, “ижро этувчи ҳокимият органлари”, “давлат бошқаруви органлари”, “маҳаллий бошқарув”, “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш”³⁵ норматив тушунчалари бир маъноли эмас. Мулк турлари ва уларнинг режимларини ифодаловчи тушунча ва атамалар ҳам зиддиятлардан холи эмас. Шу сабабли, қонунчилик фаолияти концепциялари, дастурлари доирасида фойдаланилаётган тушунча ва атамалар тизимга солинса, улардан барча турдош норматив ҳужжатларда изчил фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳуқуқ ижодкорлигида дастурий асосларни кучайтириш ҳам юридик тартибсизликка чек қуйишга кўмаклашади. Бунда, айниқса, қуйидаги уч турдаги режалар, дастурлар: ҳуқуқий таъминлаш режалари (корхоналар, минтакалар ва хоказолар учун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг дастурлари доирасида), қонунчилик ва бошқа х ижодкорлиги фаолияти дастурлари, қонуности ҳужжатларини Конституция ва қонунлар билан мувофиқ ҳолатга келтириш режалари муҳим ҳисобланади.

Қонунчилиқни тизимга солиш - амалдаги ҳуқуқ тизимини ривожлантириш ва тартибга келтиришнинг мунтазам шакли. Ҳозирги маърифатли давлатларда турли ҳуқуқ ижодкорлиги органлари томонидан қўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинади. Ҳуқуқ ижодкорлиги муайян босқичда тўхтаб қолмайди, балки ижтимоий алоқаларининг жушқинлиги, ижтимоий ҳаётда ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган янги эҳтиёжлар туғилиши муносабати билан тинимсиз ҳаракатда бўлади ва ривожланади³⁶.

Муттасил ўзгарувчи ҳуқуқий тизим, унинг ривожланиши ва такомиллашуви, янги норматив ҳужжатлар қабул қилиниши, уларга ўзгартишлар киритилиши, эскирган норматив қарорларнинг бекор қилиниши амалдаги норматив ҳужжатлар мажмуини тартибга келтиришни, уларни йириклаштириш, илмий асосланган тизимга солишни, қонун ҳужжатларининг турли тўпламлари ва мажмуаларини нашр этишни белгилайди. Норматив ҳужжатларни ягона тизимга солиш

³⁵ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.829

³⁶ Чухвичев Д.В. Законодательная техника: Учебное пособие. - М: Закон и право, 2008. - С.239

борасидаги бундай фаолият, одатда, қонунчиликни тизимга солиш, деб юритилади. Амалда қонунчиликни тизимга солиш - "бу ҳуқуқий нормаларни тартибга солиш ва такомиллаштиришга йуналтирилган фаолиятдир"³⁷.

Қонунчиликни тизимга солиш, аввало, уни янада ривожлантириш учун зарур. Амалдаги норматив ҳужжатларни таҳлил қилиш ва уларга ишлов бериш, ҳуқуқий қоидаларни муайян тартибга биноан гуруҳлаш, ягона ҳужжатлар тизимини яратиш ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти самарадорлигининг зарурий омиллари ҳисобланади, амалдаги қонун ҳужжатларида камчиликлар, эскиришлар ва зиддиятларни бартараф этишга кумаклашади. Бундан ташқари, қонунчиликни тизимга солиш ҳуқуқни амалга оширишда қулайликлар, барча керакли нормаларни тез кидириб топиш ва туғри талқин қилишга имконият яратади. Колаверса, тизимга солиш изчил ва самарали ҳуқуқий тарбия, илмий тадқиқотлар ва талабаларга таълим беришнинг зарурий омили ҳисобланади.

"Қонунчиликни тизимга солиш" тушунчасига кўпинча ҳуқуқий фаолиятнинг қуйидаги тўрт мустақил шакли киритилади:

1) давлат органлари, корхоналар, фирмалар ва бошқа муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалдаги норматив ҳужжатларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва муайян тизимга мувофик; жойлаштириш, сақлаш, шунингдек, манфаатдор органлар, муассасалар, айрим шахсларга уларнинг суровларига биноан маълумотлар бериш (норматив ҳужжатлар ҳисобини юритиш);

2) норматив ҳужжатларнинг турли тўпламлари ва мажмуаларини тайёрлаш ва нашр этиш (қонун ҳужжатларини инкорпорация қилиш);

3) айти бир масала бўйича қабул қилинган турли ҳужжатларнинг нормаларини бирлаштириш, яъни бир жойга тўплаш йули билан йирик ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш (қонун ҳужжатларини консолидация қилиш);

4) аввалги ҳужжатларнинг ўзини оқлаган нормалари ва янги норматив қоидаларни ўз ичига олган (кодекс типигаги) янги ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш (қонун ҳужжатларини кодекслаштириш)³⁸.

Муайян давлат тараққиётининг турли босқичларида қонунчиликни тизимга солишга эҳтиёж ҳам турлича бўлади. Ўзок йиллар мобайнида катта ҳажмда норматив-ҳуқуқий материал тўпланиб қолган, айти бир масала бўйича турли даврларда қабул қилинган амалдаги ёки эскирган, амалда ўз кучини йукотган норматив ҳужжатлар сони кўп бўлса, қонунчиликни тизимга солиш ниҳоятда

³⁷ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.604

³⁸ Систематизация законодательства в Российской Федерации / Под ред. А.С. Пиголкина. - СПб.: 2003. - С.139

зарур бўлади. Ҳукукий тизимда туб ўзгаришлар юз бераётган, эскирган, тубдан ислоҳ қилиниши лозим булган муносабатларни тартибга солувчи норматив мажмуалар бекор қилинаётган, амалда янги қонунларни талаб этувчи бутунлай янги ижтимоий-иқтисодий тизим яратилаётган шароитда қонунчиликни тизимга солиш масаласи иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Ҳозирги давр ҳукуқ ижодкорлиги, аввало, қонунчилик фаолияти суръатларининг ўта жадаллиги билан тавсифланади. Айтайлик, мамлакатимизда ҳукукий тартибга солиш хусусияти ва асосий принципларини ўзгартирувчи юзлаб янги норматив ҳужжатлар яратилмоқда. Агар амалдаги норматив базани тартибга келтириш билан ҳозирнинг ўзида шуғулланмасак, келажакда амалдаги ҳукуқ нормаларини топиш ва улардан фойдаланишда жиддий қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин.

Юқорида кўрсатилган бирламчи шаклдан ташқари, тизимга солишнинг икки асосий тури — кодекслаштириш ва инкорпорация қилиш турлари ҳам мавжуд.

Қонун ҳужжатларини кодекслаштириш уларни уйғунлаштириш усулларида бири ҳисобланади. Қонун ҳужжатларини кодекслаштириш - муносабатларнинг маълум соҳасида амалда булган норматив ҳужжатларни тубдан қайта ишлаш шакли, қонунчиликни тартибга келтириш, унинг муштараклиги ва ихчамлигини таъминлаш, шунингдек, норматив хазинасини эскирган, ўзини оқламаган нормалардан тозалаш усули. Кодекслаштириш жараёнида тўзувчи ўзини оқлаган нормаларни бирлаштириш ва тизимга солишга ҳамда уларнинг мазмунини қайта ишлашга, норматив қоидаларни изчил баён этишга, тегишли муносабатлар соҳаси мумкин қадар тула тартибга солинишини таъминлашга ҳаракат қилади. Кодекслаштириш амалдаги нормаларни танқидий ўрганиш, уларнинг ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилади.

Кодекслаштириш қонунчиликни такомиллаштириш шакли бўлиб, унинг натижаси уларок, мазкур масала буйича илгари амал қилган норматив ҳужжатлар ўрнини эгаллайдиган барқарор мазмунли янги, йиҳма, тартибга солинган қонун ҳужжати (кодекс, низом, устав ва бошқалар) яратилади. Қонунчиликни тартибга келтириш ва янгилашнинг уйғунлиги Кодекслаштириш хоссаси сифатида унга ҳукуқ ижодкорлигининг энг мукамал, олий шакли сифатида қараш имконини беради³⁹.

Бинобарин, Кодекслаштириш – “қонунлар ва бошқа норматив-ҳукукий актларни кодекслар чиқариш йули билан тизимга солишдир”⁴⁰. Шунга кура Кодекслаштириш қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга:

³⁹ Тарасов Н.Н. Юридическая техника в структуре юриспруденции (методологические проблемы исследования) // Юридическая техника, 2007. - № 1. - С.7-11.

⁴⁰ Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 142

- кодекслаштирилган ҳужжатда, одатда, жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини тартибга солувчи, қонунчиликнинг бирон-бир тармоғи (институти)нинг норматив асосларини белгиловчи нормалар таърифланади;

- бундай ҳужжат муносабатларнинг катта ва кенг соҳаси (мулкӣ муносабатлар, меҳнат, оила-никоҳ муносабатлари, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳоказолар)ни тартибга солади;

- қонунчиликни такомиллаштириш ишининг маҳсули бўлган Кодекслаштириш ҳужжати йиғма ҳужжат, ўзаро боғланган қоидаларнинг тартибга солинган мажмуидир. У ҳаёт, ижтимоӣ амалиёт синовидан ўтган амалдаги нормаларни ҳам, ижтимоӣ ҳаёт жўшқинлиги, жамиятнинг ривожланиш жараёнида туғилган эҳтиёжлар билан белгиланган янги қоидаларни ҳам ўз ичига олган ягона, ичдан боғланган ҳужжат ҳисобланади;

- кодекслаштириш ўзок муддат амал қилишга мўлжалланган барқарор нормаларни яратишга қаратилади. Кодекслаштирилган ҳужжатнинг самарадорлиги асосан қонун чиқарувчи бундай ҳужжат билан тартибга солинадиган муносабатлар ривожланишининг объектив йуналишларини, уларнинг жўшқинлигини қай даражада ҳисобга олгани билан белгиланади;

- кодекслаштириш предмети, одатда, қонунчилик тизимининг тармоқлар ва институтларга бўлинишига қараб белгиланади. Кодекслаштириш норматив ҳужжатларнинг тизимлилигини, уларнинг юридик бирлиги ва мувофиқлигини мустаҳкамлайди. Кодекслаштирилган ҳужжат, одатда, қонунчиликнинг муайян тармоғи, кичик тармоғи ёки алоҳида институтини ташкил этадиган ўзаро боғланган норматив ҳужжатлар тизимига етакчилик қилади;

- Кодекслаштирилган ҳужжат доим ҳажман катта ва тўзилиш жиҳатидан мураккаб бўлади. У қонунчиликнинг норматив қоидалар тизимини янада изчилроқ тузишни, шунингдек, улардан фойдаланишда қулайлик яратишни таъминловчи йириклаштирилган ўзига хос қисми ҳисобланади.

Туғри, амалдаги тартибга солишда мавжуд бўшлиқлар ўрнини тезкорлик билан тўлдириш, ҳуқуқий ислохотлар, жамият ҳаётини демократиялаштириш жараёнларини қонун йули билан таъминлаш зарурияти, ижтимоӣ ўзгаришлар жараёнининг жўшқинлиги амалда қонун чиқарувчини нисбатан тор мавзулар, айрим масалалар бўйича алоҳида ҳужжатлар қабул қилишга даъват этади. Натижада норматив хазина жадал суръатларда бойиб боради, бундан ташқари, амалдаги тартибга солишда бўшлиқлар ва зиддиятлар юзага келиши учун кўпроқ имконият пайдо бўлади.

Аксарият мутахассис олимлар, айнқса, ҳуқуқдаги ёки қонунчиликдаги бўшлиқни ижтимоӣ муносабатларни тартибга солиш учун зарур булган муайян ҳуқуқий норманинг йуқлигида, деб билишади⁴¹. Бинобарин, "қонунчиликдаги

⁴¹ Абдуллаев М.И. Теория государства и права. - СПб.: Питер, 2003. -300 с.; Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар). - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - Б.69

бўшлик" тушунчаси буйича мавжуд ёндашувларни ўрганиш Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизимини ислох, қилиш ва модернизациялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бундай бўшлиқларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва у ни бартараф этишнинг самарали восита ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда қуллаш қонунчилигимизнинг пишиқ;-пухталигини ва мукамаллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат килади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияснинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасида Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиниси, 16-моддасида эса бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қуйилган"⁴². Ҳеч шубҳасиз, Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган ушбу қоидалар қонуности ҳужжатларига ва қонунларга нисбатан Конституциянинг устунлигини сўзсиз тан олинисини кўрсатади ҳамда мамлакатимизда мукамал қонунлар яратилишига замин ҳозирлайди. Албатта, бунинг учун, қонунлар мазмунан адолатли ва ҳуқуқий булиши билан бир каторда, бевосита таъсир этиш кучига эга булиши керак, амалиётда пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериши зарур. Бунинг учун қонунлар пишиқ-пухта булиши, яъни масалани ҳал этиш учун ижрочиларга оширилганда ва кўпинча бир-бирига зид бўлган норматив ҳужжатлар ва йуриқномалар билан чеклаб қуйилганда сансалорликни имкони борица камайтириши керак. Ижроия органлари қонунларга қушимча эмас, балки бу қонунларнинг ижросига оид ҳужжатларни қабул қилиши керак".

Келажакда мамлакатимизда кодекслаштирилган ҳужжатлар қабул қилиш қонун ижодкорлигининг асосий шаклига айланмоғи лозим. Норматив ҳужжатларнинг кўплигига, уларнинг тарқоқлигига, шунингдек, тартибга солишдаги бўшлиқлар ва зиддиятларга барҳам беришнинг асосий роли -қонун ҳужжатларини кодекслаштиришга эътиборни кучайтириш, тартибга солишнинг йирик мажмуалари буйича қонунлар қабул қилиш билан боғлиқ. Айни вақтда тармоқ ва комплекс кодекслаштиришни уйғунлаштириш лозим. Бунда кодекслаштиришнинг биринчи турини афзал кўрган маъқул.

Қонун ҳужжатларини инкорпорация қилиш - тизимга солишнинг шундай бир шаклики, бунда маълум даражадаги норматив ҳужжатлар турли тўпламлар ва мажмуаларга маълум (хронологик, алфавитли, тизимли-предметли) тартибда тўла ёки қисман бирлаштирилади⁴³. Қонун ҳужжатларини инкорпорация қилиш давлат идоралари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларини амал килувчи ҳолатда сақлаш, турли субъектларни қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳақидаги ишончли ахборот билан таъминлашга қаратилган мунтазам фаолияти ҳисобланади.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ, / А.Азизхужаев, Г.Абдураҳимов, М.А.Амидшаева ва бошқ., - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.67-70

⁴³ Проблемы общей теории права и государства / Под общ. ред. В.С.Нерсесянца. М., 1999. - С.322

Масалан, "Ўзбекистонда мустакилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб чиқарилган қонунлар "Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари" деган кўп жилдли хронологик тўплам сифатида нашр этиб келинмоқда. Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами", "Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларининг тўплами"да муайян муддат давомида қабул қилинган норматив ҳужжатлар инкорпорация шаклида тизимлаштириб борилади".

Қонун ҳужжатларини инкорпорация қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тўпламлардан ўрин олган ҳужжатлар мазмунига бирон-бир ўзгартириш киритилмайди ва ҳукуқий тартибга солиш мазмуни деярли ўзгармайди ⁴⁴. Инкорпорациянинг айти шу хусусияти, яъни норматив тартибга солиш мазмунини ўзгаришсиз сақлаш уни кодекслаштириш ва консолидация қилишдан фарқлаш имконини беради.

Айти вақтда норматив ҳужжатлар мазмунини баён этиш шаклида баъзан маълум ўзгаришлар юз беради, чунки инкорпорация қилиш ҳужжатларни уларнинг дастлабки таҳририда айнан акс этиришдангина иборат эмас. Норматив ҳужжатлар матнидан турли тезкор топшириқлар ва бошқа нонорматив қоидалар, амал қилиш муддати тугаган вақт меъёрлари, тегишли ҳужжатни имзолаган шахслар ҳақидаги маълумотлар чиқариб ташланади.

Инкорпорацияни алоҳида турларга ажратиш хилма-хил асосларга кўра амалга оширилиши мумкин, яъни: нашр этилаётган қонун ҳужжатлари тўпламлари ва мажмуаларининг юридик кучига қараб расмий, ярим расмий ва норасмий инкорпорация фарқланади.

Қонун ҳужжатларини консолидация қилиш. Вақт ўтиши билан ҳар қандай ривожланган ҳукуқ тизимида айти бир тартибга солиш предметиға тааллуқли бўлган кўп сонли (баъзан унлаб ва юзлаб) норматив ҳужжатлар жамланади. "Бундай ҳужжатларнинг қоидалари аксарият ҳолларда такрорланади, баъзан бир-бириға зид бўлади"⁴⁵. Шу муносабат билан норматив ҳужжатларнинг кўп сонлилиғиға барҳам бериш, уларни йириклаштириш, қонун ҳужжатларининг ўзига хос "блоклар"ни яратиш зарурияти юзаға келади. Бундай кўп сонлиликка барҳам беришнинг йулларидан бири - қонун ҳужжатларини консолидация қилиш. У тизимға солишнинг шундай бир шаклики, бунда айти бир масалаға доир унлаб, баъзан юзлаб норматив ҳужжатлар бир йирик ҳужжатға бирлаштирилади.

Мазкур ҳужжат ҳукуқ ижодкорлиғи органи томонидан ҳукуқнинг янги, мустакил манбаси сифатида тасдиқланади, аввалғи тарқоқ ҳужжатлар эса ўз

⁴⁴Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - Б. 125-126.

⁴⁵ ³Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. -Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 143

кучини йукотган деб топилади. Ўз-ўзидан равшанки, шу тариқа бир хил юридик кучга эга бўлган қоидалар бирлаштирилиши лозим. Қонун ҳужжатларини консолидация қилиш ҳуқуқ ижодкорлигининг ўзига хос тури бўлиб, бунда янги йириклаштирилган ҳужжат ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмунини ўзгартирмайди, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритмайди. Консолидация қилинган ҳужжатни тайёрлаш жараёнида аввалги ҳужжатларнинг барча нормалари муайян тадрижий кетма-кетликда жойлаштирилади, булғуси ҳужжатнинг умумий тўзилиши ишлаб чикилади.

Қоидаларнинг барчаси ягона услубда баён этилишига ҳамда унификация қилинган атамашунослик қўлланилишига эришиш учун муайян таҳрир ишлари амалга оширилади. Зиддиятлар, такрорлашлар бартараф этилади, эскирган атамашуносликка тўзатиш киритилади, мазмунан яқин нормалар бир моддага (бандга) бирлаштирилади. Жумладан, консолидацияга Ўзбекистан Республикасининг "Давлат мукофотлари туғрисида"ги қонуни мисол бўлиши мумкин.

Амалдаги ҳужжатлар мажмуини тафтиш қилиш эскирган ҳужжатлар ва уларнинг қисмларини бекор қилишдан, уларга тегишли тўзатишлар киритишдан, турли ҳужжатлардаги амал қилишда давом этаётган нормаларни бирлаштиришдан, айрим масалалар буйича йириклаштирилган ҳужжатлар қабул қилишдан иборат бўлади. Айни шу сабабли амалдаги ҳужжатларни консолидация қилиш, бир масалага дойр бир нечта (баъзан унлаб) амалдаги ҳужжатларни ўз ичига олган қонун ҳужжатлари блокларини йириклаштириш вазифаси бугунги кунда қонун ҳужжатларини тартибга келтиришнинг устувор йуналишларидан бирига айланиб бормокда.

Умуман олганда, юридик коллизияларга чек қуйиш воситаларидан тула фойдаланиш лозим. Шу маънода томонларга ҳуқуқ андозаларига риоя этишга ёрдам берувчи норматив андозалар, намунавий ҳужжатлар айниқса фойдалидир. Масалан, АҚШда штатлар вакилларининг қонун ҳужжатларини яқинлаштириш ва унификация қилиш буйича миллий конференцияси қарийб юз йилдан бери фаолият кўрсатади. Намунавий кодекслар (Жиноят кодекси ва Савдо кодекси), Тадбиркорлик туғрисидаги қонун мавжуд бўлиб, улардан у ёки бу ҳажмда андоза сифатида фойдаланиш мумкин⁴⁶.

⁴⁶ : Лафитский В.И. Законодательный процесс // Очерки конституционного права иностранных государств: Учебное и научно-практическое пособие. - М.: Спарк, 1999. - С.78

Хукукий ҳужжатларни уйғунлаштиришга доим ҳдм таъминловчи воситалар, концептуал ёндашувлар, фаолиятнинг умумий дастурлари ва келишувлар ёрдамида эришилавермайди. Юридик зиддиятларнинг кескинлиги "қаттиқ" хукукий воситаларни куллашга, чунончи: ҳужжатнинг амал қилишини тухтатиш, уни бекор қилиш, ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш, ҳужжатни ўзгартиришга (ихтиёрий равишда ёки буйрукка биноан) мажбур қилади. Бунинг учун аниқ қоидалар ва айрим тартиб-таомиллар мавжуд.

Турли давлат тизимларининг қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш, табиийки, давлатнинг ички қонунчилигига ўзгартишлар киритиш заруриятини белгилайди, бу эса юридик техниканинг барча механизмларини жалб қилишни, масалан, нормалар, тармоқлараро ҳужжатлар ва ички қонунчилик тизимини унинг барча даражаларида мувофиқлаштиришни тақозо этади.

У ёки бу давлатнинг амалдаги миллий ҳукуқида норматив-ҳукукий мажмуани уйғунлаштиришнинг бир неча даражаларини фарқлаш лозим, булар: ҳукукий норма ва ҳужжат доирасида уйғунлаштириш, горизонтал уйғунлаштириш, вертикал ёки иерархик уйғунлаштириш кабилардир.

Хукукий норма ва ҳужжат доирасида уйғунлаштириш ҳукукий норма ва қонун ҳужжатини лойхалаш ҳамда уларнинг ички таркибий қисмларини мувофиқлаштириш вазифалари билан боғлиқ.

Горизонтал уйғунлаштириш тартибга солишнинг бир предмети билан боғлиқ; бўлган ҳужжатлар блоки (мажмуи) доирасида, шунингдек тартибга солишнинг айна бир предмети бўйича ҳуқуқнинг турли тармоқлари доирасида норматив-ҳукукий ҳужжатларни мувофиқлаштириш даражасида амал қилади (бунга маъмурий, муниципал ҳуқуқ ва норматив ижоднинг бошқа тармоқларида белгиланган нормаларни бўзганлик учун жавобгарликни таъминлашда кулланиладиган маъмурий қонунчилик нормалари ва жиноят ҳуқуқи нормаларини мувофиқлаштириш мисол бўлиши мумкин; шунга ўхшаш алоқани, шунингдек уни бўзиш ҳолларини конституциявий, молия, солиқ қонунчилиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасидаги қонунчилик тармоқлари ўртасида кўзатиш мумкин).

Қонун ҳужжатларини вертикал ёки иерархик уйғунлаштириш ҳуқуқ ижодкорлиги техникасида анча пухта ишлаб чиқилган усул ҳисобланади. Маълумки, қонунчилик тизимида бу каби даражалар таркиби нафакат ҳуқуқнинг норматив материали (норма, ҳужжат, қонунчилик тармоғи, қонун ҳужжатлари қонуности ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари даражаси)ни тузиш, балки давлат бошқаруви тизимини тузиш билан ҳам белгиланади. Қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш жараёни ҳуқуқ ижодкорлигининг бу икки ташкилий даражасини камраб олади ва юридик техника қоидаларини ягона шакл-тамоийлда куллашни ва қонунларни, уларнинг реал, мақсадлари ва тартибга солиш предметларига кўра, мувофиқлаштиришни талаб қилади.

Хукукий тартибга солишни яқинлаштириш ва мувофиқлаштиришнинг моддий асоси мавжуд бўлганда юридик техника механизмларига ҳам оғир юк

тушади ва бу йулда илк кадамлар ҳукукий дефиницияларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлади.

Миллий ва халқаро миқёсда қонун ҳужжатларини унификация қилиш ишида Европа Иттифоки - EUROVOC манфаатлари йулида яратилган тезаурус - қонунчилик атамалари ва тушунчаларини камраб олувчи маълумотлар тўплами (луғат) айниқса фойдалидир. У Европа мамлакатларининг тўққиз хилида нашр этилган. Шунингдек, 1992 йил 16 сентябрда МДХ, Парламентлараро ассамблеяси томонидан маъқулланган "МДХ,га аъзо давлатлар миллий қонунчилигини яқинлаштиришнинг асосий йуналишлари" Хамдўстлик мамлакатлари қонунчилигини уйғунлаштириш учун яхши асос ҳисобланади⁴⁷.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, миллий ҳуқуқни халқаро қонунчилик нормалари билан уйғунлаштириш анча мураккаб ва сермехнат жараён бўлиб, тўла бирликка олиб келмаслиги керак. Бу жараёнда ҳуқуқнинг муайян тизимларида ҳуқуқий муносабатларнинг у ёки бу мажмуини тартибга солишдаги тафовутлар ҳамда ўзига хосликларни мумкин қадар тўлиқ аниқлаш ва ҳисобга олиш ниҳоятда муҳим. Ҳуқуқнинг миллий аъналаридан воз кечиш ёки миллий ҳуқуқий тизимларни тўла унификация қилиш қонун ҳужжатларини уйғунлаштиришнинг максади ҳисобланмайди. Мазкур жараён, одатда, рецепция принципига мувофиқ йулга қуйилади, яъни миллий қонунчиликка илгари унга маълум бўлмаган халқаро ҳуқуқ нормаларини кучириш амалга оширилади ёки давлатнинг ўз қонунчилигига тегишли халқаро ҳужжатларнинг қоидалари билан тўқнашув юз беришини истисно этадиган ўзгартишлар киритилади ёки у тўлдирилади.

Хуллас, қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш юрист олимлар фаолиятининг комплекс тизими бўлиб, у қуйидагиларни: ҳар бир давлатда мавжуд ҳуқуқий базани аниқлаш; қиёсий таҳлил ўтказиш, тафовутлар, зиддиятлар ва бўшлиқларни аниқлаш; қонунчиликнинг долзарблиги ва афзалликларига баҳо бериш; ягона ёки унификация қилинган тизимни яратиш шакллари амалиётга жорий этиш имкониятларини башоратлаш; қонунчиликнинг ҳар бир объекти буйича, уни ягона ҳуқуқий маконга киритиш шаклини ҳисобга олган ҳолда, ишларни ташкил этиш кабиларни ўз ичига олади.

I бобга хулоса

Юридик техника юридик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Юридик технология техника (юридик фаолият усуллари) билан бир қаторда ҳуқуқни яратиш ва ҳуқуқни амалга оширишнинг ўзаро боғланган туркумларини

⁴⁷ Королев Ю.А. Процесс создания и уровень восприятия модельных законов Межпарламентской Ассамблеи СНГ // Журн. рос. права. - 2000, -№ 3. - С.59-67.

ҳам ўз ичига олувчи мураккаб тизим сифатида қаралиши лозим. Ўз навбатида, асосий ва ҳосила ҳуқуқни яратиш (тегишли равишда норма яратиш ва ҳуқуқни куллаш ҳужжатини қабул қилиш) ҳамда тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқни амалга ошириш фаркланади. Бинобарин, ҳуқуқнинг тўрт асосий технологик конструкцияси: туғридан-туғри ва ҳосила ҳуқуқни яратиш (бошқача айтганда, бу конструкцияларни формал-юримдик ва ижтимоий-юримдик ҳуқуқни яратиш технологиялари деб номлаш мумкин); тартибга солувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳуқуқни амалга ошириш туғрисида сўз юритиш уринли бўлади.

Юримдик техникани тушуниш билан боғлиқ муаммолар нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, назарий ва тармоқ юримдик фанлар вакиллари томонидан амалиётчи юристлар билан яқин алоқада ҳал қилиниши лозим. Ҳозирги вақтда бундай ўзаро алокани йулга қуйиш ҳақида фақат кутилаётган ҳодиса сифатида сўз юритиш мумкин.

Юримдик техника ҳуқуқни тушуниш типи билан ўзвий боғлиқ ва ҳуқуқ онтологиясидан мустаҳкам ўрин олган. Ҳозирги давр шароитида ижтимоий-антропологик ёндашув айникса муҳим аҳамият касб этади. Юримдик техника унинг таркибий қисми - ҳуқуқий борликни акс эттиришнинг техник воситаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан юримдик техника, биринчидан, тарихий контекст доирасида ва у ҳақидаги жамоатчилик фикри муносабати билан макроижтимоий вазиятни таққослаш орқали ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш техникасини ўз ичига олади. Иккинчидан, ҳуқуқнинг лозим шаклига бўлган "техник" жиҳатдан қайд этилган эҳтиёжни амалда гавдалантиришга кўмаклашади. Учинчидан, юримдик техникасиз ҳуқуқни амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқни кўллаш мумкин эмас. Ҳуқуқни амалга ошириш механизмининг санаб ўтилган босқичларидан ҳар бири байналмилаллашув жараёнини ўз ичига олади. Бунга ҳуқуқни (назарий ва амалий даражада) шарҳдаш техникаси хизмат қилиши лозим.

Юримдик техникани амалга оширишнинг самарадорлигига эришиш учун у ёки бу типдаги сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ва давлатнинг ҳуқуқини анъаналарини ҳисобга олиш; юримдик фаолиятнинг юримдик техникадан фойдаланувчи ва уни қўлловчи субъектларининг касбий маҳоратини ошириш; юримдик техникага дойр назарий-амалий тадқиқотларни фаоллаштириш; юримдик техникани амалга ошириш муаммолари буйича назарий-амалий ва тармоқ юримдик фан вакилларининг амалиётчи юристлар билан ўзаро алоқасини таъминлаш лозим бўлади.

Юримдик техника принциплари, қоидалари, усуллари ва методлари барча ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан татбиқ этилади, лекин ҳуқуқий ҳужжатларнинг хилма-хил турларига (ҳуқуқни ўрнатувчи, ҳуқуқни кулловчи, ҳуқуқни шарҳловчи ёки ҳуқуқни тизимга солувчи ҳужжатларга) татбиқан улар тегишли турдаги ҳужжатнинг ҳуқуқий мазмуни, уни акс эттириш шаклининг юримдик-техник хусусиятлари ва ҳоказолардан келиб чиқиб ўзига хос тарзда қўлланилади.

Шундай қилиб, юридик техника қонунчилик техникасидан (кенгрок олганда - ҳуқуқни ўрнатиш техникасидан) ташқари, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни шарҳлаш ва ҳуқуқни тизимга солиш соҳасида ҳужжатларнинг норматив-ҳуқуқий мазмунини лозим даражада расмийлаштириш юридик техникасини ҳам ўз ичига олади.

II БОБ. ЮРИДИК ТЕХНИКАНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

2.1. Юридик техниканинг асосий шакл ва турлари

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик қадриятлар жамият ҳаётига фаол сингдириб борилмоқда, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор аҳамият касб этмоқда, давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қўриклаш ишига сафарбар қилмоқда. Аслида ҳам "Демократия шароитларида... давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йули билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжихатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади"⁴⁸. Демак, эркинлик ва адолат мезони сифатидаги ҳуқуққа нисбатан бутун юридик фаолиятнинг бош мақсади фуқаролик жамияти аъзоларининг ҳуқуқларини амалда таъминлашдан иборат бўлади.

Ҳуқуқий давлатнинг ички, мазмуний хусусияти қонуннинг сифати, моҳиятидан иборат. Чинакам демократик ҳуқуқий давлатда қонун ҳуқуққа мос бўлиши керак"⁴⁹. Бундай қонунларнинг қабул қилиниши ва амал қилиши ўз навбатида, қонунларнинг мукамаллик даражаси, норматив ҳужжатлар равллиги, қонунларнинг юксак тизимлилиқ даражасига, яъни юридик техниканинг тўзилмавий жиҳдларига риоя этилишига боғлиқ бўлади.

Дарҳақиқат юридик техника ўзининг серқирралиги ва кўп жиҳатлилиги билан ажралиб туради. Юридик техниканинг мақсади ҳужжатни қабул қилувчининг иродаси муайян ҳужжатда баён этишдан иборат эканлигидан қилиб чиқсак, ушбу

⁴⁸Каримов И.А. Ватан саждагоҳ, қаби муқаддасдир. Т.3. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 18

⁴⁹ Исломов З.М. Общество. Государство. Право. -Тошкент: Адолат, 2001. - С.643

мақсадга эришиш учун юридик техника бир қатор вазифаларни ҳал қилишини қайд этишимиз мумкин бўлади. Адабиётларда юридик техника олдига қўйиладиган вазифаларнинг хилма-хил руйхатлари келтирилади. Бундай вазифалар орасида "Қонунчилик техникаси бўйича қўлланма" муаллифлари ҳужжат тилининг аниқ ва лундалигини таъминлаш, унинг мантикий изчиллиги ва зиддиятлардан холилигига эришиш, бўшлиқлар ва коллизияларга йул куймасликни фарқлайдилар ⁵⁰. Бунда юридик техника олдида турган асосий вазифа - янги яратилган ҳуқуқий ҳужжат грамматик жихатдан аниқ ва туғри шархланишини таъминлаш вазифаси аксарият ҳолларда эътибордан четда қолиб кетади. Ваҳоланки, ушбу умумий вазифани ҳал қилмасдан туриб ҳужжатни қабул қилувчининг иродасини ҳужжатда акс эттириш мақсадига эришилгани ёки эришилмагани туғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Чунки, ҳуқуқ ижодкори унинг иродасини айнан талқин қилмасликка онгли равишда ҳаракат қила олмайди.

Юридик техниканинг моҳияти ва мазмунини аниқлаш учун, аввало, ўрганилаётган ҳодисанинг юридик билим тизимидаги ўрни бошқача айтганда, уни амалий ёки назарий соҳага мансуб, деб топиш муаммоси ҳал қилиниши лозим. Тадқиқотчилар ўртасида бу муаммога нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас.

Мазкур муаммо бўйича илгари сурилган фикрлар доираси ниҳоятда кенг. Аммо мавжуд ёндашувларнинг барчасини шартли равишда учта катта гуруҳга бирлаштириш мумкин: 1) соф амалий ёндашув; 2) соф илмий ёндашув; 3) илмий-амалий (методологик) ёндашув.

Соф амалий ёндашув юридик техникани норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини яратишга қаратилган амалий фаолият сифатида ўрганишни назарда тутди. Масалан, Л.М.Бойко (юридик техниканинг бир тури булган) "қонунчилик техникаси" тушунчаси ҳақида мулоҳаза юритар экан, шундай деб ёзади: "Бизнингча, қонунчилик техникаси деганда, норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашнинг соф техник жихатларини, яъни ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш, уларни расмийлаштириш методикасига тегишли булган барча жихатларни тушуниш лозим" ⁵¹. Шунга яқин фикр А.Х.Саидов ва Ш.Н.Кучимовлар

⁵⁰ Сайдман А., Сайдман Р., Абейесекере Н. Руководство по законодательной технике: Законотворчество в интересах демократических социальных перемен в обществе: Издание на русском языке. Пер. Г.Сергунина, А.Кашпура. - Бишкек: ПРООН, 2001. - С.350

⁵¹ Бойко Л.М. Законодательная техника (теория и практика): Дис. ... канд. юрид. наук. Тошкент: ИФиПАН, 1984.-С.17

томонидан ҳам илгари сурилади. Уларнинг нуқтаи назарича: "Қонунчилик техникаси - норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тузиш бўйича қоида ва усуллар йиғиндиси, ҳужжатнинг ички тўзилиши, унинг тили ва услуби, ҳуқуқий атамашунослик, қонун лойиҳаларини бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш санъати ҳақидаги билимлар мажмуидир. Шунингдек, қонунчилик техникасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тез ва пухта тайёрлашнинг ташкилий-техник қоидалари ва норматив ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни туғри ташкил этишнинг усули ҳамда қонун лойиҳасини тузишда қонуншунос фикрини яна ҳам аниқроқ; ифодалаш воситаси сифатида қаралади" ⁵². Е.И.Астрахан қонунчилик техникаси ўз илмий базасига эга эмас, унинг масалалари эса ҳуқуқнинг умумий назариясига дахлдордир, деб ҳисоблайди ⁵³.

Юридик техникага фақат фан сифатида қарайдиган соф илмий ёндашув ҳам кенг тарқалган ёндашувлар қаторига қирмайди. У ўзининг энг мукаммал қурилишида фақат Л.Успенскийнинг монографиясида (1927) акс эттирилган. Муаллиф, юридик техника ҳуқуқнинг умумий назарияси предметини тулик ўз ичига олади, деб ҳисоблайди.

Кейинчалик турли муаллифлар юридик техникани ва юридик техника фанини дифференциация қилишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, А.А.Ушаковнинг фикрига қура, юридик техникага, бир томондан, қонун ҳужжатларини оқилонала тузиш борасидаги амалий фаолият сифатида, иккинчи томондан эса, мазкур фаолиятни урганадиган илмий фан сифатида қаралиши лозим. Ушбу олимнинг бокча бир асарида қуйидаги фикрга дуч келамиз: "Тор маънода юридик техниканинг вазифасига ҳуқуқий ғояни муайян моддий ҳуқуқий қобикда гавдалантириш қоидалари ва усуллари ўрганиш қиради" ⁵⁴.

А.С.Пиголкиннинг фикрича, юридик техника ҳақидаги фан ҳуқуқнинг умумий назариясидан ажралиб чиқиши лозим ⁵⁵. Юридик техниканинг моҳияти муаммосига нисбатан мазкур ёндашув методологик, деб эътироф этиш мумкин бўлган ёндашувга айниқса яқин туради.

⁵² Саидов А.Х., Кучимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. - Тошкент: Адолат, 2001. - Б. 10

⁵³ Астрахан Е.И. Вопросы законодательной техники // У ч. зап. ВНИИСЗ. Вып. 21. - М., 1993. - С.237

⁵⁴ Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. - Пермь, нов...издания 2007, - С. 151

⁵⁵ Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. Б.9

Биз қўллаб-қувватлайдиган ушбу ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, юридик техника алоҳида хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий ходиса бўлиб, уни ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини расмийлаштириш борасидаги соф амалий фаолиятга ҳам соф назарий муаммоларга ҳам боғлаш туғри бўлмайди. Юридик техника иккала қисмнинг бирлиги, яъни илмий ва амалий (айниқса, техник) жиҳатлар мажмуидир.

Юридик техниканинг илмий ва техник жиҳатлари ўзаро нисбатига фан ва техниканинг ўзаро нисбатига доир умумий методологик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашиш таклиф қилинадики, бизнингча, бу мутлақо уринлидир.

Ҳар қандай техникада илмий-техник билимдан техник фаолият орқали техник воситалар ёрдамида пировард натижа - маҳсулот сари фаол ҳаракат аиниқса бўртиб намоён бўлади⁵⁶.

Шу ўринда юридик техниканинг амалда намоён бўлиш шаклларига батафсилроқ; тўхталамиз. Бизнингча, юридик техника амалда намоён бўлишининг **уч асосий шакли** мавжуд.

Биринчиси - юридик техника номоддий, техник хусусиятга эга бўлган воситалар ва усуллар мажмуи сифатида амал қилади. Бунда воситалар ва усуллар техник хусусият касб этади, чунки улар ҳуқуқий материални уюштиришнинг ташқи воситалари ва усуллари ҳисобланади. Барча техник омиллар каби, улардан кўпдан-кўп ва турли-туман ҳужжатларни тузиш, расмийлаштириш ва тизимга солишда самарали фойдаланилади. Улар ҳуқуқнинг мазмунига нисбатан ёрдамчи аҳамият касб этади. Айни чоғда бу воситалар ва усуллар номоддий хусусиятга эга бўлиб, улар муайян мафкуравий ходисалар ва категорияларда (юридик конструкциялар, нормаларни баён этиш усуллари ва шу қабиларда) ўз ифодасини топади. Зеро, "Қонун чиқарувчи қонунларни кашф этмайди, балки уларни шакллантиради, у фақат англаган ижобий (позитив) қонунларда маънавий-мафкуравий муносабатларнинг ички қонунларини ифода этади"⁵⁷.

Иккинчиси - юридик техника нормаларда (қоидаларда) акс эттирилади ва аини шу нормаларга мувофиқ амалда қўлланилади. Унинг воситалари ва усуллари ўз холича ва ўз-ўзидан амал қилмайди. Техник воситалар ва усуллардан туғри ва оқилона фойдаланиш юридик техника қоидаларида мустаҳкамланади. Ушбу қоидалар ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига тегишли

⁵⁶ Чигидин Б.В. К вопросу о понятии юридической техники // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. 2007. - № 3. - С.45

⁵⁷ Одилқориев Х.,Т., Тультеев И.Т., Мухдмедов У.Х.. Икки палатали парламент. - Тошкент , 2004. Б.73

бўлган техник нормаларнинг алоҳида турига киради. Улар норматив ҳужжатларда, шу жумладан қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва расмийлаштиришга дойр алоҳида йуриқномаларда акс эттирилиши мумкин. Бу ҳолда улар қонун чиқарувчига, ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига ҳужжатларнинг мукамаллигини белгиловчи маълум талаблар қуядиган техник-юридик нормалар сифатида амал килади.

Юридик техника воситалари ва усулларида фойдаланиш асосан тегишли нормаларнинг қўлланилишида намоён бўлади. Шу сабабли амалда, баъзан назарияда ҳдм у ҳук;ук;ий ҳужжатларни оь;илона ва тугри баён этиш нормаларининг мажмуи сифатида тушунилади. Албатта, бундай талқин, ҳеч шубҳасиз, аниқлик киритишни талаб этади.

Юридик техника нормалари, аввало, ҳукуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш борасидаги амалий иш жараёнида яратилади. Юридик техниканинг мукамал нормаларини ишлаб чиқишда юридик фан айниқса муҳим рол уйнайди⁵⁸. Қонунчилик ва индивидуал ҳужжатларнинг юксак даражасига фақат амалиёт синовидан ўтган ва назарий жихатдан пухта ишлаб чиқилган илмий тавсияларга мувофиқ эришиш мумкин. Юридик техника даражаси ноюридик фанларнинг маълумотларига ҳам боғлиқ; бўлади (жумладан, ёзма ҳужжатларда нормаларни баён этиш усуллари замирида асосан тил ва баён этиш услуби қонун-қоидалари билан шуғулланувчи фанларнинг маълумотлари ётади⁵⁹). Шундай қилиб, юксак даражадаги юридик техника орқали фан маълумотлари ҳукуқий усткурма доирасида ўзига хос бунёдкор кучга айланади.

Учинчиси - юридик техника норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг мукамаллик даражасида, ҳукуқ нормасининг сифатида моддийлашади. Юридик техника воситалари ва усуллари ҳукуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топгани заҳоти улар мазкур қонунчилик тизимининг хоссасига айланади. У ёки бу давлатда юридик техниканинг даражаси, аввало, қонунчиликда, ҳукуқий ҳужжатларда техник воситалар ва усуллардан амалда фойдаланилишига кўра белгиланади. Бинобарин, "Бизга ҳукуқ назариясидан маълумки, тегишли ҳукуқий

⁵⁸Одилқориев Х. Ўзбекистан Республикасида қонунчилик жараёни: назария ва амалиёт масалалари.: юрид. фан. док. ... диссер. - Тошкент: ЎзР ФА И.Муминов номидаги Фалсафа ва ҳукуқ институти, 1995.- Б.62

⁵⁹Кучимов Ш. Ўзбек қонунчилиги техникаси истикболлари // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005.- Б.95. "Рўзиназаров Ш. Мамлакатни ислох, қилиш ва янгилашнинг ҳукуқий асосларини такомиллаштиришда қонун ижодкорлиги фаолиятининг аҳамияти // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. - ТДЮИ, 2005. - Б.23

тизим шароитида таркиб топган нормалар айнан ана шу тизимда ривожланаётган давлатлар учун хосдир".

Юридик техника ҳуқуқнинг самарадорлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашда, яъни адолатни барқарор этишда ⁶⁰ муҳим рол уйнайди. Барча воситалар ва усуллардан, юридик техниканинг амалиёт синовидан ўтган нормаларига мувофиқ, тулик ва тугри фойдаланиш ҳужжатлар мазмунини аниқ акс эттириш, уларнинг тушунарлилигини таъминлаш имконини беради, улардан амалий ишда оқилона фойдаланиш учун имконият яратади.

"Юридик техника" тушунчасининг мазмунини аниқлаш учун унинг бир қатор муҳим хусусиятларини кўриб чиқиш лозим. Давлатнинг ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти кишилар ижтимоий ва давлат ҳаётининг асосий жабҳалари, йуналишлари ва муносабатларида уларнинг ҳулк-атворини тартибга солишнинг объектив зарурияти билан белгиланади. Ўрнатиш фаолиятининг мазмуни, хусусияти ва мақсадлари объектив ва субъектив, моддий ва маънавий омилларнинг катта ва мураккаб мажмуалари билан белгиланади. Бунда, аввало, тегишли халқ, жамият ва давлат ижтимоий-тарихий, умуммаданий ва умумҳуқуқий ривожланишининг эришилган даражаси; давлат ва ҳуқуқнинг мавжуд типи ва шакли (бошқарув шакли, давлат қурилиши шакли, сиёсий-ҳуқуқий режимнинг шакли ва хусусияти); мазкур халқ давлат-ҳуқуқий ҳаётининг тажрибаси ва анъаналари; аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий маданияти даражаси; жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳолати (ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўзаро нисбати, мустақил жамоатчилик фикрининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни ва роли, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий ва ҳуқуқий келишув даражаси умумий хоҳиш-ирода ва умумий манфаатларни қонунда лозим даражада акс эттириш, белгиланаётган нормаларни ижтимоий қонунлаштириш асоси сифатида ва ҳоказо); юридик таълимотнинг ривожланиш даражаси (ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти юридик-илмий асосларининг ҳолати, бу соҳада назария ва амалиётнинг алоқаси, ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти субъектларининг ҳуқуқий маданияти даражаси ва ҳоказо); жамият ва давлатнинг ҳуқуқни ўрнатишга оид ва умуман ҳуқуқий сиёсатининг мақсадлари, мазмуни ва хусусияти каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиш самарали ҳуқуқни ўрнатиш фаолиятининг зарурий шарти ҳисобланади.

Бинобарин, юридик техника даражаси мамлакатда ҳуқуқий маданият даражасининг кўрсаткичларидан биридир. Қонунчиликнинг илғор тажрибасидан ва фаннинг энг муҳим тавсияларидан ҳар томонлама ва тўла фойдаланиш зарурияти

⁶⁰ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.852

объектив қонуният ҳисобланади, уни эътиборга олмаслик маълум салбий оқибатларга, ҳуқуқ шаклида камчилик ва нуксонларга олиб келади⁶¹.

Айрим муаллифлар юридик техникани назарий талқин қилишда унинг субстратини, аниқроқ айтганда, унинг субстанционал томонини, яъни воситаларини биринчи *ўринга*, ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, тизимга солишда қўлланиладиган усулларни эса улардан кейинги *ўринга* қўядилар. Бизнингча, бу юридик техника юриспруденция техникасининг муҳим қисми сифатида ҳуқуқий борликдан эгаллайдиган юксак *ўринга* мос келади.

Айни чоғда юридик техникани ҳуқуқ тўзилиши билан боғловчи омилга ҳам эътибор бериш лозим бўлади. Бу ўринда гап фақат ҳуқуқ тўзилиши юридик техниканинг таркиби, мазмуни ва хусусиятини (унинг воситаларини) белгилашидагина эмас. Муҳими шундаки, юридик техника воситалари ҳуқуқ тўзилишининг хусусиятларини акс эттиради ва уни яратишнинг номоддий воситаси сифатида намоён бўлади. Аммо бундай яратиш ҳуқуққа хос булган объектив хоссалар ва қонуниятлар доирасида фақат ҳуқуқ шакли ва унинг ўз мазмуни орқали амалга оширилиши мумкин.

Юридик техника қайси кўринишда намоён бўлмасин, унинг чегараси мазкур ҳуқуқий воситанинг ўзагини ташкил қиладиган техник воситалар ва усуллар билан белгиланади.

Адабиётларда асосан юридик техниканинг қуйидаги **турлари** фаркланади:

- 1) қонунчилик техникаси (Ҳуқуқ ижодкорлиги техникаси, қонун ижодкорлиги техникаси);
- 2) ҳуқуқни куллаш техникаси (ҳуқуқни амалга ошириш ёки индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар техникаси);
- 3) ҳуқуқни шарҳлаш техникаси ёки расмий шарҳловчи ҳужжатлар техникаси;
- 4) ҳуқуқий ҳужжатларни тизимга солиш ва уларнинг ҳисобини юритиш техникаси;
- 5) норматив ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш (нашр этиш) техникаси.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига татбиқан қонунчилик (қонун ижодкорлиги, ҳуқуқ ижодкорлиги) техникаси туғрисида сўз юритиш *ўринли* бўлади. Қонунчилик техникаси (норматив) ҳуқуқий *ҳужжатлар* билан ишлаш техникаси сифатида юридик техниканинг айниқса мукамал ишлаб

⁶¹ Одилокorieв Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни: назария ва амалиёт масалалари.: юрид. фан. док. дис. - Тошкент: ЎзР ФА И.Мунинов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1995. - Б.232;

чиқилган, шаклланган, одатдаги, умумий қўлланиладиган атама билан ифодаланадиган тури (бўлими) ҳисобланади.

Қонунчилик техникаси ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш қоидаларини, ҳуқуқ нормалари ва бошқа норматив қоидаларни таърифлаш усуллари ва воситаларини, ҳуқуқий ҳужжатнинг тили ва услубини, бундай ҳужжатларни эълон қилиш (промульгация) ва тизимга солиш қоидаларини ўз ичига олади. "Қонунчилик техникасининг юқори даражада бўлиши қонунда ифодаланувчи ҳуқуқий норманинг ҳужжатларда аниқ ва равшан ифодасини топиш имконини беради, ҳуқуқий нормаларнинг нотўғри тушунилишига ёки турлича мазмунда тавсиф этилишига ёки шарҳланишига йул қўймайди"⁶².

Шундай қилиб, **қонунчилик техникаси икки асосий мақсадни қўзлайди.**

Биринчиси - ижтимоий муносабатларни оқилона, қатъий тартибга солиш, қамчиликларга йул қуймаслик, норматив ҳужжатларни аниқ ва айна вақтда қисқа ва лунда, ягона андозаларга мувофиқ баён этиш⁶³. Кўп сўзлик, таърифларнинг мўжмаллиги, ноаниқлик ва номуқаммаллик ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлик даражасини пасайтиради.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг иккинчи мақсади норматив ҳужжатларнинг адресатларига қаратилган бўлиб, бу ҳужжатларни улар мўлжалланган шахсларга аниқ ва тушунарли қилиб баён этишни, уларда норматив ҳужжатларда назарда тутилган ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида шак-шубҳа туғилмаслигига эришишни назарда тутати.

Юридик техниканинг бошқа турлари қамроқ даражада ривожланган. Жумладан, юридик фаолиятнинг кенг соҳаси - ҳуқуқни қўллаш фаолиятига татбиқан ҳуқуқни қўллаш техникаси туғрисида сўз юритиш мумкин. Юридик техниканинг бу бўлими назария ва амалиётда атамашунослик нуқтаи назаридан аниқ ифодасини топган эмас.

Маълумки, "Ҳуқуқ - давлат даражасида умумлаштирилган ироданинг норматив ифодаси"⁶⁴. Ҳуқуқни қўллаш техникаси эса ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини расмийлаштириш ва тузиш қоидаларини, ҳужжатларни

⁶² Саидов А.Х., Кучимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. - Тошкент, 2001. - Б.272

⁶³ Кучимов Ш. Ўзбек қонунчилик техникаси истикболлари // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент: ТДЮИ, 2005.-Б.91

⁶⁴ Иеринг Р. фон. Юридическая техника. - М.: Статут, 2008. - С.231

⁶⁵ Одиқориев Х.Т., Тультеев И.Т., Мухдмедов У.Х. Икки папатали парламент. - Т., 2004. - Б.69

қонунлаштириш усуллари, юридик нормалар ва ҳужжатларни шарҳлаш, ҳуқуқда коллизияларни барҳам топтириш ва камчиликларни бартараф этиш, юридик амалиётни тартиб-таомилга ҳос процессуал расмийлаштириш усуллари ўз ичига олади, деб ҳисоблаш одат тусини олган. Юридик техниканинг айрим конкрет бўлимлари, чунончи, шартнома техникаси, эътироз-даъво иши техникаси нисбатан шаклланган кўринишга эга.

Баъзан суд нутқи техникаси, нотариал фаолият техникаси, тергов ҳаракатлари техникаси ва ҳоказоларга ҳам юридик техниканинг мустиқ турлари сифатида қаралади ⁶⁵. Жамулжам ҳолда юридик техникани ташкил этувчи юридик фаолиятнинг барча йуналишлари муҳим аҳамият касб этса-да, қонун ижодкорлиги ва тегишли равишда, қонун ҳужжатларини яратишда қўлланиладиган қонун ижодкорлиги алоҳида рол уйнайди. Бинобарин, "Қонун норма ижодкорлигининг муҳим таркибий қисми бўлган қонун ижодкорлиги жараёнида яратилади" ⁶⁶. Юридик техниканинг айна шу тури айниса муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Олимларнинг қарашларида турли баҳсли жиҳатлар мавжудлигига қарамай, юридик техниканинг умумий қабул қилинган қоидалари, усуллари ва воситалари ҳақида муайян тасаввур шаклланган. Айна вақтда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, юридик техниканинг ҳар бир тури ҳуқуқнинг турли тармоқларида ўзининг алоҳида техник-юридик ифода усуллари ва воситаларига эга .

Юридик техника қонунчилик учун ягона ҳисобланади. Юридик техника қоидаларининг ўзига ҳос хусусиятлари ҳуқуқ ижодкорлиги хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган жиҳатларда намоён бўлади.

Юридик техника воситалари ва усуллариининг мазмунини асосан ҳуқуқий материални тузиш ва баён этиш, аввало, ҳуқуқ тузилишини акс эттириш билан боғлиқ. Ҳуқуқ тузилишини юридик техника воситалари ва усуллариининг таркиби ва мазмунини белгилайдиган асосий негиз, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд. Аммо ҳуқуқ тузилиши ва юридик техника ўртасидаги алоқа бевосита эмас, балки билвосита хусусиятга эга. Юридик техника асосан ҳуқуқ шакли, аввало, норматив юридик ҳужжатлар шакли билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳужжатнинг ўз махсус-юридик мазмунида ҳам, унда акс эттирилган хоҳиш-иродани сўз билан ҳужжатли баён этишда ҳам намоён бўлади.

⁶⁵ Саидов А.Х., Кучимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. - Тошкент, 2001. - Б.231

⁶⁶ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.595

Юридик техника ўз мазмунига кура икки кисмдан таркиб топади: а) техник воситалар; б) техник усуллар. Бу ерда моддий техника билан маълум ухшашликни кўзатиш мумкин. Мазкур соҳада ҳам, бир томондан, техника воситалари, яъни машина, курилмалар, иккинчи томондан эса, улардан фойдаланиш методлари, усуллари, яъни технология фаркланади. Ҳуқуқ соҳасида, жумладан, юридик конструкциялар, атамашунослик, техника воситалари; нормаларни баён этиш усуллари, ҳаволалар тизими эса -ҳуқуқий технология ҳисобланади⁶⁷.

"Юридик техника" тушунчаси умуман юридик фаолиятда қўлланиладиган техникага нисбатан татбиқ этилиши масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шунга кўра "юридик техника" тушунчасининг одатдаги талқинини В.Н.Карташов: "унча аниқ; эмас, энг муҳими - мазкур муаммони ўрганиш нуқтаи назаридан истикболсиз", деб ҳисоблайди⁶⁸. Унинг фикрича, бундай техникани амалда юридик амалиётнинг (юридик фаолиятнинг муайян натижалари ва объективлашган тажрибасининг) зарур мақсадларига эришиш имконини берадиган воситалар ташкил этади. Олим бу воситаларни ўрганиш тадқиқотнинг алоҳида йуналиши сифатида фаркланиши лозим, деб ҳисоблайди. Аммо бундан юридик техниканинг ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини яратиш жараёнида қўлланиладиган техника сифатидаги одатдаги талқинидан, албатта, воз кечиш лозим деган хулоса келиб чиқмайди. Қуйидаги уринларда юридик техниканинг мазкур талқини зарурлигини асослашга ҳаракат қиламиз.

Авваламбор, шуни кайд этиш лозимки, юридик техниканинг мазкур талқини унинг моҳияти ва мазмунини аниқ акс эттиради. Гап шундаки, юридик фаолиятда, шу жумладан ҳуқуқ нормалари ва индивидуал қарорларни матнга мос тарзда мустахкамлашда қўлланиладиган техника анча ранг-барангдир. Г.И.Муромцев кайд этганидек, "бу тушунчанинг бир нечта турларини фарқлаш мумкин"⁶⁹. Бизнингча, мазкур техникадан фойдаланиш соҳасига караб унинг икки тури - умумий аҳамиятга молик техника ва махсус техника фаркланиши мақсадга мувофиқ. Умумий техника нафақат юридик фаолиятда, балки бошқа ҳар қандай фаолиятда қўлланилади. Унга, жумладан, нусха купайтириш техникаси, компьютерлар,

⁶⁷ Алексеев С.С. Государство и право / Начальный курс. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юридическая литература, 1996. - С. 456

⁶⁸ Карташов В.Н. Законодательная технология: понятия, основные элементы, методика преподавания. - В кн.: Законотворческая техника современной России. - Нижний Новгород, 2001. - С.20-21. *¹ Каранг:

⁶⁹ Муромцев Г.И. Юридическая техника (некоторые теоретические аспекты) // Правоведение. - 2000, -№1. -С.69

ташкилий техника кабилар киради. Махсус юридик техника фақат юридик фаолиятда қўлланилади.

Айни пайтда махсус техникада бошқа (ноюридик) фаолият соҳасидан ўзлаштирилган, лекин юридик фанга мослаштирилган техникани фарқлаш мумкин. Бунга, хусусан, криминалистик техника мисол бўлиши мумкин. Махсус юридик техниканинг бошқа бир таркибий қисмини бевосита юридик фан ва амалиётда яратилган техника ташкил қилади. Унга айнан норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар матнини тузиш техникаси киради⁷⁰.

Юридик техникага фақат шундай техникани киритганимизни қуйидагича изоҳлашга ҳаракат қиламиз: юридик фаолиятнинг барча турлари муҳим аҳамият касб этса-да, уларнинг орасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ фаолият айниқса муҳим рол уйнайди. Мазкур фаолият натижасида норматив ва индивидуал ҳуқуқий қарорлар қабул қилинади. Айни шу ҳужжатлар орқали ҳуқуқ ўзининг ташқи ифодасини топади ва муайян ҳаёт шароитларига татбиқ этилади. Айни шу сабабли, ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини яратишда фойдаланиладиган техникани юридик техника, деб номлаш ўринли бўлади.

Бундан ташқари, юридик техниканинг мазкур талқини юриспруденция мазмунидан мустақкам ўрин олган бўлиб, ҳуқуқни ўрганувчилар, уни урнатувчилар ва амалда қўлловчилар айни шу талқинга одатланганлар. Юридик техникани бошқача тушуниш юридик фанда ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам мазкур техника билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда чалкашликлар ва ноаниқликларга олиб келиши мумкин.

Шу боис бу ўринда "юридик технология" тушунчаси ҳақида, шунингдек, унинг юридик техника тушунчаси билан ўзаро нисбати хусусида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ. Бунда, аввало, изоҳли ва бошқа луғатларга назар ташлаш, уларда "техника" ва "технология" сўзлари қандай тушунилишини аниқлаш ўринли бўлади деб уйлаймиз. "Техника" (юнон. *tecne* - санъат, маҳорат) сўзи луғатларда кўп маъноли сўз сифатида талқин қилинади. "Технология" сўзи эса, "техника" ва "логия" (юнон - *сўз*; тушунча, таълимот) сўзларидан таркиб топган бўлиб, луғатларда унга ишлаб чиқаришнинг муайян тармоғида ишлаб чиқариш методлари ва жараёнлари мажмуи, шунингдек, ишлаб чиқариш усуллариининг илмий тавсифи, дея изоҳ берилган⁷¹.

⁷⁰ Раянов Ф.М. Проблемы теории государства и права (юриспруденции). - М.: Право и государство, 2003.-С.290

⁷¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Тошкент: 8-том, 2004. - С.409;

"Техника" ва "технология" сўзларининг ҳозирги замон тилидаги маъноларини ҳисобга олиб, юридик техника муаммоларини ўрганишда улардан қуйидаги маъноларда фойдаланиш, бизнингча, тўғри бўлади. "Техника" сўзи, юқорида қайд этилганидек, ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини яратишда қўлланиладиган воситаларни ҳам, усулларни ҳам акс эттириши лозим. Ҳуш, бу воситалар ва усулларга нима қилади? Айрим муаллифлар уларга нафақат ҳуқуқни сўз билан ҳужжатли мустаҳкамлаш воситалари ва усулларини, балки ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини шакллантириш омилларини ҳам киритишади. Жумладан, С.С.Алексеев юридик техникага қонун чиқарувчи (ёки индивидуал ҳужжат субъекти) амрини юридик жиҳатдан акс эттиришнинг техник-юридик воситалари ва усулларини киритади. Воситалар ва усулларнинг бу гуруҳи, унинг фикрича, Ҳуқуқнинг махсус-юридик мазмунига - ҳужжатнинг ҳуқуқ шакли сифатидаги ўз мазмунига"⁷² тааллуқлидир.

Р.Ф.Васильевнинг фикрича, юридик техника ҳужжатга ижтимоий буюртма унда қандай бажарилгани, бушлиқлар ва зиддиятлар мавжудлиги нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳамдир⁷³. Биз бу фикрга қўшила олмаймиз, чунки айти ҳолда юридик техника иштирокисиз шаклланидиган ҳужжатнинг мазмун жиҳати тўғрисида сўз юритилади.

Ю.А.Тихомировнинг тартиб-таомиллар омилини қонунчилик техникаси таркибий қисми сифатида фарқлаш ҳақидаги таклифига ҳам қўшила олмаймиз⁷⁴. Қонунчилик техникаси юридик техниканинг тури ҳисобланади. Ушбу техника бизнинг тасаввуримизда тартиб-таомилга оид масалаларни ҳал қилишда ишга солинмайди.

Юридик техника ва унинг айрим таркибий қисмларини тавсифлаганда яна шунга эътибор бериш муҳимки, адабиётларда, одатда, норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини тузиш воситалари ва усуллари тўғрисида сўз юритилади. Бунда мазкур ҳужжатлардан ташқари, ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига ҳуқуқни расмий шарҳлаш ҳужжатлари ҳам кириши нима учундир эътибордан четда қолади. Ҳолбуки, мазкур ҳужжатлар ҳам юридик техника ёрдамида тузилади

Ўз урнида, ҳуқуқ аниқ белгиланган бўлиши лозим, бу - қадимги Рим юристлари томонидан таърифланган принцип бўлиб⁷⁵, у ҳар қандай ҳуқуқий

⁷² Алексеев С.С. Государство и право / Начальный курс. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юридическая литература, 1996. - С. 146-147

⁷³ Васильев Р.Ф. Законодательный процесс. Понятие. Институты. Стадии: Научно-практическое пособие. - М.: Юриспруденция, 2000. - С.320

⁷⁴ Тихомиров Ю.А. Законодательная техника: Научно-практическое пособие. - М.: Городец, 2000. - С.272

⁷⁵ Памятники Римского права: законы XII таблиц. Институции Гая. Дигесты Юстиниана. - М.: Зерцало, 1997.-С.73 ² Назаров К., Усмонов С. Ҳуқуқ ва тил // Давлат ва ҳуқуқ. - 2000. - №4. - Б.69

тизим учун, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш шароитларида айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунга кўра айтиш мумкинки, ҳуқуқий борлиқ қонун чиқарувчи мазкур жамиятда барча учун мажбурий бўлган ҳулк-атвор қоидаларини ифодалашда фойдаланадиган сўзлар, табиий хил шакллари билан белгиланади. Қонун матни тушунарли бўлиши учун қонунчилик тили - ўзбек тилининг ҳуқуқ нормаларини баён этиш ва кейинчалик амалда қўллаш учун махсус мулжалланган функционал услуби соҳасида анча юқори даражада лингвистик андозалар зарур бўлади. Туғриси, мамлакатимизда "Ҳуқуқий ислоҳот ва у билан боғлиқ равишда қонун ҳужжатлари миқдорининг ортиб бориши тил ва қонуннинг ўзаро таъсири, ўзвий боғлиқлиги омилларини ўрганишни тақозо этмоқда.

Юриспруденция тилининг ҳаёт билан, амалиёт эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган назарий андозасини ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда".

Юридик техникада тил (сўзлар, иборалар, гап тўзилмалари, тиниш белгилари ва ҳоказолар) материал ҳисобланади. Унинг воситалари қаторига юридик атамалар ва юридик конструкциялар, презумпциялар ва фикциялар, матнни тузиш ва баён этиш воситалари, намунавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларнинг намуналари кабилар киради.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг мустакил ривожланиш даврида қонунчилик ҳокимияти ислох, қилиниб, икки палатали парламент тизими жорий этилганлиги ҳамда қонунларни қабул қилиш техника, технология ва тартиб-таомилларининг ривожланган демократик ҳуқуқий давлатлар тажрибаси ва миллий кадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда, мазмунан ўзгартирилганлиги бу борада қуйилган муҳим қадам бўлди.

Айни пайтда бу ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш билан бирга, ўзаро мувофиқлаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий ва илмий-назарий асослари ҳам яратилмоқда. Бинобарин, мамлакатимиз парламентининг икки палатали шаклга ўтказилганлиги ҳамда юридик техниканинг тубдан ўзгарганлиги депутатлар, сенат аъзолари, мутасадди органлар, мансабдор шахслар, шу соҳада бевосита илмий изланишлар олиб боровчи олимлар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Янги шаклланган парламентнинг ҳокимият тизимига кирувчи бошқа органлар билан, қолаверса, парламент палаталари ўртасида ўзаро чеклаш ва мувозанатлаш механизмини янада мустаҳдамлаш, қонун ижодкорлиги сифати ва самарадорлигини ошириш, унга замонавий қонунчилик технологияларини жорий этиш фундаментал илмий-амалий тадқиқотларни талаб этади.

2.2. Юридик техниканинг принцип ва қоидалари - ҳуқуқ нормаларининг асоси сифатида

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳуқуқий тизим ва қонунчилик жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда. Айниқса, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш "қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этиш, қонун устуворлигини таъминлашни тақозо этмокда. Зотан, "қонунчилик давлатнинг куч-қудратини, унинг халқ хоҳиш-иродасига таяниб иш олиб боришини кўрсатади"⁷⁶.

Маълумки, миллий ҳуқуқий тизим жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи муайян мамлакатнинг *ҳуқуқий* жихатдан қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи, ўзаро боғлиқ, мувофиқлашган ва ҳаракатдаги ҳуқуқий восита ҳамда белгилар йиғиндисидан иборат бўлади ⁷⁷. Шу жихатдан олиб қараганда, ҳуқуқ принциплари ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисми саналади. Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқнинг махсус ижтимоии тартибга солиш вазифасини (моҳиятини) англатувчи, асосий, бошланғич, асос қилиб олинган ғоя ва қарашлардир. Улар ҳуқуқнинг қонунийлиги, табиати ва ижтимоии вазифасини, шунингдек, ҳуқ-атвор қоидаларининг энг умумий жихатларини ўзида ифодалайди ⁷⁸.

Давлатнинг позитив ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш борасидаги (ҳуқуқий ва умумиҷтимоий маънодаги) ривожланган фаолияти бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши лозим бўлиб, уларни ҳуқуқни ўрнатиш фаолиятининг асосий принциплари сифатида таърифлаш мумкин ⁷⁹.

Ҳуқуқнинг яратилиши ва амал қилиши замирида унинг моҳияти ва ижтимоии вазифасини акс эттирувчи муайян принциплар ётади. Уларда ҳуқуқнинг ижтимоии муносабатларда эркинлик ва адолат мезонларини давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатидаги асосий хоссалари ва хусусиятлари акс этади. Бинобарин, ҳуқуқий давлатнинг, давлат ҳокимияти барча органларининг фаолияти замирида ҳуқуқ принциплари ётади. Давлат уларга амал килган ҳолда ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқларини

⁷⁶ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ, этишдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - Б.22

⁷⁷ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай қимга қарам бўлмайди. Т.П. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - Б. 169

⁷⁸ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Х.,Б.Бобоев, Х.-Т.Одилқориев. - Тошкент: 2000. -Б.215-223.; Холмуминов Ц.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент, 2000. - Б.54; Теория государства и права / Под ред. Н.И.Матўзова, А.В.Малько. - М., 1999. - С. 149-154.; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.478-479 ва бошқалар.

⁷⁹ Хошимхонов А. Ҳуқуқ ижодкорлиги - Вазирлар Маҳкамасининг муҳим фаолият тури // ТДЮИ Ахборотномаси. - 2007. -№ 4. - Б. 10-12.

таъминлайди, улар юридик бурчларни бажаришларини кафолатлайди. Шу жихатдан олиб қараганда, "Ҳокимиятнинг бу ўзини ўзи кучайтириши ва шиддатли тус олдириши йўлида ҳокимиятга яқин ижтимоии институт, маълум маънода ҳокимиятнинг ўз фарзанди — ҳуқуқ, юксак ахлоқ ва ривожланган маънавият билан бир каторда, ҳокимиятдаги салбий тамойиллар йулига ғов қуядиган асосий тусиқ, омил, қайсидир даражада усул бўлиб қолишидир"⁸⁰.

Юридик техника принциплари, яъни фундаментал ғоялари (идеаллари) ва асосий норматив негизлари (умуммажбурий талаблари) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш ва эълон қилишнинг юксак даражадаги сифати ва самарадорлигини таъминлайди.

Принциплар барча ҳуқуқий нормаларда акс этади, давлат ҳуқуқ тизимининг ўзаги ҳисобланади. Шу сабабли, улар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда юридик амалиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқ талабларини катъий ва аниқ бажариш унинг принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишни англатади. Шу боис муайян юридик ишларни кўриш ва ҳал қилишда аввало ҳуқуқ принципларига амал қилиш лозим бўлади. Бу юридик нормаларни туғри қўллаш, асосли ва қонуний қарорлар қабул қилишнинг негизи бўлиб хизмат килади.

Тадқиқотчилар қуйидаги асосий принципларни **юридик техника принциплари** сифатида кайд этадилар:

а) ҳуқуқ ижодкорлигига татбиқан тартибга солиш (бошқариш)нинг умумий принциплари: ҳуқуқий таъсирнинг туғрилиги ва унинг мазкур ижтимоий муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатиға мувофиқлиги; тартибга солишнинг тулиқлиги, аниқлиги ва камчиликлардан хоилилиги; ҳуқуқий ҳужжатни ўз вақтида амалға киритиш; ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имкониятлари (тегишли ресурслар, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги);

б) ҳуқуқнинг тизимлилиги принципи: ҳуқуқ тармоклари, кичик тармоклари ва институтларининг қабул қилинган таснифига, шунингдек, ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучига кура ўрнатилган ўзаро муносабатларға риоя қилиш; янги ва амалдаги ҳужжатларнинг мақсадларға кўра мувофиқлиги ва мазмун жихатидан зиддиятлардан хоилилиги, ҳуқуқий ҳужжат турининг уни қабул қилган орган ваколатларига мувофиқлиги; мазкур ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани

⁸⁰ Алексеев С.С. Восхождение к праву. Поиски и решения. - М., 2001. - С. 199

муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилгани;

в) ўрнатиладиган ҳуқуқий муносабатлар юридик шаклининг аниқлиги ва муайянлиги принциплари: ҳуқуқий қарорнинг моҳияти (концепцияси) тил воситалари билан аниқ акс эттирилгани, ҳуқуқий ҳужжат қоидалари ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан аниқ тушунилишини (талқин қилинишини) таъминлаш; ҳужжат расмий юридик ҳужжат сифатида туғри расмийлантирилгани.

Ўз ўрнида тегишли манбаларда юридик техниканинг асосий принциплари ва қоидаларини бўзиш қонун ижодкорлиги хатолари сифатида тавсифланади⁸¹.

Бизнингча, бугунги кунда юридик техниканинг махсус принциплари шаклланишини ҳам ишонч билан қайд этиш мумкин. Шу ўринда бу принципларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. Ҳуқуқий тараққиётга қараб йуналиш олганлик принципи. Бу принцип давлатнинг ҳуқуқни ўрнатиш фаолиятини амалдаги позитив ҳуқуқни инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида эришилган умуммаданий, умуммаърифий ютуқлар руҳида янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга, ҳуқуқнинг устунлиги, ҳуқуқий қонун, ҳуқуқий давлатчилик асосларини қарор топтириш ва кучайтиришга қаратишни талаб қилади.

Эркинлик мезони сифатида тушуниладиган ҳуқуқ мустақил ва ижтимоий фаол субъектларнинг ҳулқ-атворини тартибга солишга хизмат қилади. Юридик тартибга солиш замирида бутунлай бошқа принциплар ётади. У умуминсоний фазилатларга қараб йуналиш олади. Юридик тартибга солиш ҳулқ-атворнинг у ёки бу андозасини тикиштиришдан ҳалос бўлишга ҳаракат қилади. Эркинликни чеклаш, қонунда унинг чегарасини белгилаш бу ҳолатда эркин индивидларнинг

⁸¹ Бахвалов С.В. Законодательная технология (некоторые проблемы теории и методологии). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2006. - С.32; Бойко Л.М. Законодательная техника (теория и практика): Дис. ... канд. юрид. наук. - Ташкент: ИФиПАН, 1984. -- С. 17; Власенко Н.А. Основы законодательной техники: Практическое руководство. - Иркутск, 1995. С.286; Нашиц А. Правотворчество. Теория и законодательная техника. - М.: Слово, 1997. С. 138; Чухвичев Д.В. Законодательная техника: Учебное пособие для вузов. - М.: Закон и право, 2008. - С.239; Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б.53-56 ва бошқалар.

ҳаракатлари ўртасида тўқнашув чиқишининг олдини олиш учунгина зарур. Бошқача айтганда, чеклаш ушбу ҳолатда эркинликни таъминлаш воситаси сифатида амал килади. Зотан, "Одам ҳуқуқ талабларига ихтиёрий равишда, ички эътиқоди бўйича бўйсунди" ⁸².

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қонунчиликнинг кенг ислоҳ қилиниши жараёнида ҳуқуққа нисбатан "ҳуқуқ ҷамият ва инсон учун" деган нуқтаи назардан ёндашиш мустабид шуро тўзуми даврида ҳукм сурган, ҷамиятни давлат манфаатларига бўйсундирган "ҳуқуқ сиёсий ҳокимият учун" деган ёндашувни сиқиб чиқармокда. Ҳозирги қонунчиликнинг янгилаиш жараёни унда ҳуқуқлар туғрисида сўз юритадиган ҳуқуқ манбалари юзага келганлиги билан тавсифланади. Ҳозир амалда булган мулк туғрисидаги, оммавий ахборот воситалари туғрисидаги, ишончли бошқарув (траст) тўғрисидаги қонунлар моҳият эътибори билан ҳуқуқнинг либерал талқинига асосланган ҳуқуқ манбаларидир. Уларда асосан ижозат ва тақиқларнинг ўзаро алоқасидан келиб чиқадиган тартибга солиш принципи қўлланилган, фуқаролар ва ҷамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

2. Тушунчаларнинг аниқлиги принципи. Қонун тили - қонун чиқарувчининг фикрини ифодалашнинг бирдан-бир усули. Қонунчилик фаолияти замирида ҳуқуқ ижодкорлиги тафаккури ётади. У ҳуқуқий нормани таърифлашнинг асосий воситасидир. Ҳуқуқий тафаккур маҳсули саналган бирон-бир ҳуқуқий норма тушунчаларнинг муайян тизимисиз яратилиши мумкин эмас. Тушунчалар ҳуқуқий нормага мантикий маъно бахш этади, унинг амалий қўллашдаги тадрижий ҳаракатини белгилайди ⁸³.

Қонун тилига қўйиладиган давлат талаблари тизими унинг сифатини кафолатлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Норматив ҳужжат тили аниқ ва ҳаммага тушунарли бўлиши лозим. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни учун умумий бўлган қонун матнининг қисқа ва лўндалиги талабини бажариш қонун тилининг аниқлиги орқали таъминланади. Қонун аниқ норматив мазмунга эга булиши лозим, чунки унинг мақсади кишилар ҳуқ-атворини белгиловчи норматив қоидаларни ишлаб чиқишдан иборат. Такрорлашлар, мураккаб иборалар, ортиқча эпитетлар юридик тил учун ўринли эмас. Аммо қонданнинг қисқа ва лўндалигига эришиш кетидан қувиб давлат амрини тулиқ акс эттириш заруриятини назардан қочириш

⁸² Исломов З.М Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.467

⁸³ Гуломова Г. Қонунчилик ва ўзбек юридик терминологияси // «Тил ва ҳуқуқий тарбия» туркумидан илмий-оммабоп рисола. - Тошкент: ДЖЦА, 2002. - Б.64

хам ярамайди. Қонун тилининг аниқлигига тушунчалар аппарата (атамашунослик аппарата)дан фойдаланиш оркали эришилади. "Демак, аниқлик, лундалик ва услубий жиддийлик -норматив ҳужжатлар тилининг ўзига хос хусусиятларидир"⁸⁴.

3. Норматив-ҳуқуқий эҳтиёжларни аниқ акс эттириш принципи. Бу принципнинг моҳияти шундан иборатки, ҳуқуқни ўрнатиш фаляитининг ўзи ҳуқуқнинг асосий талабларига жавоб бериши, жоиз ҳуқуқий шаклларда ва тегишли тартиб-таомилларга биноан ҳуқуқни ўрнатиш фаоляити субъектларининг қонун йули билан белгиланган ваколатларига катъий мувофик равишда амалга оширилиши лозим.

Демократик жамиятда ҳар бир ҳуқуқий норма ўз мантикий асосига эга бўлиши, унинг мазмуни эса жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, унинг амалдаги эҳтиёжлари билан белгиланиши зарур. Ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий инъикоси ўртасидаги боғлиқлик аниқланганига кўп вақт бўлган ва унга деярли ҳеч ким шак-шубҳа билдирмайди. Айни вақтда ҳуқуқий тартибга солиш амалиётида мазкур қонуниятни ҳисобга олмаслик ҳолларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

А.Саидов ва Ш.Кучимов қонунчилик фаоляити илмий асосда изчил йулга қўйилиши лозим⁸⁵, деганларида, бизнингча, ҳақ эдилар. Қонун чиқарувчи фаоляитининг илмий асосланганлиги муаммосини ҳал этиш бугунги кунда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг назаримизда, мазкур муаммони ҳал этиш учун қонунни лойиҳалаш ишида юристлар (олимлар ва амалиётчилар) иштироки масаласини қонун йули билан мустаҳкамлаш лозим.

Айни пайтда қонунчилик жараёнининг ахборот базасини бойитиш ҳам муҳим ҳисобланади.

4. Умумиҷтимоий қонунийлик ва белгиланганлик принципи. Бу принцип давлат ўз ҳуқуқни ўрнатиш фаоляитида жамият умиди, ҳуқуқни ўрнатиш соҳасидаги янғиланиш жараёнлари ва қарорларга унинг розилиги ва мадади, бундай қарорларни муҳоқама қилиш, тайёрлаш ва қабул қилишда жамият аъзолари

⁸⁴Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий масалалари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. - Тошкент: ТДҶОИ, 2005. - Б. 184

⁸⁵ Саидов А.Х., Кучимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. -Тошкент, 2001. - Б.72

ва турли жамоат бирлашмаларининг фаол иштирокига таянишини талаб қилади. Ҳуқуқни ўрнатиш қарорларининг ижтимоий қонунийлиги - халқ суверенитетининг муҳим талаби ва айни вақтда жамиятда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тотувлик ва бирликнинг зарур шарти, ўрнатиловчи ҳуқуқий нормалар ва умуман амалдаги ҳуқуқ самарадорлигининг муҳим омилидир. Бинобарин, "Қонунлар билан жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинар экан, уларни ҳаётда тўғри қўллаш учун қонунийлик давлат томонидан белгиланган бўлиб, бу қонунийликнинг кафолати, деб аталади"⁸⁶.

Қонун чиқарувчи ҳуқуқни ижтимоий воқеликнинг ўзида қуриши лозим. Зеро, қонуннинг мазмуни амалдаги ижтимоий муносабатлар ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятлари ва йуналишлари билан белгиланади. Бошқача айтганда, қонун ижодкорлиги "нарсаларнинг ҳуқуқий табиати"ни қонун тилига кўчириши, ижтимоий ривожланишнинг муҳим эҳтиёжларини қонунда акс эттириши лозим. Бу эса қонун йули билан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар синчиклаб, ҳар томонлама ва чуқур ўрганилиши зарурлигини англатади.

Ҳозирги жамият иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларининг ўсиши тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий белгилашнинг янгидан-янги вазифаларини кун тартибига қўймоқда.

5. Илмий асосланганлик принципи. Илмийлик бутун дунёда қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий принципларидан бири сифатида тан олинган. Ахборот оқими шитоб билан ортиб бораётган, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни мураккаблашган ҳозирги шароитда ривожланган юридик фансиз сифатли қонунлар қабул қилиш қийин. Бугунги кунда олимлар мамлакатда ислохотларнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган улкан ва машаққатли ишнинг олдинги маррасида депутатлар ва сенаторлар билан бирга бўлишлари, янги ғояларни илгари суришлари, ҳуқуқ ижодкорлигининг ностандарт

⁸⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ, / А.Азизхужаев, Г.Абдумажидов, М.Ахмадшаева ва бошқ.; Масъул муҳдиррир - А.А.Азизхужаев. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.66

шакллари ва усуллари топишлари, жаҳон юридик фанининг энг сара ютуқларини қонунчилик амалиётига татбиқ этишлари лозим.

6. Тизимлилик ва модал мутаносиблик принципи. Тизимлилик, яъни қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг бир-бири билан ўзвий боғлиқлиги ижтимоий муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим шартларидан биридир. Мустакиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда юзлаб қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бугунги кунда эскирган, бир-бирини такрорлайдиган ёки бир-бирига зид бўлган нормаларни, қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш мақсадида қонун ҳужжатларини катъий тизимга солиш ва таснифлаш лозим. Ҳ.Одильқориев миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган бу улкан ва машаққатли ишга Республикаимизнинг етакчи юрист олимларини жалб қилиш лозим, деганида, мутлақо ҳақ эди⁸⁷. Бунда тадқиқотлар жаҳон андозалари даражасида, юридик фанининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб ўтказилиши лозим.

Ҳуқуқни ўрнатиш фаолиятининг тизимлилиги принципи позитив тизимли хусусиятини ҳам, амалдаги ҳуқуқни *ўзгартириш*, янгилаш ва такомиллаштириш борасидаги фаолиятнинг тизимлилигини ҳам ҳисобга олишни талаб қилади. Ҳуқуқнинг тизимлилиги туфайли янги ўрнатилган нормалар амалдаги тизим билан шу даражада мувофиқлаштирилиши лозимки, бунда улар ўзининг алоҳида ўрнини эгалласин ва тегишли тартибга солиш-ҳуқуқий функцияни бажарсин. Бунга эришиш учун ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти тизимли-тартибга солинган ва режалани уюшган хусусият касб этиши керак. Ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти барча субъектларининг мақсадлари, режалари ва ҳаракатларида мувофиқлик, ягоналик, ҳуқуқни ўрнатиш жараёнининг тизимлилигини, унинг амалга оширилиши ва натижалари амалдаги ҳуқуқий нормалар ва тартиб-таомилларга мослигини таъминловчи тегишли юридик механизмлар ва давлат-ҳуқуқий институтларнинг мавжуд бўлишини талаб этади.

Бу талабларнинг бўзилиши позитив ҳуқуқ нормалари тизими ва унинг манбалари иерархиясига путур етишига сабаб бўлади, норматив-ҳуқуқий материалда кучли коллизияларни вужудга келтиради, ҳуқуқий тартибга солишга жиддий зиён етказади. Зеро, қонунчилик - муайян миқдордаги нормативларнинг эркин белгиланган мажмуи эмас. Ҳар бир модус конкрет мантиқий асосларга эга.

⁸⁷ Одильқориев Ҳ., Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. - Тошкент: Адолат, 1995. Б.22

Конунчиликдаги ҳар қандай, ҳатто энг аҳамиятсиз зиддият ҳам амалда ҳуқуқни куллаш жараёнини издан чиқарувчи ва беқарорлаштирувчи кучли омил ҳисобланади. Шу маънода барча функционал даражадаги ҳуқуқни нормативларнинг мутаносиблигини ва зарур контекстуал алоқасини таъминлаш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ички ҳуқуқий нормативларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштириш ҳуқуқий тартибга солишда модал мутаносиблик принципини амалга оширишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Маърифатли жамиятда халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принципи эътироф этилади, конституциявий аҳамиятга эга бўлади ва амалда қўлланилади. Ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий норматив ҳужжат нафақат давлатлар ўртасида, балки давлат доирасида ҳам ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради, бу эса давлат ички қонунчилигининг умумий тузилиши ва норматив сифатида, унинг фаолиятида ўз аксини топади.

Айнан умуминсоний ҳуқуқий кадриятлар ижтимоий борлиқни ҳуқуқий тартибга солишнинг универсал воситасини ўрнатиш мақсадида давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқни маълум даражада мувофиқлаштириш учун замин яратади. Зотан, энг аввало, "халқаро ҳамкорликнинг мақсади - миллий қонунчиликни унификация қилиш эмас, балки давлатларнинг ўз миллий қонунчилигини ишлаб чиқиши учун бошланғич нуқта вазифасини ўташга хизмат қилувчи стандартларни яратишдир"⁸⁸.

7. Профессионализм (компетентлилик) принципи. Ҳуқуқни ўрнатиш (ҳуқуқ; ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги) — жамият аъзоларининг ҳаёти ва ўзаро муносабатлари қоидалари ва тартибини белгиловчи ҳамма учун мажбурий ҳуқуқий нормаларни излаш, таърифлаш ва тегишли манбаларда мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган ижодий ишнинг алоҳида тури. Бу фаолиятнинг улкан ижтимоий аҳамияти, предмет ва мазмун жиҳатидан ўзига хослиги уни юксак профессионал даражада амалга оширишни талаб қилади. Бу ҳуқуқ ижодкорлиги масалаларида, аввало, ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти субъектларининг юксак касбий маҳорати ва малакасини, улар мазкур фаолият мазмуни ва вазифасини, унинг ҳуқуқий ва юридик-техник жиҳатларини тушунишини назарда тутаяди. Бошқа касбий фаолият соҳалари каби, бу ерда ҳам юзакилик ва малакасизликка йул куйиш мумкин эмас. Албатта, ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти субъектларининг айрим касбий нуқсонлари ва камчиликларини юрист олимларнинг тавсияларини ҳисобга олиш йули билан,

⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / А.А.Азизхужаев, Ҳ.Абдумажидов, М.А.Ахмадшаева ва бошқ.. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.90

ҳуқуқни қўллашга доир қарорларни тайёрлашда иштирок этувчи малакали мутахассислар ёрдами билан маълум даражада бартараф этиш мумкин ⁸⁹. Аммо буларнинг барчаси ҳуқуқни ўрнатиш фаолияти субъектларининг касбий маҳорати муаммосини кун тартибидан олиб ташламайди. Зеро, курсатилган субъектларнинг касбий маҳорати даражаси ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни ва қабул қилинаётган нормаларнинг ҳуқуқий сифати ва юридик-техник хусусиятларида бевосита акс этади. Професионал ходимнинг касб одоби қоидалари орасида компетентлик, яъни малакалилик биринчи ўринда туради.

8. Ретрибутив таъминланганлик принципи. Ретрибутив таъминланганлик ҳуқуқнинг функционал хусусияти, унинг самарали амал қилиши шарти ҳисобланади. Қадимда ретрибутив таъминлаш диний қоидалар, одатлар орқали амалга оширилган, уларнинг маънавий кучи инсон хулқ-атворини ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ йулга солишга қодир бўлган. Ижтимоий муносабатларнинг кейинги ривожланиш жараёнида ҳуқуқий нормаларнинг таъсирчанлигини таъминловчи бошқа восита - юридик санкциялар юзага келган. Уларнинг асосий вазифаси ҳуқуқий нормаларни маъмурий йул билан муҳофаза қилишга, яъни муайян ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий-шахсий борлиқнинг ҳуқуқий ҳавфсизлигини қафолатлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Санкцияларнинг қонунда мустаҳкамланиши уларнинг қўлланилиши эҳтимоли тўғрисида хабар беради, санкцияларнинг қўлланилиши эса бошқа шахсларга профилактик таъсир кўрсатади ⁹⁰. Шу боис қонун санкцияларсиз ўзининг амалий аҳамиятини йукотади. Ҳуқуқнинг санкциялардан махрум қилиниши муқаррар тарзда унинг тартибга солувчи аҳамияти йуқолишига сабаб бўлади. Ҳуқуқни бўзувчи вазият юзага келганда юридик ҳимоя қилишни амалга ошириш механизмини ташкил этадиган санкциялар юридик ретрибуциянинг муқаррарлиги принципининг мазмунини ва амалдаги функционал кучини белгилайди. Бу принципга амал қилмаслик ёки уни изчил амалга оширмаслик давлатчиликнинг таназзулига ёки ҳатто ҳалокатига олиб келиши мумкин.

⁸⁹ Сайдман А., Сайдман Р., Абейесекере Н. Руководство по законодательной технике: Законотворчество в интересах демократических социальных перемен в обществе: Издание на русском языке. Пер. Г.Сергунина, А.Кашпура. - Бишкек: ПРООН, 2001. - С.350

⁹⁰ Сафаров Ж., Сафаров Ж. Санкция: муаммолар ва ислох.отлар. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - Б.3 1

Бироқ амалдаги ҳуқуқ нормаларининг ретрибутив таъминланганлиги принципини руёбга чиқаришга қодир бўлган юридик механизмлар ҳали лозим даражада ишлаб чиқилмаган, десак, адашмаган бўламиз.

Юқорида айтилганлар, ҳуқуқнинг ретрибутив таъминланганлиги муаммоси ҳуқуқни қўллаш омилларигагина бориб тақалади, деган маънони англатмайди. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш - муҳим ва долзарб масала. Аммо уни ҳал этиш қонунлар қай даражада мукамал эканлиги билан бевосита боғлиқ. Амалдаги қонунчиликнинг камчиликларидан бири шундан иборатки, унинг барча бўғинлари лозим даражада ретрибутив хусусият касб этмайди, яъни у ёки бу ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик аниқ белгиланмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юридик адабиётларда юридик техниканинг мазмунидан кўра унинг вазифалари, усуллари ва методлари ҳақида кўпроқ сўз юритилади. Ваҳоланки, ҳар қандай ҳодиса ва предметнинг мазмуни туғрисидаги масала айниқса муҳим аҳамиятга эга, чунки объектга туғри таъриф бериш мазкур объектнинг мазмуни туғрисидаги масалани қўйиш ва уни туғри ҳал этишни талаб этади.

Юридик техника тадқиқотчиларининг аксарияти унинг таркибида қоидалар, усуллар ва воситалар каби таркибий қисмларни фарқлайдилар⁹¹. Юридик техника қоидалари юридик техниканинг илмий-техникавий базаси ҳисобланади. Юридик техника қоидалари деганда ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнига қўйиладиган, юридик техника методларига асосланган конкрет талаблар тушунилади⁹².

Юридик техника қоидаларини қуйидаги учта катта гуруҳга ажратиш мумкин:

⁹¹ Бойко Л.М. Законодательная техника (теория и практика): Дис. ... канд. юрид. наук. Тошкент: ИФиПАН, 1984. - С. 17; Гуломова Г. Қонунчилик ва ўзбек юридик терминологиям // «Тил ва ҳуқуқий тарбия» туркумидан илмий-оммабоп рисола. - Тошкент: ДЖХА, 2002. - Б. 127; Одилқориев Х.Д., Тультеев И.Т., Мухдмедов У.Х. Икки палатали парламент. - Тошкент, 2004. - Б.204; Чухвичев Д.В. Законодательная техника: Учебное пособие для вузов. - М.: Закон и право, 2008. - С.239; Колесник И.В. Проблемы формирования и реализации концепции правоприменительной технологии в современной России. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Р/н Дону, 2007. - С.32;

⁹² Чигидин Б.В. К вопросу о понятии юридической техники // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. - М., 2007. - №3. - С.45

биринчиси - тилга доир қоидалар (юридик матнларнинг аниқлиги, холислиги, тежамлилиги, матнда ишлатиладиган атамаларнинг бир маънолилиги, синтаксик конструкцияларнинг мукаммалиги, нормаларни ифодалаш усулларининг барқарорлиги қоидалари ва ҳоказолар);

иккинчиси — мантиқий қоидалар (объектларни талқин қилишнинг айнанлиги, ҳуқуқий ҳужжат матнини структуралаштириш, ҳуқуқий нормативларнинг кесишувчанлиги қоидалари);

учинчиси - гносеологик қоидалар (ижтимоий ҳодисани унинг мазмуни ва моҳиятига мувофиқ бўлган лингвистик воситалар билан акс эттириш, ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш предметини аниқ белгилаш, ишлаб чиқиладиган ҳужжат контекстини билиш қоидалари).

Адабиётларда қайд этилганидек, юридик техника қоидалари, усуллари ва воситалари сон-саноксиз бўлса-да, уларни гуруҳлар ва кичик гуруҳларга бирлаштириш мумкин⁹³.

Биринчи гуруҳни норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари, усуллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Иккинчи гуруҳга ҳуқуқий қоидалар мазмунининг тўзилиши, услубини оқилона ташкил этиш, юридик нормаларнинг ўзаро алоқасини, уларнинг таркибий қисмлари изчиллигини таъминлаш усуллари киради.

Учинчи гуруҳни ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш қоидалари ва усуллари ташкил қилади.

Тўртинчи гуруҳ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимга солиш ва уларнинг ҳисобини юритиш қоидалари ва усуллари ўз ичига олади. Тизимга солишнинг ҳар бир тури (инкорпорация, консолидация ва кодекслаштириш) ўзига хос хусусиятларга, ўз усуллари ва қоидаларига эга. Ҳужжатлар ҳисобини юритишни ташкил этишнинг барча турлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қонун ҳужжатларини тизимга солиш ва такомиллаштириш юзасидан методик кўрсатмалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

⁹³ Черданцев А.Ф. Юридические конструкции, их роль в науке и практике. *Г*¹ Правоведение. 1972, №3.-С.12

Бешинчи гурухни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш қоидалари, тартиби ва шартлари ташкил этади. Шунинг кайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида қонунларни эълон қилиш ва уларнинг кучга киришини бевосита тартибга солувчи ҳужжат хали қабул қилинганича йуқ. Шунинг эътиборга олиб, "Конституциявий қонунлар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳужжатларини эълон қилиш ва амалга киритиш тартиби туғрисида" қонун қабул қилиш масаласи кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юридик техниканинг ҳуқуқий ҳужжатлар тузилиши, тили, матнни баён этиш мантиқига дахлдор бўлган қоидалари, усуллари ва бошқа жиҳатлари гуруҳига келсак, бу ерда норматив материални зиддиятсиз баён этиш, унинг тўлиқлиги, аниқлиги, тушунарлилиги, тегишли институтлар, тармоқлар ва бутун қонунчилик доирасида амалдаги ҳуқуқий қоидалар билан ўзаро алоқасига дойр талаблар биринчи ўринга чиқади.

Қисқаси, мустақилликка эришган ҳар бир давлат ўз тараққиёт йулини излайди, янги жамият қуришга, ҳуқуқий тизимни шакллантиришга интилади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асосли равишда таъкидлаб ўтганидек: "Мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузумнинг ўз ҳукмини ўтказиш ва бошбошдоклигидан воз кечдик. Одамларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан, шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги маъмурий-хужалик тўзилмалари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил кадам ташладик"⁹⁴. Бу шундан далолат берадики, истиқлол йилларида бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларни шакллантирувчи, демократик сиёсий тизимнинг таркибий тўзилмаларини ҳамда фуқаролик жамиятининг асосларини яратувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатларининг тизимини қарор топтирувчи, ҳуллас, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини барпо этувчи Конституция, конституциявий қонунлар, кодекслар ва кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинишига эришилди.

2.3. Юридик техника методлари, восита ва усуллари мазмуни

⁹⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 171

Хуқуқнинг мазмун ва моҳияти ҳақидаги таълимотлар ўзоқ шаклланиш ва сайкалланиш йулини босиб ўтганлиги тарихдан бизга яхши маълум. Бинобарин, ҳуқуқ серқирра, ғоят мазмундор ижтимоий ҳодиса бўлганлиги боис, унинг турли-туман назариялари, мактаблари қарор топди⁹⁵. Бугунги кунга келиб ҳуқуқ инсоният тафаккури тўплаган илғор, ижобий ғоялар, нормалар, принциплар, кадриятларнинг меъёрлаштирилган мажмуи сифатида майдонга чиқмоқда. Бутун дунёда ҳуқуқни талқин этишда гуманитар ва либертар (яъни, инсонга хизмат қилиш, унинг эркинлигини таъминлаш воситаси сифатида) ёндашув аҳамият касб этмоқда. Ушбу концепцияга биноан ҳуқуқ, энг аввало, эркинлик, тенглик ва адолат мезони, уларни таъминлаш воситаси, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг мулкӣ мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминловчи норматив тизим ҳисобланади.

Хуқуқ назарияси эса, биринчидан, ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини, мафқурани, ҳуқуқӣ онг таркибини; иккинчидан, ҳуқуқ тизимини, нормаларни, уларнинг маъноси, ички тўзилиши ва шакллари, яъни манбаларини, ҳуқуқ;уқ;ий коиданинг матнини, уларни қабул қилиш ва қўллаш жараёнларини⁹⁶; учинчидан, ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар табиатини, ҳуқуқӣ нормаларнинг ҳаракатланиш соҳаларини, ҳуқуқни бузиш ҳамда юридик жавобгарлик ҳодисаларини таҳлил ва талқин этувчи илм соҳасидир. Шунга кўра айтиш мумкинки, юридик техника ҳам юридик билимнинг илмӣ-техникавий соҳасидир. Бу ҳал, юридик техника нафақат амалӣ, балки назарӣ, ғносеологик аҳамият ҳам касб этади, деган ҳулосага келиш имконини беради.

Ҳар қандай илмӣ-техникавий фаолият каби, юридик техника ҳам ғносеологик жихатдан ҳолис бўлиши мумкин эмас. Юқорида кайд этиб ўтилганидек, юридик техниканинг асосӣ вазифаси ҳуқуқ ижодкорининг амрини ҳужжат матнида мумкин қадар тўлиқ ва аниқ акс эттиришдан иборат. У.Тожиҳонов ва А.Саидовларнинг фикрича, бунга муайян ғносеологик амалларни бажармасдан эришиш мумкин эмас⁹⁷.

Бизнингча, юридик техниканинг ғносеологик вазифалари қуйидаги саволларга жавоб беришдан иборат:

- айнан қайси ижтимоий муносабатлар тартибга солиниши лозим;

⁹⁵ Одиқориев Х.,- Замонавий ҳуқуқ назарияси масалаларининг конституциявий талқини // Ҳуқуқ-Право. - 2005. - № 4. - Б. 1

⁹⁶ Алексеев С.С. Восхождение к праву: Поиски и решения. - М., 2001. - С.4-47; Лившиц Р.З. Теория права. -М., 1994.-С.3

⁹⁷ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқӣ маданият назарияси. 2 томли; Т.2. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. - Б. 47

- бу муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлиши мумкинми;
- ушбу муносабатларни акс эттириш учун тилда тегишли тушунчалар мавжудми;
- мазкур муносабатларга ҳуқуқий тартибга солишнинг қайси усули кўпроқ мос келади, тегишинча ҳуқуқ нормалари ва умуман ҳуқуқий ҳужжат қандай тўзилишга эга бўлади;
- бу ёки бошқа шунга ўхшаш муносабатлар илгари тартибга солинганми, агар тартибга солинган бўлса, бу қай тарзда амалга оширилган;
- бу ёки бошқа шунга ўхшаш муносабатлар хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимларида қандай тартибга солинади;
- бу муносабатларни муайян воситалар билан тартибга солишга уринишлар натижасида коллизиялар ёки бушликлар вужудга келиши мумкинми;
- муносабатларнинг тартибга солиниши натижасида ҳуқуқ тизимида қандай ўзгаришлар юз беради.

Ўз ўрнида, мазкур саволларга жавоб бермай туриб, ҳуқуқий ҳужжат матнини яратиш мумкин эмас, чунки мазмунни билмаган ҳолда, унга оқилона даражада мос келадиган шаклни топиб бўлмайди.

Аммо шунинг ҳам ҳисобга олиш лозимки, юридик техника қоидалари қонун чиқарувчининг амрига нисбатан иккиламчидир. Юридик техника гносеологик вазифаларни ҳал қилар экан, борлиқни ҳужжат матнида акс эттиришнинг оқилона йулларини кидиради. Бунда у мазкур акс эттиришнинг муайян намунавий қоидаларини (андозаларини) яратишга ҳаракат қилади. Амрнинг ўзи, яъни жоизлик категорияси давлат амрини ифода этувчининг ваколатига қиради ва моҳият эътибори билан юридик техникага боғлиқ бўлмайди.

Хуллас, ҳуқуқий норманинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги уни акс эттиришнинг техник (тил, мантик) воситалари билан бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ ижодкори фикрининг нотўғри ифодаланиши, академик Ш.Уразаев қайд

эtgанидек, ҳуқуқий андозанинг бўзиб курсатилишига олиб келади ⁹⁸. Ҳамонки, нормани тилдан бошқа воситалар билан ифодалаш мумкин эмас экан, демак, амалда ҳуқуқ ижодкори номидан қандай амр берилган бўлса, шу амр бажарилади. Бинобарин, юридик техника ўзгартирувчи, моделлаштирувчи куч сифатида амал қилади. Ҳуқуқ ижодкорининг мулоҳазаларини қонун ҳужжатлари матнида аниқ ва туғри акс эттириш учун жавобгарлик айнан унинг зиммасига тушади.

Юридик техника методларига унинг илмий-техник базасининг фаол таркибий қисмлари сифатида қаралиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, юридик техника методларига илмий-амалий соҳа сифатида ёндашиш, бизнингча, уринли бўлади. Юридик техника методлари деганда, юридик фан ва амалиёт қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш жараёнига қуядиган умумий талаблар тушунилади.

Юридик техника методларининг қуйидаги гуруҳлари фарқланади: **биринчиси** — ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мазмунини белгиловчи принцип-методлар (яъни объективлик, инсонпарварлик, илмий асосланганлик қабиладар); **иккинчиси** - билишнинг умумий илмий методлари (анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мавҳумлаштириш, аналогия, моделлаштириш ва бошқалар); **учинчиси** - хусусий илмий методлар. Бу гуруҳга юридик фан методлари ҳам, яратилаётган норматив ҳужжатнинг тартибга солиш предметиини ўрганувчи фанларнинг методлари ҳам киради.

Шуни эътиборга олиш лозимки, методлар билимнинг муайян соҳаси доирасида уларнинг универсаллик даражасига қараб шартли равишда тесқари уғирилган пирамида принципага мувофиқ тақсимланади. Ушбу пирамида асосидан нафақат мазкур фан учун, балки бутун илмий билиш учун универсал аҳамият қасб этадиган принцип-методлар, бошқача айтганда, диалектика қонунлари ва категориялари урин олади.

Пирамиданинг навбатдаги поғонасидан формал мантик принциплари (айният, зиддиятсизлик, истисно этилган учинчи, етарли асос қонунлари қабиладар) ўрин эгаллайди. Формал мантиқ методлари ҳам умуммиллий ҳисобланади. Аммо ҳар бир фан контекстида ушбу методларнинг қўлланилиши ўз хусусиятига эга.

⁹⁸ Уразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. - Тошкент: Адолат, 1994. -- Б.71

Кейинги поғонадан ҳуқуқий методлар - юридик техника учун айниқса муҳим бўлган социологик-ҳуқуқий, киёсий, тарихий-ҳуқуқий ва боика методлар ўрин олади.

Пирамиданинг чуққисини комплекс юридик-техник метод эгаллайди. У юридик техникада турли ноюридик фанлар: лингвистика, семантика, информатика, ноанъанавий (масалан, модал) мантикнинг айрим методларидан фойдаланишни назарда тутди. Мазкур фанларнинг методлари айна ҳолда ўзаро бирликда амал киладики, бу ҳуқуқ ижодкорлиги вазифалари билан белгиланади⁹⁹.

Юридик техника воситалари - норматив ҳужжатни тузиш учун қўлланиладиган мантикий-тил, формал-атрибутив (реквизитлар) ва махсус-юридик (конструкциялар, презумпциялар, фикциялар, ҳаволалар, эслатмалар ва ҳоказо) воситалар мажмуи.

Профессор З.М.Исломов юридик техника воситалари каторига: 1) атамашунослик; 2) юридик конструкциялар; 3) презумпциялар ва фикциялар; 4) тизимга солиш кабиларни киритади. Юридик техника масалаларига нисбатан муаллиф ёндашувининг самаралилигини кайд этган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, унинг нуқтаи назари айрим қўшимча ва аниқликлар киритишни талаб этади. Жумладан, тизимга солиш асосан ҳуқуқ ижодкорлиги хусусиятига эга бўлган, юридик жихатдан сермазмун фаолият ва шу маънода у атамашунослик ва юридик конструкциялар билан бир каторга қуйилиши мумкин эмас¹⁰⁰.

Юридик техника воситалари хакидаги масалага нисбатан ёндашувлар гоят ранг-баранг. Бизнингча, уларни қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

- формал-атрибутив воситалар (ҳужжат реквизитлари);
- мантикий воситалар (ҳужжат тузилиши, нормаларнинг ички тузилиши);
- тил воситалари (мазкур тилнинг ифода воситалари мажмуи, шу жумладан атамашунослик, нутқ андозалари, метафоралар, рамзлар ва бошқлар);

⁹⁹ Чигидин Б.В. К вопросу о понятии юридической техники // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. - М., 2007. - № 3. - С.45

¹⁰⁰ Исломов З.М. Законодательная техника и качества законов // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - Б.84-90.

-махсус юридик воситалар (юридик конструкциялар, презумпциялар, фикциялар, ҳаволалар, эслатмалар, далилий изоҳлар, кўшимча шартлар ва ҳоказолар).

Юқорида баён этилганлар юридик техника таркибий қисмлари иерархиявий тузилишга, уларни синонимлар сифатида эътироф этиш амалиёти эса туғри эмас, деган хулосага келиш имконини беради¹⁰¹. Дарҳақиқат, юридик техниканинг методологик базаси ёрдамида олинган янги билим унинг қоидалари мазмунига бевосита таъсир кўрсатади. Юридик техника қоидаларига риоя этишга унинг усулларида туғри фойдаланиш йули билан эришилади. Ниҳоят, юридик техника усулидан фойдаланиш унинг мазкур ҳуқуқ ижодкорлиги вазифасини ҳал қилиш учун зарур бўлган воситалари мажмуини танлашдан бошқа нарса эмас.

Маълумки, "Давлат амри сифатида амал қилувчи барча қонунлар жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Башарти, қонун чиқарувчи идора қонунларни яратиш ишига тегишли юксак масъулият билан ёндашмаса, бунинг натижасида юзага келадиган қонунлар жамият тараққиёти манфаатларига салбий таъсир этиши ҳам мумкин"¹⁰². Демак, давлат амри ҳуқуққа айланиши учун у қонун даражасига кутарилиши лозим. Бунинг учун уни ҳуқуқ тилида ифодалаш талаб қилинади. Айни шу иш юридик атамашуносликка мувофиқ юридик техниканинг махсус воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Бу турдаги юридик техника воситалари номоддий шакллар бўлиб, уларнинг ёрдамида ҳуқуқни яратиш - унинг андозасини, конструкцияларини тузиш, унинг мазмунини юридик шаклга солиш мумкин.

Қуйидагилар бу турдаги юридик техниканинг асосий воситалари ҳисобланади: а) норматив тузиш; б) тизимли тузиш; в) юридик конструкциялар; г) тармокка мувофиқ типлаштириш.

Норматив тузиш. Давлат амрини ҳуқуқ тилига кўчириш, аввало, шундан иборатки, у ҳуқуқий онг категориялари ("ҳуқуқ", "бурч" ва бошқалар)га мувофиқ юридик ва бошқа атамашунослик ёрдамида норматив қоида кўринишида баён этилади. Давлат амрини қоида-норма кўринишида баён этиш ҳуқуқни юридик-техник жиҳатдан яратишнинг бирламчи намунавий андозаси ҳисобланади. Сунгги

¹⁰¹ Кашанина Т.В. Юридическая техника. - М.: ЭКСМО, 2007. - С.512; Чигидин Б.В. К вопросу о понятии юридической техники // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. - М., 2007. - № 3. - С.45; Карташов В.Н. Законодательная технология: понятия, основные элементы, методика преподавания. / В кн.: Законотворческая техника современной России. - Нижний Новгород, 2001. - С. 20-21; Законодательный процесс: Понятие. Институты. Стадии / Отв. ред. Р.Ф.Васильев. - М.: Юриспруденция, 2000. - С.90; Одилокorieв ХД. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни.- Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - Б. 149; Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 49-50.

¹⁰² Чигидин Б.В. К вопросу о понятии юридической техники // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. - М., 2007. - № 3. - С.45

ўн йилликлар давомида мамлакатимизда қонунларнинг шакл ва аниқлигига жуда катта аҳамият бериб келинмоқда ҳамда қонунларнинг тўзилиши, шакли жиҳатидан бир хилликка эришилмоқда¹⁰³. Қонунларнинг ўз кучини йукотган деб топилиши, уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш амалиёти тартибга солинмоқда. Лекин бу борада амалга оширилаётган ижобий ишлар қонун ижодкорлигида мавжуд бўлган камчиликларни ҳам кўрсатмоқда. Амалдаги қонунлар реквизитлари ва булинмаларида учрайдиган ҳар хилликлар, уларнинг тузилиши, ёзилиши, ягона намуналарининг йўқлиги, ҳар хил қонун ҳужжатларида уларнинг номланиши ва тузилмавий бирликларини ракамлашда учрайдиган камчиликлар қонунларни юридик-техник жиҳатдан такомиллашганлигидан далолат бермоқда"¹⁰⁴.

Тизимли тузиш. Қонун чиқарувчининг амрини норматив уюштириш уни коида-нормалар кўринишида ифодалаш билан чекланмайди. Коида-нормалар тизимли тузилишга эга бўлиши, ҳуқуқнинг тартибга солувчи, мажбурий хоссаларини намоён этадиган тарзда ўзаро боғланиши лозим. Бу эса норматив қоидаларни мантикий нормалар кўринишида ифодалашни талаб этади. Норматив баён этишда тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи қоидаларнинг ўзвий боғлиқлигига эришиш айниқса муҳимдир. Бинобарин, "демократия жамиятларда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тарихий ва мантикий аҳамият касб этиши ва бир вақтнинг ўзида мотивацион хусусиятга эга бўлиши лозим. Нормалар мотивацион таркибга эга бўлмаса, умуммажбурий деб қабул қилинмайди ва ўз навбатида, ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларида ҳуқуқий бурчни келтириб чиқармайди"¹⁰⁵.

Юридик конструкциялар - қонун чиқарувчи амрини техник-юридик ифодалашнинг юқори даражаси бўлиб, мантикий нормаларнинг қисмлари ва томонлари ўртасидаги боғланишнинг хусусиятини (моделини) ифода этади. Аксарият тадқиқотчилар, юридик конструкциялар - норматив материални мавжуд ҳуқуқий муносабатлар, юридик фактларнинг муайян типи ёки турига,

¹⁰³ Йулдошев А. Қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан туғри расмийлаштириш - қонунлар сифатини оширишнинг муҳим омили // Қонунчилик ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: Назария ва амалиёт муаммолари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - Б.1 10

¹⁰⁴ Одилқориев Х-Т., Тультеев И.Т., МухдмедовУ.Х. Икки налагали парламент. - Тошкент, 2004. - Б.67

¹⁰⁵ Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б.74

уларнинг ўртасидаги боғланишга мос келадиган тарзда тузиш, деб хисоблайдилар¹⁰⁶.

Юридик конструкциялар ҳуқуқ ижодкорлиги (асосан кодекслаштириш) тажрибасига мувофиқ таркиб топтирилади. Бунда норматив материални тузишнинг мақсадга мувофиқ моделлари танлаб олинади, эскирган моделлардан эса воз кечилади. Уларни яратишда ҳуқуқ фани катта роль уйнайди. У нафақат амалиётда вужудга келган намунавий конструкцияларни назарий жиҳатдан мустаҳкамлайди ва англаб етади, балки уларни ривожлантириш масаласини ҳам қўяди.

Тармоққа мувофиқ типлаштириш. Ҳуқуқий муносабатнинг тўзилмавий типи қонун чиқарувчининг амрини ҳуқуқ тилида баён этишни таъминловчи ўзига хос конструктив модел хисобланади. Норматив қоидаларни тизимли уюштириш учун улар шундай баён этилиши лозим, яъни бунда нафақат мантикий нормалар ва изчил юридик конструкцияларни вужудга келтиради, балки ҳуқуқнинг муайян тармоғига киритилади, тармоқдаги ҳуқуқий муносабатга хос жиҳатларга мос келади. Бунга мазкур қоида тармоқ кодекслаштирилган ҳужжатига киритиш, уни умумий нормаларнинг муайян тизимига бўйсундириш, тармоқ атамашунослигидан фойдаланиш ва ҳоказолар йули билан эришилади.

Қонун чиқарувчининг амрини "ҳуқуқ тили"да ифодалашнинг ўзи кифоя эмас у ҳужжат қурилишида ҳам баён этилиши лозим.

Ўз ўрнида, бу турдаги юридик техника воситалари ҳуқуқнинг тузилмавийлиги билан боғлиқ. Аммо улар норматив ҳужжатлар мазмунига (уларнинг мазмунини юридик жиҳатдан акс эттиришга) эмас, балки ҳужжат матнига, унинг ташқи тузилиши, ҳужжат сифатидаги қурилишига тегишли.

Мазкур турдаги юридик техника воситалари қонун чиқарувчининг тегишли тарзда ифодаланган амрини қайд этиш, мустаҳкамлаш шаклларидир. Уларга юридик атамашунослик ёрдамида тузилган ҳужжат матни (унинг реквизитлари ва таркибий тузилиши) киради. Қонун чиқарувчининг амрини ҳужжат қўрилишида баён этиш билан ҳуқуқий ҳужжатлар услуби (қонунчилик стилистикаси) ҳам боғлиқ. Зеро, таърифларнинг ноаниқлиги, тушунчалар ва атамаларни бир хилликда ошамаслик норматив ҳужжатни нотўғри тушуниш ва қўллашга, унинг асл маъносидан чекинишга олиб келади¹⁰⁷.

¹⁰⁶ Бахвалов С.В. Законодательная технология (некоторые проблемы теории и методологии). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2006. - 32 с.; Доценко Т.А. Сущность юридических конструкций // Проблемы юридической техники (Сб. статей / Под ред. В.М.Баранова). - Н. Новгород, 2000. - С.56; Законодательная техника: Научно-практическое пособие / Под ред. Ю.А.Тихомирова. - М., 2000. - С.9; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. -Б. 631-632.

¹⁰⁷ Одилқориев Х.Д., Тультеев И.Т., Мухдмедов У.Х. Икки палатали парламент. - Тошкент, 2004. - Б. 177

Ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш қоидаларидан ташқари, "юридик техника" тушунчасининг мазмунига ҳуқуқ нормаларини таърифлаш усуллари ва воситалари ҳам киритилади. Юридик техника усуллари яратилаётган ҳуқуқий ҳужжат муаллифларининг юридик техника воситаларидан унинг қоидаларига мувофиқ фойдаланишга қаратилган ҳаракатларидир.

Юридик техниканинг норматив ҳужжатлар учун умумий аҳамият касб этадиган ушбу воситалари билан бирга, ҳуқуқнинг айрим соҳаларида асосан ҳуқуқнинг формал белгиланганлигини таъминлаш учун қўлланиладиган алоҳида воситалар — презумпциялар ва юридик фикцияларни ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Конун чиқарувчи амрини индивидуал ҳужжатларда акс эттириш воситалари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай воситалар қаторига юридик конструкциялар, ҳуқуқий дефинициялар, таснифлар, эслатмалар, адвоклатлар, қўшимча шартлар, далилий изоҳлар, ҳуқуқий рамзлар ва ҳоказолар киради.

Юридик техника усулларини техник фаолият даражасига, яъни технологик бўғинга киритиш лозим.

Адабиётларда келтирилган юридик техника усулларининг таснифлари ниҳоятда хилма-хилдир. Жумладан, Ф.Жени юридик техника усулларини икки асосга кура фарқлайди: 1) нормаларни умумлаштириш даражасига кура (абстракт ва казуистик); 2) нормаларни баён этиш усулига кура (туғридан-туғри, бланкет, ҳаволаки).

Б.В.Чигидин юридик техника усуллари сирасига санаб ўтиш таърифлаш, таснифлаш, юридик конструкция, презумпция ва фикцияни киритади. Юридик техника воситалари конун чиқарувчи амрини юридик акс эттириш ва ташқи баён этиш воситалари мажмуи бўлса, техник-юридик усуллар (юридик технология) кўрсатилган воситалардан оқилона фойдаланиш тартиби, усуллари мажмуини ташкил этади. Шундай қилиб, юридик техника таркибий қисмларининг "занжири" қуйидаги кўриниш касб этади: техника воситалари - техник-юридик усуллар - техника қоидалари.

Юридик техниканинг иккала турига мансуб бўлган техник-юридик усуллар - конун чиқарувчи амрини юридик акс эттириш усуллари ҳам, уни ташқи баён этиш усуллари ҳам бир-бирига кўп жиҳатдан мос келади.

Яъни уларнинг барчаси атамашунослик билан, норматив ҳужжатнинг ташқи -ҳужжат сифатидаги кўриниши, унинг матни билан, баъзан конун чиқарувчи амрини норматив тузиш, юридик конструкциялар, ҳуқуқий қоидаларни тизимли баён этиш билан боғлиқ бўлади.

Конкрет курсаткичларни умумлаштириш даражасига кўра абстракт ва казуистик усуллар фарқланади¹⁰⁸.

¹⁰⁸ Чухвичев Д.В. Законодательная техника: Учебное пособие для вузов. - М.: Закон и право, 2008. -239 с.

Абстракт (умумлаштирувчи) усул — ҳуқуқ нормаларини таърифлашнинг шундай бир усулики, бунда фактик маълумотлар умумлаштирувчи таъриф билан камраб олинади. Масалан, "шахснинг ҳаракатларида айб мавжуд булмаса, у жавобгарликдан озод қилинади" норматив қоидада "айб мавжуд булмаса" сўзлари умумлаштирувчи таъриф ҳисобланади. У шахс ўз ҳуқ-атворининг ғайриқонуний оқибатларига кўзи етмаган ва мазкур иш ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ҳам бўлмаган барча ҳолатларни камраб олади.

Норматив материални баён этишнинг абстракт усули ҳуқуқий маданиятнинг ва юридик фан ривожланишининг юксак даражасига мос келади. У мазкур турдаги барча фактларни қисқа таърифларда камраб олиш имконини беради. Аммо баъзан индивидуал ҳолатлар, фактлар, муайян шахсларни туғридан-туғри ва аниқ кўрсатиш, яъни казуистик усулни қўллаш талаб этилади. Ушбу усул юридик нормаларни амалдаги ҳолатларга осонгина татбиқ этиш имконини беради (масалан, жавобгарликдан озод қилиш туғрисидаги масалани умумлаштирувчи таърифдан кўра муайян фактлар конкрет рўйхатига мувофиқ; ҳал қилиш осонроқ кечади). Аммо буларнинг барчаси казуистик усулнинг қуйидаги муҳим бир қамчилигини бартараф эта олмайди, яъни конкрет фактлар рўйхати қанча муқаммал бўлмасин, у мазкур турдаги барча фактларни камраб ололмайди.

Юридик норма таркибий қисмларини баён этиш усулига кўра уч усул фарқланади: туғридан-туғри, ҳаволаки ва бланкет усуллар фарқланади. Шунга монанд равишда юридик нормаларнинг тегишли турлари, шу жумладан туғридан-туғри, ҳаволаки ва бланкет нормалар ҳам фарқланади.

Норма туғридан-туғри баён этилганда, унинг барча таркибий қисмлари норматив ҳужжатнинг бир моддасида туғридан-туғри таърифланади. Айни чоғда "бир-бирига туғридан-туғри ва бевосита алоқадор бўлмаган, мазмунига зиён етказмасдан турли моддаларда таърифлаш мумкин бўлган ҳуқуқий нормалар бир моддада ифодаланишига йул қўмаслик лозим"¹⁰⁹.

Баён этишнинг ҳаволаки усулида норманинг айрим таркибий қисмлари бир моддада таърифланмайди, унда керакли қоидалар ифодаланган бошқа моддага ҳавола қилинади. Баён этишнинг бу усули норматив материал қисмлари ўртасида алоқа ўрнатиш ва такрорлашга йул қўймаслик учун қўлланилади. Бу борада ҳуқуқшунос олимлар асосли равишда эътироф этганларидек: "Нормаларни тушунишни енгиллаштирувчи, уларнинг бошқа кўрсатмалар билан алоқасини кўрсатувчи ҳаволалар қонун ҳужжатларида муҳим ўрин тутди. Ҳаволалар норматив ҳужжатнинг ихчамлигини таъминлайди, матнни ўзайтирувчи кераксиз такрорлашга чек қўяди. Шу таъриф ҳужжатда норматив материални баён этишда оқилона мухтасарликка эришилади. Ҳаволалар ҳуқуқ нормаларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини аниқроқ қайд этиш имконини беради. Айни норматив ҳужжатнинг бошқа моддаларига ҳаволалар қилинган ҳолларда

¹⁰⁹ Одилқориев Х., Т., Тультеев И.Т., Мухамедов У.Х. Икки налагали парламент. - Тошкент, 2004. - Б. 169

норматив ҳужжатларни ҳаволалар билан қабул қилиш амалиёти асосан ўзини оқлайди. Бошқа норматив ҳужжатларнинг моддаларига ҳаволалар қилиш ҳуқуқий нормаларни тушунишни анча кийинлаштиради"¹¹⁰.

Баён этишнинг бланкет усулида ҳам нормаларнинг айрим таркибий қисмлари туғридан-туғри таърифланмайди, аммо етишмаган таркибий қисмлар ўрни бирон-бир аниқ кўрсатилган норма билан эмас, балки вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин булган муайян турдаги қоидалар билан тулдирилади. Бошқача айтганда, бунда "очик бланк" берилади, қоидалар турига ҳавола қилинади. Баён этишнинг бланкет усули нафақат кераксиз такрорларга чек қуйиш, балки жорий қонунчилик (қоидалар) ўзгарганда ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларда қонунларнинг матнларини таърифлаш, маълум луғат бойлигидан юридик конструкцияларда фойдаланиш бўйича норматив қоидалар белгиланган¹¹¹. Бунга Германияда нашр этилган "Норма ижодкорлиги бўйича маълумотнома" мисол бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда, масалан, Франция, Буюк Британия, Канада, Испанияда миллий тиллардан нафақат маънавий-маданий соҳада, балки маъмурий-давлат фаолияти, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий амалиётда ҳам оқилона фойдаланишга катта эътибор берилади. Глобаллашув, халқаро алоқаларнинг кенгайиши, аксарият юридик тартиб-таомилларнинг бир хиллиги муқаррар тарзда ўзига хос юридик "эсперанто" яратилишига, халқаро атамашунослик, хорижий лексика кенг қўлланилишига олиб келмоқда. Бу ерда ҳуқуқ ижодкорлигининг умумий қоидаси хорижий атамалардан фойдаланишга улар тушунарли бўлган ва миллий тилда тегишли атама мавжуд бўлмаган ҳолларда йул қуйилишини назарда тутати¹¹².

Норматив ҳужжат мазмунига кўра юридик техниканинг **лингвистик, мантиқий ва гносеологик** усуллари фарқланади.

Ўз-ўзидан равшанки, методлар ёрдамида юридик техника ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган янги билимни олади ва

¹¹⁰ Одилқориев Х.Д., Тультеев И.Т., Мухамедов У.Х. Икки палатали парламент. - Тошкент, 2004. - Б. 170-171.

¹¹¹ Язык закона / Под ред. А.С. Пиголкина. - М., 1990; Власенко Н.А. Язык права. - Иркутск, 1997; Черданцев А.Ф. Логико-языковые феномены в праве, юридической науке и практике. - Екатеринбург, 1993; Губаева Т.В. Язык и право. - М., 2003; Ивакина Н. Русский язык российского права // Российская юстиция. - 2000. - № 7.
* Каранг: Справочник по нормотворческой технике / Пер. с нем. 2-е изд., перераб. - М., 2002. - С.296

¹¹² Денисов Г.И. Юридическая техника: теория и практика // Журнал российского права. - 2005. - № 8. - С.3

ўзлаштиради. Юридик техника усулларида бу билим ҳуқуқ ижодкори фаолиятининг ўзига хос андозаси сифатида мужассамлашади¹¹³.

Техник жиҳатдан расмийлаштириш талабларига мувофиқ юридик техника усулларининг икки асосий турини фарқлаш мумкин:

1. Норматив ҳужжатларнинг ташқи кўринишига тааллуқли бўлган усуллар. Ҳар бир норматив ҳужжат унинг юридик кучини, тартибга солиш предметини, амал қилиш соҳасини ифодалайдиган, унга расмий тус берадиган тегишли реквизитларга эга бўлиши лозим.

2. Норматив ҳужжатнинг мазмуни ва тузилишига тааллуқли бўлган усуллар. Норматив ҳужжат турдош ижтимоий муносабатларни тартибга солишга мулжалланган ва аниқ тартибга солиш предметига эга булиши зарур. У хилма-хил тур ва типдаги муносабатларни тартибга солиши мумкин эмас. Ҳуқуқнинг турли тармоклари тартибга солиш предметини ташкил этадиган муносабатлар алоҳида ҳужжатлар билан тартибга солиниши лозим.

Норматив ҳужжатда мазкур муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган барча масалалар ҳал қилиниши даркор. Бинобарин, норматив ҳужжат камчиликлардан холи бўлиши керак.

Юқорида айтилганлар, юридик техника усулларини икки гуруҳга ажратиш лозим, деган хулосага келиш имконини беради. Биринчи гуруҳга ҳуқуқий ҳужжат матнини яратишни, шунингдек, унинг тузилишини белгилаш билан боғлиқ усуллар (матнни рубрикация қилишни амалга ошириш, унинг таркибий қисмларини рақамлаш, сарлавхалар ва муқаддимани таърифлаш, реквизитлардан фойдаланиш, эслатмалар ва ҳаволаларни шакллантириш)ни киритиш лозим. Техник-юридик усулларнинг иккинчи гуруҳига бевосита ҳуқуқ нормаларини таърифлашга қаратилган усуллар киради. Ушбу гуруҳни ўз навбатида икки кичик гуруҳга ажратиш мумкин: а) норманинг лингвистик-мантиқий тузилиши билан боғлиқ бўлган усуллар (лексик ва синтаксик воситаларни танлаш, дефинициялаш, фактларни санаш); б) мазмун ва билишга доир вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ; усуллар (конструкциялар, презумпциялар ва фикциялардан фойдаланиш, норманинг модаллигини акс эттириш кабилар). Қисқаси, "Юридик атамаларни яхши билиш, ҳуқуқий кўрсатмаларни баён этиш восита ва усулларини туғри қўллаш, умуман, юридик техникани чуқур эгаллаш норматив ҳужжатларни тузувчиларга камчиликларга йул қуймаслик имконини беради"¹¹⁴.

¹¹³ Чигидин Б.В. К вопросу о понятии юридической техники // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. -2007. -№3. -С.45

¹¹⁴ Одилқориев Х.,Т., Тультеев И.Т., Мухамедов У.Х. Икки палатали парламент. - Тошкент, 2004. Б. 180

Умуман олиб қарайдиган бўлсак, ҳозирги мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ўзагини ташкил этаётган ҳуқуқий доктрина табиий ҳуқуқ таълимоти, умуминсоний, умумбашарий ҳуқуқий кадриятлар билан халқимизнинг бир неча минг йиллардан бери сайкалланиб келаётган тарихий, миллий, ҳуқуқий ва маънавий кадриятларнинг мутаносиблиги асосида яратилаётганлигидан далолат беради. Шу боис ҳуқуқнинг биздаги ҳозирги замон талқини қуйидагича ифодаланади, яъни ҳуқуқ - ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолат ва тенгликни вужудга келтириш воситаси. Ҳуқуқнинг бундай талқини ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онгда туб бурилиш бўлиб, у ўзбек ҳуқуқ назариясини, шу жумладан юридик техникани адолат ва демократия ғоялари асосида ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганини кўрсатади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, "Бизда шурулар замонида ҳуқуқшунослар бор бўлгани билан ўзбек ҳуқуқшунослик фани мавжуд эмасди. Ҳозир биз дунё тан олган ҳуқуқшунослик фанига эгамиз. Фуқаролик жамияти ва шарқона демократик давлат назарияси ишлаб чиқилмоқда, олдимизда... демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек улут ғояни амалга ошириш вазифаси турибди"¹¹⁵.

II бобга хулоса

Юридик техниканинг мақсади юридик фаолиятни оқилоналаштириш, юридик ҳужжатларнинг аниқлиги, соддалиги, тилининг раволиги, қисқалиги бир андозалилигига эришишдан иборат.

Адабиётларда юридик техниканинг қуйидаги принциплари фарқланади ҳуқуқий тараққиётга қараб йуналиш олганлик тушунчаларнинг аниқлиги; норматив-ҳуқуқий эҳтиёжларни аниқ акс эттириш; умумий ижтимоий қонунийлик ва белгиланганлик; илмий асосланганлик; тизимлилик ва модал мутаносиблик; профессионализм (компетентлик), ретрибутив таъминланганлик.

Юридик техника: а) техник усуллар ва воситаларнинг мазкур мажмуи ёрдамида яратиладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларига кўра; б) бу усуллар ва воситаларнинг мазмунига кўра таснифланади.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларига кўра юридик техника: 1) қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги) техникаси ва 2) индивидуал ҳужжатлар техникасига бўлинади. Индивидуал ҳужжатлар техникаси асосан муайян юридик фанларда (процессуал ҳуқуқ фанлари, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқа фанларда) ўрганилади. Ҳуқуқнинг умумий назариясида қонунчилик техникаси айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Техник-юридик воситалар ва усуллар ўз мазмунига қура икки гуруҳга бўлинади, булар биринчиси - қонун чиқарувчи амрини (ёки индивидуал ҳужжат субъекти амрини) юридик жихатдан акс эттириш воситалари ва усуллари;

¹¹⁵ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б.20

иккинчиси - ҳужжат мазмунини сўз билан ҳужжатли баён этиш воситалари ва усуллари.

Юридик технологиялар ривожланишининг ҳозирги йуналишлари орасида нейро-лингвистик юридик технология ҳам фарқланади. У қонун тилини такомиллаштириш, унинг инсонга мотивацион таъсирини кучайтириш масалалари билан шуғулланади. Бу технология чет мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги амалиётига аста-секин жорий этилмоқда. Масалан, Франция ва Канадада қонунлар лойиҳаларини тайёрлашга лингвист-юристлар жалб қилинади. Юридик технологиянинг мазкур йуналиши Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда истикболдир.

Ўзбекистон Республикасида қонунларни эълон қилиш ва уларнинг кучга киришини бевосита тартибга солувчи ҳужжат ҳали қабул қилинганича йўқ. Шунинг учун олиб, "Конституциявий қонунлар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳужжатларини эълон қилиш ва амалга киритиш тартиби туғрисида" қонун қабул қилиш масаласи кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ булар эди.

Шу билан бирга, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ўзаро нисбатининг ҳозирги ҳолатини муваққат, мажбурий деб баҳолаган ҳолда, қонунлар ва бошқарув органларининг ҳужжатлари ўртасида мувозанат ўрнатадиган норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш борасидаги ишни давом эттириш лозим бўлади. "Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби туғрисида"ги қонун, ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда идоравий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари шундай ҳужжатлар сирасига кириши мумкин.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУНЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЮРИДИК ТЕХНИКАНИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришнинг амалий жиҳатлари.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиётини босқичма-босқич ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислохотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Бу борада, профессор А.А.Азизхужаев ҳақли равишда таъкидлаганидек, мустақиллик йиллари "одамлар ҳаётида ҳам, дунёқарашида ҳам, юртимиз тарихида ҳам, туб бурилишлар даври бўлди. Жамият бутунлай янги қиёфа, янги мазмун касб этди.

Одамларнинг турмуш тарзи ўзгарди. Янгича яшаш тарзи эса бевосита онг ва тафаккуримизнинг ўзгаришига, ҳаётга янгича қарашга замин яратди"¹¹⁶.

Айниқса, истиқлол боис давлат-ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши, шу жумладан Республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан парламент тизими ислоҳ қилиниб, икки палатали парламент тизими жорий этилиши, қонунларни қабул қилиш технология ва тартиб-таомилларининг ривожланган ҳуқуқий давлатлар тажрибаси ҳамда миллий кадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда мазмунан ўзгартирилиши бу борада қуйилган муҳим қадамлардан бўлди. Парламент ислохотларининг асосий мақсади юридик техниканинг таркибий қисми бўлган қонун ижодкорлиги жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, бунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари ва Олий Мажлис палаталари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш тартиб-таомили, умуман, юридик технологиясига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонун ижодкорлиги - бу муттасил ривожланиб борадиган том маънодаги ижодий жараён. Ушбу жараёни янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш - давр тақозоси. Қонун ижодкорлиги муайян принцип ва тартиб-таомиллар, усул ва қоидалар асосида амалга оширилади. Гарчи мамлакатимизда истиқлол йилларида қонун ижодкорлигининг ўзига хос ўзбекона йули шаклланган бўлса-да, бироқ қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг пухта ишлаб чиқилган стратегияси ва тизими йуқлиги долзарб муаммолардан саналади¹¹⁷.

Бинобарин, қонун ижодкорлиги стратегиясининг роли ва аҳамияти ҳозирги замон юридик фани ва амалиёти тизимида бениҳоят катта. Зотан, лойиҳалаштирилаётган қонун ҳужжатининг мазмунини ташкил этадиган

¹¹⁶ Азизхужаев А. Давлатчилик ва маънавият. - Тошкент: Шарқ, 1997. - Б.97

¹¹⁷ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 126

масалаларга доир илгари қабул қилинган нормаларни аниқлаш ва синчиклаб ўрганиш қонун ижодкорлиги сифати юксак даражасининг зарурий омили ҳисобланади. Янги қонун ҳуқук тизимига кўшилиб, ўзидан олдин қабул қилинган қонун ҳужжатларига маълум даражада таъсир кўрсатади, шу сабабли уни самарали норматив тартибга солиш унинг миллий қонунчилик тизимидаги урни ва ролини расмий белгилашни такозо этади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда икки палатали парламент ташкил этилиши билан қонунлар сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ортди. Қонунлар сифати куп жиҳатдан юридик техникани такомиллаштириш билан белгиланади. Қонун ижодкорлиги жараёни ҳам мураккаблашди. Қонун ҳужжатларини қабул қилишда сиёсий партиялар роли ошди, қонунлар лойиҳаларини партияларнинг фракциялари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш, ҳужжатларнинг лойиҳалари Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисларида муҳокама қилинганда фракциялар фикрини мажбурий тинглаш амалиёти вужудга келди¹¹⁸.

Қонунлар сифатини ошириш — давр талаби ва бу муаммони хал этишга мамлакатнинг барча юридик куч ва имкониятларини сарфарбар қилиш лозим. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг нормативлиги, конкретлиги ва юридик асосланганлигини кучайтириш, уларнинг декларативлигига бутунлай барҳам бериш даркор. Қонун ижтимоий-сиёсий шиор эмас, балки юридик ҳужжат бўлиши лозим. Шундагина у фуқаролик жамиятининг демократик ва ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини руёбга чиқаришнинг кафолатига айланиши мумкин.

Қонун ижодкорлиги жараёни - давлат фаолиятининг муҳим йуналишларидан бири бўлиб, "унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар ва уларни амалга ошириш тартиби конституцияда белгилаб қўйилади"¹¹⁹. Қонун ижодкорлиги жараёни *ҳуқуқий* нормаларни яратиш ёки давлатда амал қиладиган шундай нормаларни ўзгартириш билан боғлиқ; булган, алоҳида билим ва куникмаларни талаб этадиган ўзига хос интеллектуал фаолият. Ҳуқуқ ижодкорлигининг натижалари - қонунлар ва бошқд норматив ҳужжатларга қараб муайян давлат ҳақида, унинг демократиклик, маърифатлилик ва маданиятлилик даражаси ҳақида ҳукм чиқарилади. Кишилиқ жамияти аниқ ва мукамал қонунларга, давлатнинг уни ҳеч муболағасиз ҳуқуқий, деб номлаш имконини

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ, // А.А.Азизхужаев, Г.Абдумажидов, М.А.Ахмадшаева ва бошқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б. 315-326.

¹¹⁹ Одилқориев Х.,Т., Тультеев И.Т., Мухдмедов У.Х. Икки палатали парламент. - Тошкент, 2004. - Б.82

берадиган, ҳукук нормаларини, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳулк-атвор қоидаларини яратишга қаратилган фаолиятига ҳар доим эҳтиёж сезган.

Айрим муаллифларнинг фикрича, ҳукуқий тартибга солиш доираси деганда, ҳукуқ амал қиладиган ижтимоий маконни тушуниш лозим¹²⁰. Тартибга солиш доирасини қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин: эҳтимол тутилган (потенциал) тартибга солиш доираси тартибга солиш зарур бўлган доира қонун йули билан тартибга солиш доираси ҳукуқни амалга оширувчи тартибга солиш доираси.

Давлат таъсири чегарасига икки нуктаи назардан: а) унинг мумкинлиги; б) унинг зарурлиги нуктаи назаридан ёндашиш мумкин. Ижтимоий муносабатларни ҳукуқий тартибга солишнинг юқори чегараси мумкинлик чегараси ҳисобланади.

Қонун ижодкорлиги жараёни - бошқарув табиатига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодиса. У жамиятни давлат томонидан бошқариш шаклларида бирийдир. Ҳар қандай ижтимоий жараён каби, қонун ижодкорлиги ҳам ҳукуқ ва ҳукуқий нормалар орқали амалга ошириладиган онгли, изчил фаолият ҳисобланади¹²¹. Ижтимоий ва юридик ҳодиса сифатидаги ҳукуқ ижодкорлиги туғрисида сўз юритганда, унинг фаолият доирасини норматив ҳужжатлар қабул қилиш билангина чегаралаш мумкин эмас. У ўз ичига кенг жараёнларни норматив ҳужжатни тайёрлаш, ҳукуқни вужудга келтирадиган у ёки бу ижтимоий муносабатларни ҳукуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, тартибга солиш йуналиши ва хусусиятини белгилаш кабиларни қамраб олади.

Ҳар қандай процессуал фаолият каби, ҳукуқ ижодкорлиги ҳам юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширишнинг расмий тартиби ҳисобланади. Масалан, бунда норматив ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилишга доир ҳукуқий муносабатлар, яъни тегишли ҳукуқлар ва бурчлар юзага келади. Бундай ҳукуқий муносабатлар давлат-ҳукуқий (қонунчилик ташаббуси, қонунни қабул қилиш ва бошқалар) ва маъмурий-ҳукуқий (буйсунувчи органга лойиҳани тайёрлаш ҳақида топшириқ бериш) хусусият касб этади.

Маълумки, шакл ва мазмун жихатидан сифатли ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилиш асосан лойиҳа устида ишлаш ва бу ишни ташкил этишнинг туғри йулга қўйилган технологиясига, илмий-ахборот таъминоти, мавжуд ҳукуқни қўллаш амалиёти ва хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олишга

¹²⁰ Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Ўзбекистан: Автореф. дис. ... док. юрид. наук. - Ташкент: АГОС при Президенте Республики Ўзбекистан, 2000. - С.44

¹²¹ Исломов З.М. Давлат ва ҳукук назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б. 595

боғлиқ бўлади. Бу тайёрланаётган лойихалар сифатини кафолатлашга кўп жиҳатдан кўмаклашади, шунингдек, пухта уйланмаган ҳуқуқ ижодкорлиги қарорлари қабул килинишига йул куймаслик имконини беради.

Ҳуқуқий қарорлар сифатини ошириш, самарасиз норматив ҳужжатлар сонини мумкин қадар камайтириш ҳуқуқий давлат қуриш йулида фаолият олиб бораётган қонун чиқарувчининг доимий вазифасидир ¹²². Ҳуқуқ нормаларини яратиш жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти айтиш мумкин бу ҳолат билан изоҳланади. Қонунларнинг "истеъмолчилари" жамият аъзолари ҳисобланади, шу сабабли пухта уйланмаган ва оқилона бўлмаган қарорлар қабул килинишига йул куйиш мумкин эмас. Чунки, қонун чиқарувчининг ҳар қандай хатоси беҳуда моддий харажатларга ва энг ачинарли томони фуқароларнинг манфаатлари бузилишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ҳуқуқ ижодкорлигининг назарий муаммоларини юридик фан ва амалиёт нуқтаи назаридан англаб етиш, шунингдек, ҳуқуқ яратиш теран жараёнларини, ҳуқуқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари билан белгиланганлигини тушуниш ҳуқуқнинг ролига янада теранроқ баҳо бериш, давлат органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг муҳимлиги ва серқирралигини, бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва амалга татбиқ этишда ҳуқуқшунос фаолиятининг аҳамиятини тўла англаб етиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида юридик техниканинг ҳуқуқий асослари, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларида мустаҳкамланган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 16-моддасида шундай дейилади: "Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас"¹²³.

Юқоридаги конституциявий тамойил билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатларига қўйиладиган умумий талаблар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати туғрисида"ги Конституциявий Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси Олий

¹²² Петрова И.Л. Правовой синтаксис: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Владимир, 2006. - С.22

¹²³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.6

Мажлисининг Қонунчилик палатаси туғрисида"ги Конституциявий Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти туғрисида"ги Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти туғрисида"ги Қонуни, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби туғрисида"ги Қонунларида ўз ифодасини топган. Охирги қайд этилган қонунда қонун ижодкорлиги жараёнининг муҳим таркибий қисмлари, чунончи, қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиби; қонун лойиҳасининг концепциясига, унинг тузилиши ва шаклига қўйиладиган талаблар; қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолатини ва ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини ўрганиш методикалари; қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро тажрибани ҳисобга олиш, шунингдек, жамоатчилик фикрини ўрганиш мезонлари белгиланган.

Қонун ижодкорлиги жараёнида юридик техника қоидаларини тартибга солувчи асосий ҳужжат "Қонун лойиҳалаш фаолиятини амалга оширишда қонунлар лойиҳаларини юридик-техник расмийлаштириш бўйича методик тавсиялар" бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2005 йил 27 июнда қабул қилинган "Қонунлар лойиҳаларини юридик-техник расмийлаштириш бўйича методик тавсиялар туғрисида"ги 73-1-сон Қарори билан тасдиқланган¹²⁴.

Ўз урнида, қонунчиликнинг самарадорлиги фақат қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ҳал қилингандагина таъминланишини қайд этиш жоиз.

Қонунчиликнинг самарадорлиги қуйидаги бир катор омиллар билан белгиланади:

Биринчи омил - қонунчиликни такомиллаштириш. Маълумки қонунчилик мазмун жихатидан ҳам, техник-юридик жихатдан ҳам сифат мезонларига мувофиқ бўлиши лозим. Лекин бугунги кунда миллий қонунчилигимизни давр талабларига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Буни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин биринчидан, қонун ҳужжатларини ўзгартиришда шошма-шошарликка йул қуйилиши; иккинчидан, қонун ҳужжатларининг купайишида тартибсизлик; учинчидан, қонунлар лойиҳаларини яратиш жараёнида йул қўйиладиган қонун ижодкорлиги хатоларининг мавжудлиги (бу хатолар ҳуқуқий

¹²⁴ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари туплами. -2005. -№7. - 55-модда; -№15-16. -116-модда; -№32-33. -248-модда; -2006. -№48-50. 83-модда.

тартибга солиш механизмини танлашда; ҳуқуқий материалга ишлов беришда; қонун тилига қўйиладиган талабларни бўзишда; тизимли хусусиятга эга хатоларга, шунингдек, ҳисоблашлар, рақамларда, ҳатто моддаларни ва моддаларнинг бандларини рақамлашда фактик хатоларга йул қуйишда намоён бўлади).

Иккинчи омил - ҳуқуқни қўллашнинг тўлақонлилиги. Ҳуқуқни қўллаш мураккаб механизм бўлиб, у моддий-ҳуқуқий, процессуал, ташкилий ва бошқа алоқалар ҳамда муносабатларни ўз ичига олади. Ўз урнида, мазкур механизм ҳам қонунчилик мақсадларига эришишга қаратилиши лозим.

Учинчи омил - юксак ҳуқуқий онг. Фуқаролар қонунни қай даражада мукаммал билишлари эмас, балки унга қай даражада ижобий баҳо беришлари муҳимдир. Шунинг учун ҳам "Биз... аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун мақсад қилиб қуйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик"¹²⁵.

Шу билан бирга, қонунчиликнинг самарадорлигини ошириш вазифасини фақат янги юридик технологиялардан мохирона фойдаланиш йўли билангина ҳал қилиш мумкин. Юридик технологиялар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини юксак даражада таъминлаш, ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигига эришиш имконини беради.

"Юридик технология" тушунчаси юридик қарорларнинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида зарур ресурслардан (молиявий, ташкилий, кадрлар ва бошқалардан) оқилона фойдаланиш имконини берадиган илмий асосланган усуллар ва ҳуқуқий воситалар тизими сифатида тавсифланади.

Тегишли адабиётларда юридик технологияларнинг бир қатор асосий турлари ва уларнинг ривожланиш йўналишлари фарқланади¹²⁶. **Юридик технологияларнинг классик тури (биринчи йўналиш)** юридик техника ҳисобланади. Юқорида кўриб ўтганимиздек? юридик техника - норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва тизимга солиш қоидалари, воситалари ва усуллари мажмуи. Юридик адабиётларда қонунчилик техникаси масалалари нисбатан кенг урганилган, аммо мазкур тушунчанинг мазмуни хусусида умумий фикрга келинмаган. Бугунги кунда қонунлар лойиҳаларини

¹²⁵ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йулида. Т. 16. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б. 14

¹²⁶ Правоведение. - 2006. - № 2. - С. 182-198.

тайёрлаш ва расийлаштиришнинг илмий асосланган ягона коида ва усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон ҳуқуқий технологиялари ривожланишининг иккинчи йуналиши - ҳуқуқий мониторинг ҳисобланади. Ҳуқуқий мониторинг деганда, қонунчиликни яратиш ва қўллашнинг барча босқичларида унинг ҳолатига тизимли баҳо бериш борасидаги комплекс фаолият тушунилади. Ушбу йуналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг сирасига қонунларни амалга оширишнинг намунавий кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш; ҳуқуқий вазиятларни (мамлакатда, минтақда, ижтимоий гуруҳда, жисмоний ёки юридик шахслар тоифасида) **таъуғал (120 б)** қилиш ва уларга баҳо бериш методикаларини, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолатини ва унинг ривожланиш тенденцияларини оммавий муҳокама қилиш механизмларини яратиш кабиларни киритиш лозим.

Учинчи йуналиш - бу қонунчиликнинг ривожланишини комплекс, тизимли тадқиқотлар ўтказиш йули билан илмий лойиҳалаш. Мазкур тадқиқотлар юридик фан доираси билангина чекланмайди, балки бошқа ижтимоий фанларнинг, аввало, иқтисод, тарих, социология, сиёсатшунослик ва психология ютуқларига таянади. Айрим хорижий мамлакатларда илмий лойиҳалаш технологияларидан ижтимоий-иқтисодий қонунчилик, аввало, бюджет қонунчилиги ҳужжатларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилади. Жумладан, АҚШда аксарият федерал қонунларнинг лойиҳалаш ҳужжатлари юзлаб саҳифаларни ташкил этади, мамлакатимизда қонунларни асослантириш ҳужжатлари баъзан икки-уч саҳифадан ошмайди.

Тўртинчи йуналиш - замонавий юридик технологияларни ривожлантириш. У, аввало, қонунчилик тизимини, айрим норматив ҳужжатларни ҳамда уларни қўллаш амалиётини таҳлил қилишни назарда тутди. Унинг асосий вазифаси - салбий ҳодисаларнинг ривожланишига имконият яратувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқий муносабатлар соҳасида тушунчаларга таъриф беришда қарама-қаршиликларга йул қуйилиши мумкин эмас. Бунинг акси эса ҳуқуқий нормаларни таърифлаш ва қўллашнинг қонунийлиги мезонларига путур етказган булур эди. Мазкур масала кўплаб янги юридик тушунчалар пайдо бўлаётган, унутилган эски атамалар тикланаётган ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида айниқса муҳим аҳамият касб этади. Аммо бу ҳол, барча ҳуқуқий тушунчалар қонун йули билан мустаҳкамланиши лозим, деган маънони англатмайди. Фундаментал хусусиятга эга бўлган маълум ҳуқуқий атамалар Конституцияда, бошқа атамалар - ҳокимият маҳаллий органларининг ҳужжатлари даражасида мустаҳкамланиши лозим.

Юзага келган вазиятда қонун ҳужжатларида қўлланиладиган атамалар ва иборалар луғатини яратиш зарурлиги айниқса яққол намоён бўлади. Бундай луғатни яратиш қонун ҳужжатларида тушунчаларнинг икки маънолилигига ва зиддиятларга чек қуйиш, бинобарин, норматив ҳужжатларни муайянлаштирувчи ва шарҳловчи қонунлар сонини камайтириш имконини берган булур эди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг бугунги боскичида миллий ҳукукий тизимни яратиш асносида қонун ҳужжатларини тизимли таҳлил этиш, уларни амалиётда қўллаш механизми талабларидан келиб чиққан ҳолда уларга доир назарий ва амалий концепцияларни ишлаб чиқиш такозо этилмокда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни яхлит таҳлил қилиш, унинг татбиқ этиладиган доирасини, шакли ва чегарасини аниқлаш қонун ижодкорлиги жараёнида муҳим ўрин тутди. Айни пайтда у ёки бу ҳукукий муносабатнинг тадрижий ривожланиши негизида қонунчилик асосини таҳлил этиш, миллий ҳукукий кадриятлардан устувор фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, миллийлик қонунларни халққа яқинлаштиради, кишилар ўртасида қонунга хурмат муносабатини шакллантиради.

3.2. Ўзбекистон Республикасида юридик техникани такомиллаштиришнинг назарий асослари

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, миллий ҳуқуқ тизимини шакллантириш масаласи долзарб вазифа сифатида белгиланди. Чунки, илгари қабул қилинган қонун ҳужжатлари собиқ Иттифок нормаларига қаратилган бўлиб, уларда республикамизнинг минтақавий хусусиятлари ҳисобга олинмаган эди. Мустақиллик дастлабки кунлариданоқ "биз янгиладиган ва тараккиётда ўз йулимизни, иктисодиётни ислоҳ, қилишда ўз моделимизни танлаб олдик. Шу сабабли, бошқа мамлакатларнинг қонун меъёрлари ва ҳужжатларидан фойдаланиш, ҳатто улар айнан бозор муносабатларига жавоб берса ҳам, биз учун номақбул эди". Шу жиҳатдан олганда, Республикамиз Президенти И.А.Каримов, "Ислоҳ қилишнинг биринчи боскичида биз ҳуқуқий асосларни яратишда ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш буйича ўз механизмимизни вужудга келтирдик. Биз ўзимиз учун жамиятни қонунлар ёрдамида бошқаришни ўрганиб олишимиз кераклиги туғрисида муҳим ҳулоса чиқариб олдик. Қонун ижтимоий ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб қолиши керак. Бунинг учун биз чуқур уйлаб ишланган, ҳар томонлама асосланган, ўзок муддат амал қиладиган

қонунларга эга бўлишимиз керак"¹²⁷ , деган фикрни илгари суриб ҳуқуқ тизимимизнинг кейинги ривожланишини белгилаб берган эди.

Маълумки, ҳуқуқнинг норматив-инсонпарвар табиати ҳуқуқий нормалар умуминсоний кадриятлар билан муштарак бўлгандагина ўзини намоён этади. Шу сабабли, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлибгина қолмай, балки мамлакат ҳўжалик сиёсати, бошқарув иқтисодий методлари, иқтисодий фаолиятнинг таъминланган мустақиллиги ва стратегик режали раҳбарлик уйғунлигининг ягона асослари ва принциплари сифатида тан олинishi талаб этилади. Бинобарин, эркин ва фаровон мамлакатга элтувчи ғоя пировард мақсад ҳисобланади, маънавий-ахлоқий негиз манбаи сифатида эса миллий ғоя, миллий мафкура амал қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар қонун ижодкорлигини фаол ривожлантиришни талаб қилаётган ҳозирги вақтда қонун яратиш жараёни, булғуси норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг дастлабки концепциясини ишлаб чиқиш, унинг лойихасини тузиш ва муҳокама қилиш, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар фикрлари, манфаатларини ҳисобга олиш, булғуси қонуннинг амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро нисбатини, унинг амалдаги ҳуқуқий тизимга ҳамда янги қонунчиликка мослашиш қобилиятини аниқлаш, унинг мавжудлиги иқтисодий асосларини ва ижтимоий муносабатларда амалга ошириш имкониятларини белгилаш қай даражада муҳим эканлиги янада яққол намоён бўлади.

Ўз ўрнида, бугунги ижтимоий амалиёт ҳуқуқ билан тартибга солинмаган масалалар доираси жуда кенглигини кўрсатади. Ушбу масалаларни лозим даражада тартибга солмасдан туриб ижтимоий борилада юзага келган қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас. Бу ўринда гап фақат амалдаги қонунчилик сифатини ошириш ёки такомиллаштириш туғрисидагина эмас, балки ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга, ҳуқуқий давлат мезонлари ва унинг ривожланиш принципларига мос келадиган янги ҳуқуқий институтларни шакллантириш ҳақида ҳам бормоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойихаларини тайёрлаш амалиётининг таҳлили бу соҳада ўз ечимини кутаётган қуйидаги бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатади

1. Концептуал ёндашув муаммоси. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туғрисида"ги Қонунининг 17-

¹²⁷ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ, каби мукаддасдир. Т.3. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 194.

моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга такдимнома билан киритилади, такдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа қайси давлат органи, шунингдек, ташкилот билан келишилган бўлса, шу орган ёки ташкилотнинг руйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантирилган фикр қисқача баён этиб ўтилади - зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистик маълумотлар ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

2. Шунини таъкидлаш лозимки, муайян ҳужжатни таърифлашга нисбатан турли норматив ҳужжатларда ҳар хил ёндашувлар қўлланилади. Аслида бундай ҳолатлар концептуал ёндашувнинг етишмаслигидан далолат беради. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти туғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати илова қилиниши назарда тутилган. Ҳолбуки, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида такдимнома киритиш лозимлиги курсатиб ўтилган - турли атамалар қўлланилганига қарамай, мазкур ҳужжатлар қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурлигини асослантириши лозим. Бинобарин, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишга нисбатан концептуал, тизимли ёндашув қонун ижодкорлиги фаолиятининг муҳим омили ҳисобланади¹²⁸.

Қонун лойиҳасининг концепцияси қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилгунга қадар тайёрланиши, унда булғуси қонунни амалга ошириш механизми белгиланиши, қайси масалалар қонунлар даражасида ва қайсилари - қонуности ҳужжатлари доирасида ҳал қилиниши кўрсатилиши лозим. Бу бутун ҳуқуқий тизимни, ҳеч бўлмаса турдош ёки боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш махсули бўлиши даркор.

Лойиҳаларни тайёрлашда баъзан тегишли муносабатларни бошқа давлатларда қонун йули билан тартибга солиш тажрибаси лозим даражада таҳлил қилинмайди, ўрганилмайди ва ҳисобга олинмайди.

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. -2001. -№1-2. -8-модда. ² Бу ҳдда батафсилроқ қаранг: Мухамедов У. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истикболли вазифалари // Ҳуқуқ-Право-Бау. -2005. -№ 4. -Б.6-7

Амалда концепциянинг йуклиги туфайли қонунларни қўллаш ва амалга оширишда жиддий муаммолар, қонуннинг айрим қоидалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар юзага келади. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси концепциясида, авваламбор, тегишли қонунни қабул қилиш асослари ва зарурияти, бунинг мақсадга мувофиқлиги қандай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллар билан белгиланиши қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад, уни амалга ошириш механизмининг умумий манзараси қонун ҳужжатларининг умумий тахлили ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда норматив ва амалий даражаларда қандай камчиликлар мавжудлиги янги қонун қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларининг қайси нормаларини қайта кўриш лозимлиги қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар бўйича олган мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиниши қонунни амалга оширишда талаб этиладиган қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти туғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган талабга мувофиқ, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига тақдим этиш, унга ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш туғрисидаги, шунингдек, қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йуқотган, деб топиш туғрисидаги қонун лойиҳаси тақдим этилиши лозим. Бу қонун лойиҳаси муаллифидан лойиҳа қабул қилинганда қонун йули билан тартибга солишда юзага келадиган ва мавжуд зиддиятларни аниқлаш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни синчиклаб таҳлил қилишни талаб этади. Ушбу талабга риоя этмаслик аксарият ҳолларда қонун ҳужжатлари нормаларининг коллизиясига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туғрисида"ги Қонунида тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига туғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилиши белгиланган. Аммо объектив ва субъектив сабабларга кўра, шу жумладан янги қабул қилинган ҳужжатдан беҳабарлик туфайли амалда ўз юридик аҳамиятини йуқотган ёки ўзгартирилган қонунларни қўллаш ҳоллари юз бериши мумкин.

2. Навбатдаги муаммо норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги билан боғлиқ - Қонун амалга ошириш механизмисиз ва зарур ижтимоий-иқтисодий шароитларсиз лозим даражада самара бермайди. Бинобарин, ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидан, ҳатто бу қонунда назарда тутилган бўлса-да, фойдалана олмайдилар. Бу баъзан бутунлай тесқари, салбий натижага олиб келади.

Қонунлар сўзсиз амалга оширилишини, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлаш учун зарур қонуности ҳужжатлари қонунлар лойиҳалари билан бир вақтда ишлаб чиқилиши лозим.

3. Қонун лойиҳасининг Конституция ва қонунларга мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳуқуқ ижодкорлигини тартибга солувчи ва қонун лойиҳасининг Конституция ва қонунларга аниқ ва тўла мувофиқлигини таъминловчи қоидаларга асосланиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда асосий қоида нормаларнинг бир-бирини такрорлашига йул қўймасликдир. Қонунлар нормалари бир-бирига зид булиши мумкин эмас, яъни айти бир муносабат бир ҳилда тартибга солиниши лозим. Шу муносабат билан қонун лойиҳасини тайёрлашда тайёрланаётган қонун лойиҳаси масалаларига доир амалдаги нормаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш муқаррар шартлардан бири ҳисобланади. "Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Конституцияда белгиланган давлат органлари ва мансабдор шахсларгина эга бўладилар"¹²⁹. Қонунчилик ташаббуси субъекти зарур ҳуқуқий ахборот расмий манбалар ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами", "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг тегишли сонлари)да чоп этилганидан хабардор бўлиши лозим. Бундан ташқари, қонунчилик ташаббуси субъекти керакли ахборотни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг юридик бўлимида, шунингдек, электрон ҳуқуқий тизимлар ("Право", "Норма" ва бошқалар)дан олиши мумкин. Айти вақтда мазкур электрон-ҳуқуқий тизимларда ҳуқуқий материални баён қилишда баъзи бир ноаниқликлар мавжудлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

4. Қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туғрисида"ги Қонунининг 19-моддаси талабларига мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Бу моддада қонун лойиҳасининг тилига, унинг тўзилишига, ҳаволаки нормаларнинг қўлланилишига тааллуқли талаблар белгиланган. Шу ўринда ушбу талаблардан келиб чиқиб, қуйидаги жиҳатларни алоҳида қайд этиб ўтишни истардик

а) қонун лойиҳасининг матнига нисбатан қўйиладиган талаблар. Қонун лойиҳасини тайёрлашда нормаларни баён қилиш услубига, яъни тилига эътибор бериш лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туғрисида"ги Қонунига биноан, қонун лойиҳасининг матни лунда, оддий ва равон тилда баён этилиши лозим. Шу сабабли, қонун лойиҳасида атамалар ва таърифларнинг туғри қўлланилишига эътибор бериш зарур. Қонун лойиҳасида эскирган ҳамда кўп маънони англатувчи сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йул қўйилмайди. Ўз урнида, мазкур талабларга риоя этмасли коллизияларга сабаб бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Валютаи тартибга солиш туғрисида"ги,

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ, / А.А.Азизхужаев, Г.Абдумажидов, М.А.Аҳмадшаева ва бошқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.320

"Хориждан маблағ жалб қилиш туғрисида"ги Қонунларида, шунингдек, Солик кодексида "нерезидент" атамаси уч хил маънода қўлланилган. Мазкур талаб нафақат қонунларга, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам тааллуқли. Атамалар барча қонунларда бир хил маънода қўлланилиши лозим. Айни бир маънодаги тушунчаларни ифодалаш учун турли атамалардан фойдаланиш мумкин эмас.

б) нормаларнинг турли ҳужжатларда такрорланиши. Тартибга солиш талаб этиладиган ижтимоий муносабат бир ҳужжатда тўла тартибга солиниши лозим. Айни бир масала бўйича бир нечта ҳужжатлар амал қилиши ҳуқуқий нормалар икки хил талқин қилинишига ва тегишли равишда амалда нотўғри қўлланилишига олиб келиши мумкин. Масалан, интеллектуал мулк масалаларига Фуқаролик кодексида 7 бобдан иборат (1031-1111-моддалар) бир бўлим бағишланган. Айни вақтда мамлакатимиз қонунчилигида "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар туғрисида"ги, "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари туғрисида"ги, "Селекция ютуқлари туғрисида"ги, "Наслчилик туғрисида"ги, "Ахборотлаштириш туғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат курсатиш белгилари ва товар келиб чиқадиган жой номлари туғрисида"ги Қонунлар ҳам амал қилади;

в) ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги. Айни бир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар такрорланишига йул қўймаслик учун қонунларда шу қонуннинг ёки ўзга қонун ҳужжатининг бошқа нормаси, моддаси ёки боби, бўлимига ишора қилувчи ҳаволалар қўлланилади. "Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ", "қонун ҳужжатларининг нормаларига биноан" каби умумий ҳаволалар¹³⁰ ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда қонуности ҳужжатларига ишора қилиш учун қўлланилади - Норматив ҳужжатлар матнига амалдаги қонун ҳужжатларига ҳаволаларни киритишга истисноли ҳоллардагина йул қўйилади. Бироқ айрим ҳолларда ҳаволаки нормалар ўринсиз ёки ҳаддан ташқари кўп қўлланилади. Масалан, 23 моддадан иборат "Валютами тартибга солиш туғрисида"ги Қонунда 25 ҳаволаки норма мавжуд. Бу ҳол қонунларнинг тартибга солувчи аҳамиятини йуққа чиқаради ва амалда уни ривожлантирувчи қонуности ҳужжати, аксарият ҳолларда - идоравий ҳужжат асосий ҳужжатга айланиб қолади;

5. Қонунлар лойиҳалари матнларининг аутентиклиги муаммолари. Қонунлар лойиҳаларини таржима қилиш масаласи муаммоли бўлиб қолмоқда, чунки амалда ўзбек ва рус тилларидаги матнлардан фойдаланилади.

Аммо таржимада нормалар мазмунининг бўзилишига, айни бир ҳужжатда ёки турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар хил атамалар қўлланилишига йул қуйилади. Масалан, "присоединение" атамаси Фуқаролик кодексида ўзбек тилига

¹³⁰ Одилқориев Х-Т., Тультеев И.Т., Мухдмедов У.Х. Икки палатали парламент. - Тошкент, 2004. Б. 171

"қўшиб олиш" деб таржима қилинган, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида"ги Қонунда эса "бирлаштириш" деб уғирилган.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун, авваламбор, "Олий Мажлис тўзилмавий таркибидаги қонунларни таржима қилиш билан шуғулланадиган махсус бўлим иши такомиллаштирилса"¹³¹, шу билан бирга, қонунлар лойиҳаларини ўзбек ва рус тилларида бир вақтда тайёрлаш амалиёти йулга қўйилса ва кейинчалик қонун лойиҳасининг лингвистик экспертизаси институти жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

6. Қонун лойиҳасининг экспертизасини ўтказиш муаммоси. Ўзбекистон Республикаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, қонун лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Албатта, жаҳон андозаларига монанд қонунлар қабул қилиш учун уларни тегишли ташкилотлар экспертизадан ўтказиши керак¹³².

Ҳуқуқий экспертиза қонун лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки қонунни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ушбу Қонун 18-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, барча қонунлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилиши лозим. Аммо бу талаблар қонун ҳужжатларида қонун лойиҳасининг юридик экспертизаси қисмида хали ўзининг аниқ ифодасини топгани йўқ.

Ўз ўрнида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик экспертизаси икки асосий жиҳатни: а) лойиҳанинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини текширишни; б) лойиҳа мазмуни ва шаклининг қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги) техникаси қоидаларига мувофиқлигини текширишни ўз ичига олади.

Айни вақтда юридик экспертиза тушунчасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширишдангина иборат бўлган анча тор талқинига дуч келиш мумкин.

У ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини текшириш юридик экспертизанинг муҳим жиҳати

¹³¹ Кучимов Ш. Ўзбек қонунчилик техникасининг истикболлари // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - Б.96-97.

¹³² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 126

ҳисобланади ¹³³. Экспертнинг вазифаси текширилаётган лойиҳа шакли ва мазмуни қонунчилик техникаси қоидаларига қай даражада мувофиқлигини баҳолаш, агар номувофиқликлар мавжуд бўлса, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар беришдан иборат. Буларнинг барчаси экспертиза ҳулосасида ўз ифодасини топиши лозим.

Бизнингча, экспертиза ўтказиш тартиби, экспертиза ҳулосасига киритиладиган масалалар рўйхатини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси тўғрисидаги намунавий низом ишлаб чиқилса ва қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

7. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги алоқалардан нотўғри фойдаланиш масаласи. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги алоқалардан нотўғри фойдаланиш лойиҳаланаётган ҳужжатнинг амалдаги қонун ҳужжатлари билан номувофиқлигига сабаб бўлади ва шу асосда ҳуқуқий тартибга солиш номутаносиб ва зиддиятли тус олади.

8. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида идоравий ёндашувнинг устунлиги муаммоси. Айрим ҳолларда тор идоравий манфаатлар жамият манфаатларидан устун қўйилади. Ваҳоланки, бу ислоҳатларни самарали амалга оширишга монелик қилади. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: "Шуни эътироф этиш керакки, қонун лойиҳалари одатда идоравий маадудлик хусусиятига эга бўлади. Сабаби шуки, улар моҳият эътибори билан олганда, шу қонунларни ижро этиши лозим бўлган кишиларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилади. Натижада айрим вазирликлар, идораларнинг манфаатлари кўпинча инсон ва умуман олганда, жамият манфаатларига зид ҳолда биринчи ўринга чиқиб қолади"¹³⁴. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳасини тайёрлашда идоравий манфаатлар илгари сурилишига йул қўймаслик керак. Бироқ бунга "Муҳоффаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси мисол бўла олиши мумкин. Бу муҳоқамада қўриқхоналар кимга буйсуниши ҳақидаги масала айниқса қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Амалиётда бундай мисоллар кўп. Бундай ҳолатларда қонун чиқарувчи фақат давлат ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб

¹³³ Сайдман А., Сайдман Р., Абейесекере Н. Руководство по законодательной технике: Законотворчество в интересах демократических социальных перемен в обществе: Издание на русском языке. Пер.: Г.Сергунина, А.Кашпура. - Бишкек: ПРООН, 2001. - С.35

¹³⁴ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 126

иш куриши, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг таъсирига берилмаслиги керак.

9. Қонунлар лойиҳалари илмий-назарий жихатдан лозим даражада асослантирилмаганлиги масаласи. Юридик фан олдида турган муҳим вазифалардан бири - юридик техниканинг долзарб назарий муаммоларини, яъни қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш қоидалари, усуллари ва методлари мажмуини янада чуқур ўрганиш ҳисобланади. Юридик техниками ўрганиш қонунчиликни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга, чунки юксак даражадаги юридик техника норматив ҳужжатлар ва қоидалар мазмунини аниқ ва туғри таърифлашни таъминлайди, улар туғри ва бир хилда талқин килинишига, кодекслаштириш ишларини самарали амалга оширишга кумаклашади.

Маълумки, қонунларни шархлаш қонунчиликка муҳим илова ҳисобланади. Илгари қонунларни умумий тизимга солиш методи кенг тарқалган. У моддий ва процессуал ҳуқуқларнинг йирик соҳаларини ҳам, маъмурий ёки оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқнинг йирик соҳаларини ҳам қамраб олган. Бундай тизимга солиш ҳуқуқий аниқликка хизмат қилади ва ҳуқуқни тушунишни енгиллаштиради.

Ҳеч шубҳасиз, қонунни яратишда келажақда юзага келиши мумкин бўлган барча ноаниқликлар ва шубҳаларнинг олдини олиш мумкин эмас. Аммо бунда қонун чиқарувчи ўзининг асосий мақсадини аниқ акс эттиришини талаб қилиш лозим бўлади. Акс ҳолда конституциявий қоидалар билан оддий қонунлар ўртасида зиддият юзага келиши мумкин.

Юридик техникани оқилонлаштиришга қодир бўлган ва норматив даражада расмийлаштиришни талаб этадиган навбатдаги яна бир муҳим масала норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юрислингвистик экспертизаси институтини жорий этиш билан боғлиқ. Қадимги Рим юристлари томонидан таърифланган "Ҳуқуқ аниқ белгиланган бўлиши лозим", деган тамойил¹³⁵ қандай ҳуқуқий тизим учун, айниқса - ҳозирги ҳуқуқий давлат куриш шароитида долзарб аҳамият касб этади.

Тил ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати масалалари тилшунослар ва ҳуқуқшуносларни кўпдан бери қизиқтириб келади. Юридик ва юридик соҳа билан боғлиқ матнларнинг лингвистик экспертизаси муаммоларининг илмий аҳамияти

¹³⁵ Памятники Римского права: законы XII таблиц, Институции Гая, Дигесты Юстиниана. - М.: Зерцало, 1997.-С.68

унинг турли парадигмаларга киритилганидан келиб чиқувчи бир қатор омиллар билан белгиланади.

Ҳукукий макон қонуншунос жамиятда барча учун мажбурий бўлган ҳуқ-атвор қоидаларини ифодалаш учун фойдаланувчи сўзлар, табиий тил шакллари билан белгиланади. Қонун матни тушунарли бўлиши ва айтилиши вақтда борлиқни аниқ акс эттириши учун қонунчилик тили - ўзбек тилининг ҳуқуқ нормаларини баён этиш ва кейинчалик амалда қўллаш учун махсус мўлжалланган функционал услуби соҳасида анча юқори даражадаги лингвистик андозалар зарур бўлади.

Ҳуқуқ нормасининг аниқлиги ва бир маънолилиги принципи мустаҳкам ҳуқуқ-тартибот кафолати ҳисобланади. Зотан, жамиятнинг ҳар *бир* аъзоси ўз ҳуқуқлари ва бурчларини аниқ билса, у ҳуқукий макон доирасида ҳаракатланиш ва қарорлар қабул қилишда муайян эркинликка эга бўлади. Бинобарин, қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам ҳуқукий терминологияни унификация қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Айтилиши вақтда шуни таъкидлаш лозимки, таржимада акс эттириш қийин бўлган ўзига хос хусусиятларга эга хорижий сўзлар ва халқаро-ҳуқукий атамалар ҳаётимиздан фаол ўрин олмоқда. Бунга агент, аудит, актуар, аджастер, сюрвейер, ассистанс хизматлари, гудвилл, тендер, демпинг, инвестиция, инновация, корпорация, концессия, локализация, мониторинг, протекционизм, субсидия, субвенция, транспарент, траффик, ноу-хау, чартер, ювенал ва бошқа сўз ва атамалар мисол бўлиши мумкин.

Юқоридаги сўз ва атамаларнинг илмий ва юридик муомала доирасига киритилиши билан амалий хусусиятга эга бўлган бир қатор муаммолар, чунончи, юридик конструкциянинг мураккаблашуви, стилистик номувофиқлик, ҳар хил талқин қилиш имконияти, кўп маънолилиқ, тушуниш ва амалга оширишнинг қийинлиги юзага келади.

Шу жиҳатдан хорижий давлатлар тажрибаси диққатга сазовор. Хорижий мамлакатларда фанлараро тадқиқотларнинг янги йуналиши - "ҳуқуқ ва тил" XX аср 70-йилларининг иккинчи ярмида юзага келди ва бу жараён, аввало, АҚШ ва Ғарбий Европада ривожланди.

Жаҳон социологларининг 1978 йилда бўлиб ўтган Конгрессида "*Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида тил*", деб номланган ишчи гуруҳи ташкил этилди ¹³⁶. Ўтган асрнинг 70-йиллар охиридан ушбу муаммо буйича семиотика фанига оид нуфузли миллий ва халқаро журналларнинг махсус сонлари нашр этила бошлади,

¹³⁶ Тарасов Н.Н. Юридическая техника в структуре юриспруденции (методологические проблемы исследования) // Юридическая техника. -2007. -№1. -С.8

монографиялар чиқарилди, юридик ва лингвистик даврий нашрларда у штаб мақолалар эълон қилинди.

"Юрислингвистика" атамасини биринчи марта Адалберт Подлех (Германия) 1976 йилда қўллаган. У "тил ва ҳуқуқ нормалари ўртасидаги алоқа масалаларига дахлдор бўлган ва ҳозирги замон лингвистикаси талабларига мос келувчи тадқиқотларнинг барча методлари ва натижалари мажмуи"ни "Ҳуқуқий лингвистика"¹³⁷, деб номлади. Ҳуқуқий лингвистиканинг ҳозирги талқини сезиларли даражада кенгайди, чунки шу йиллар давомида узоқ ривожланиш йулини босиб ўтган ҳозирги замон лингвистикасининг талаблари ўзгарган эди - шу муносабат билан ҳуқуқ соҳасидаги тил масалаларини ўрганишда лингвистик тадқиқотларнинг роли анча ошди.

Бинобарин, "Ҳуқуқий тил модели унинг грамматикаси, қонун тили, услуби ва техникасининг қандай бўлиши зарурлигини кўрсатувчи кўзгудир. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг тил қурилиши адабий тилнинг талабларига жавоб бериши шарт"¹³⁸. Англия ва АҚШ юрислингвистикасида таржиманинг юриспруденциядаги ролига алоҳида эътибор берилади, чунки у нафақат икки тил ва маданият, балки икки ижтимоий соҳа ўртасидаги кўприк ҳисобланади. Кези келганда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юрислингвистик экспертизаси МДХ, давлатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам қонун ижодкорлиги жараёнига фаол жорий этилмоқда.

Юқорида айтилганлар нуқтаи назаридан қонун лойиҳалари юрислингвистик экспертизасининг асосий мазмунини таклиф қилинаётган қонун лойиҳасининг ижтимоий муносабатларнинг мазкур ёки боика шунга ўхшаш соҳаларини тартибга солувчи ўзга қонунларга мослигини, шунингдек, ҳуқуқий тизим тузилиши принциплари, юридик техника ва тил воситалари туғри қўлланигани ва уларнинг ворисийлигини таҳлил қилиш ташкил этувчи махсус ҳуқуқий, юридик-техник экспертизанинг таркибий қисми сифатида тавсифлаш ўринли бўлади, деб уйлаймиз.

Бизнингча, хорижий мамлакатлар тажрибаси билан ўхшашлик буйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юрислингвистик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилигимизнинг услубий ворисийлиги унинг муҳим жихатларидан биридир. Бироқ шу ўринда қонунчилик услуби, унинг муаммолари мутахассис олимлар томонидан хали етарли даражада ўрганилмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Умуман олганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳозирги босқичида юридик техникани, шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлигини такомиллаштириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини янада ошириш, уларни фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётини шакллантириш эҳтиёжларига

¹³⁷ Чухвичев Д.В. Законодательная техника: Учебное пособие для вузов. - М.: Закон и право, 2008. - С.239

¹³⁸ Яцок Т.А. Терминология и дискурс права. - Ташкент: Фан, 1992. - С.35-36.

мослаштириш масалалари долзарб ахамият касб этмокда. Давлатчиликни мустахкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки боскичидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлаган эди: "Мустахкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади"¹³⁹.

3.3. Қонунлар сифатини ошириш - мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг зарур шарти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотлар тизимида парламент ислохотлари ўзига хос ўринга ва салмоққа эга. Бу борадаги ислохотлардан қутилган мақсадлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилинган дастуриамал маърузаларида белгилаб берилган бўлиб, унда "давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа - бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат"¹⁴⁰ лиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида икки палатали парламентнинг ташкил этилиши қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга булган субъектлар олдида муҳим талабларни қўйди¹⁴¹. Ушбу субъектлар фаолиятининг ўзаро мувозанатини ва фаоллигини таъминламасдан туриб, қонунчилик жараёнининг муайян самарадорлигига эришиб бўлмайди. Бинобарин, қонунчилик амалиётининг кўрсатишича, бундай ташаббус ҳуқуқидан фойдаланувчи субъектларнинг қонунчилик жараёнида бевосита иштирокисиз, яъни уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштирмай туриб, давлат ҳокимияти тизимида қонуннинг устунлигига эришиш мураккаб масала бўлиб қолади.

¹³⁹ Назаров К., Усмонов С. Ҳуқуқ ва тил // Давлат ва ҳуқуқ. - 2000. -№4. -Б.69-70.

¹⁴⁰ Каримов И.А. Ватан саждагох, каби мукаддасдир. Т.3. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 192

¹⁴¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қанон, ҳеч қимга қарам бўлмайди. Т. 13. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -Б. 179

Таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлиги жараёнида қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни ҳар томонлама пухта муҳокама қилиш билан боғлиқ барча вазифалар бизда масъулиятли парламентнинг куйи палатаси - Қонунчилик палатасининг зиммасига юклатилган. Миллий парламентимизда қонунчилик илмини яхши биладиган мутахассислар фаолият юритишлари учун вакиллик ва қонун чиқарувчи идорамиз юқори малакали ҳамда ихтисослашган ҳолда ишлаши учун шарт-шароитлар яратилган. Бу жараён юртбошимиз илгари сурган қуйидаги ғоядан келиб чиркан: "Биз ўсиб-улғайиб бугун шу даражага етиб келдик. Энди малакали ҳуқуқшуносларимиз, иқтисодчиларимиз, сиёсатчиларимиз етарли. Қонун яратишда, аввало, ҳаётни яхши биладиган, сиёсатни чуқур тушунадиган ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва мутахассис вакиллар ишлаши даркор"¹⁴². Зотан, эркин танлов, куппартиявийлик асосида сайланган халқнинг мухтор вакиллари парламентда ижодий фаолият юритиб, дунё тажрибасини, кайси мамлакатда қандай қонунлар бор, уларнинг қандай афзал жиҳатлари мавжуд, бугунги замон нимани талаб қилади ва бошқа масалаларни ўрганиб, мамлакатимиз ҳаётига жорий этишлари мумкин бўлади. Икки палатали қонун чиқарувчи идорамиз олдида турган муҳим вазифалардан бири - жаҳон парламентаризм анъаналарини, демократик парламент тарзида ишлаш илмини ва парламент маданиятини пухта ўзлаштиришдан иборатлиги юрист олимлар томонидан кўпдан буён эътироф этиб келинади¹⁴³.

Маълумки, ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат ўз ички мантиқига эга бўлади. Ҳуқуқий ҳужжат мазмунини баён этиш мантиқига қўйиладиган асосий талаблар ҳуқуқий ҳужжат мазмунини баён этишда мантиқ талабларига (қоидаларига) риоя этиш лозим у мантиқий жиҳатдан изчил ва зиддиятсиз бўлиши даркор ҳуқуқий ҳужжат мазмунини баён этиш мантиқига унинг тузилиши мос келиши лозим,

¹⁴² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - Б.483

¹⁴³ Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. - Тошкент: Шарқ, 2001. - Б.559

ҳуқуқий ҳужжат мазмунини баён этишда ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлиги ва батафсиллиги таъминланиши лозим турдош масалаларни тартибга солувчи норматив қоидалар баёни бир андозада бўлиши керак.

Аксарият олимлар бу нормалар ўз табиатига кура техник-юримдик хусусиятга эга эмас, деб ҳисоблашса-да, Н.А.Власенконинг бундай қоидаларнинг функционал вазифаси ўзига хос бўлиб, уларга мазкур муаммолар контекстида ёндашиш имконини беради, деган фикрига қўшилиш лозим. У қуйидаги қўшимча шартларни таклиф қилади тартибга солинаётган муносабатлар (Ҳуқуқий тартибга солиш предмети)нинг муайянлиги ва бир жинслилиги коллизияларга, йул қўймаслик камчиликлардан хоилилик ҳаволалар сонини мумкин қадар камайитириш¹⁴⁴.

Ўзбекистонда юримдик техника ривожланишининг ҳозирги босқичи шу билан тавсифланадики, уни ўрганишни воқеликнинг ўзи рағбатлантирмоқда. Бугунги кунда юримдик техникага доир махсус тадқиқотлар фаол ривожланмоқда. Бунга аксарият Европа давлатларининг давлат ҳоқимияти тизимида парламентлар аҳамиятининг ортиши ва бунинг самараси улароқ қонун ижодкорлигининг фаоллашуви, тилнинг равонлиги муаммоларига алоҳида эътибор берадиган позитивизм, кейинчалик - неопозитивизм фалсафий ғояларининг кенг тарқалиши кўмаклашди¹⁴⁵.

Сўнгги йилларда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида нафақат классик мантик аппаратида, балки янги мантиқий воситалар, хусусан, деонтик (норматив) мантик методларидан фойдаланиш таклиф қилинмоқда¹⁴⁶. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда мураккаб мантиқий-семантик муаммолар юзага қелиши мумкин. Бундай холларда мантиқий экспертизадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада "қонун лойиҳалари буйича Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг юримдик бўлими ва кўмиталари тақдим этадиган ҳулосаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти -

¹⁴⁴ Власенко Н.А. Законодательная технология: теория, опыт, правила. - Иркутск, 2001. - С.78

¹⁴⁵ Краткий справочник по оформлению актов совета Федерации Федерального собрания Российской Федерации. - М., 2001. - С.67

¹⁴⁶ Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Т., ТДЮИ, 2008. - Б.74

қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказувчи алоҳида субъект" сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларига нисбатан асосан қуйидаги талаблар қуйилади:

- баённинг мантикий изчиллиги, ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган норматив қоидаларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- норматив ҳужжатда, умуман қонунчилик тизимида зиддиятлар мавжуд эмаслиги;
- ҳуқуқ нормаларини баён этишда мумкин қадар ихчамлик, айтилиш вақтида улар мазмунининг теранлиги ва кенглиги;
- норматив ҳужжатлар тилининг аниқ ва равшанлиги;
- қонун ҳужжатларида қўлланилаётган тушунчалар ва атамаларнинг аниқ ва муайянлиги;
- норматив материални шарҳлашнинг қулайлиги манфаатлари йулида айтилиш бир масалага доир ҳужжатлар сонини мумкин қадар камайтириш, норматив ҳужжатларни йириклаштириш.

Ушбу принципларнинг ҳар бири хориж амалиёти ва миллий тажрибамизни ҳисобга олган ҳолда, атрофлича ўрганилиши лозим ва айтилиш чоғида улар алоҳида илмий тадқиқотлар мавзуси бўлиши мумкин.

Юридик техниканинг муаммоларидан яна бири - қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг зиддиятлилиги ва лозим даражада самарали эмаслиги билан боғлиқ. Бу камчиликлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида, яъни қонун ижодкорлиги техникасининг эскирганлиги билан изоҳланади. Қонунларни матнлар кўринишида ёзишнинг мавжуд усуллари қонун чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий тартибга солиш ғояларини норматив ҳужжатларнинг моддаларида аниқ ва мантиқан тўғри (энг муҳими - тез) акс эттириш, бунда юзага келувчи зиддиятларни аниқлаш ва ечиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам ҳужжатларнинг аниқ ҳамда изчиллиги матнларни ишлаб чиқиш ва шакллантиришнинг тегишли механизмлари билан кафолатланиши лозим бўлади.

Янги қонун ижодкорлиги техникасини жорий этиш қонун чиқарувчиларга асосий эътиборни ўзлари қабул қилаётган қарорларни қандай қилиб "яхшироқ баён этиш"га¹⁴⁷ эмас балки қарорларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва ҳуқуқий тартибга солишга қаратиш имконини беради. Ўз-ўзидан равшанки, қонунларни ишлаб чиқишнинг янги техникаси бутун қонунчилик жараёнида қайта қуриш ясайди. Ҳар қандай фаолият сингари, қонунчилик фаолияти ҳам тартибга солиниши мумкин ва лозим. Ҳозирги вақтда қонунчилик фаолияти технологик заминга (илмий, методологик ва методик жиҳатдан) тўла ўтказилган, шу

¹⁴⁷ Муҳаммадов У. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истикболли вазифалари // Ҳуқуқ-Право-Ба\у. - 2005. - №4. - Б.9

жумладан норматив ҳужжатларнинг зиддиятлардан холи яхлит мажмуаларини концептуал лойихалаш технологик линияси яратилган, деб айтиш мумкин.

Технологик линия, жумладан, қуйидаги механизмларни ўз ичга олиши мумкин:

- ҳуқуқий тартибга солиш соҳалари чегарасини аниқ белгилаш;
- шаклланаётган қонунчиликка кириши лозим бўлган қонунлар номенклатурасини белгилаш ва асослаш, уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси тузилмаси асосида белгиланган ўзаро алоқаларини аниқлаш,
- ҳуқуқий тартибга солиш объектларининг хоссаларини аниқлаш;
- қонун ҳужжатларида турли қарашлар ва талабларни мувофиқлаштириш ҳамда ҳисобга олишга қаратилган норма ижодкорлиги;
- норматив ҳужжатлар мажмуаларини автоматлаштирилган тарзда шакллантириш.

Фикримизча, юридик техникани технологиялаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Албатта, "норма ижодкорлиги технологияси"ни яратиш осон иш эмас. Боз устига, бу борада умумэтироф этилган ишланмалар ҳам йуқ. Аммо ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган бу вазифани ҳал этишда фан яқиндан ёрдам бериши мумкин. Шунинг тан олиш лозимки, бу вазифани ҳал этишга депутатлар ҳам, норматив ҳужжатлар амал қиладиган тегишли соҳаларнинг мутахассислари ҳам, юристлар ҳам кодир эмас. Норматив ҳужжатларнинг зиддиятсизлиги, мантиқий боғланганлиги, таркибий изчиллиги масалаларини ҳал этишни мантиқшунослар, концептуал фикр эгалари, тартиб-таомилларни яратувчи ва ахборот технологиялари буйича мутахассислар уддалашлари мумкин.

Ишлаб чиқилган механизм, ҳар қандай биринчи намуна каби, ҳали "ҳуқуқий муносабатларни концептуал лойихалаш технологик линияси" ҳисобланмайди, унинг қуввати норматив ҳужжатларнинг йирик мажмуаларини автоматлаштирилган тартибда тузиш учун ҳали етарли эмас. Аммо у муаммони ҳал этиш имкониятини амалда намоиш этади.

Қуйидагилар қонунчиликда янги методлардан фойдаланиш учун асослар ҳисобланади:

- амалдаги қонун ҳужжатларининг чалкашлиги ва зиддиятчилиги;
- норматив ҳужжатнинг туликлиги устидан назорат олиб бориш механизмлари мавжуд эмаслиги;
- бир норматив ҳужжат доирасида турли қоидаларнинг ўзаро мувофиқ эмаслиги;
- қонунчиликда тартибга солинмаган масалалар, такрорлар мавжудлиги;
- тартибга солинаётган соҳаларнинг мураккаблиги;
- мувофиқлаштирилган ўзгаришларни тезкорлик билан киритиш зарурлиги.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш мумкин эмас. Бунинг учун соҳа маълум хусусиятларга эга бўлиши лозим. Бинобарин, норматив ҳужжатларни шакллантиришда ҳуқуқий тартибга солиш объектларига қандай хусусиятлар хос эканлигини ва мазкур соҳада бу хусусиятлар

мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш талаб этилади. Зеро, "Ҳуқуқий тартибга солиш — ижтимоий муносабатларга муайян юридик таъсир ўтказиш воситалари ёрдамида амалга ошириладиган мураккаб ва хилма-хил жараёндир"¹⁴⁸.

Норматив ҳужжатларнинг амалдаги мажмуаларида мавжуд камчиликлар асосан норма ижодкорлиги жараёнида мавжуд нуқсонлар натижаси ҳисобланади. Норматив ҳужжатларнинг бошқарилувчанлигини таъминлаш учун улар аниқ белгиланган, осон тушуниладиган ва ўзгартириладиган тўзилишга эга бўлиши, лунда килиб айтганда, мантиқ принципларига мувофиқ бўлиши зарур. Ўз урнида, қонунчиликни шакллантиришнинг ғоявий ва "технологик" (тартиб-таомилга хос) томонлари ажратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, қонунчиликни шакллантиришда мутахассисларнинг қуйидаги уч гуруҳи қатнашиши лозим.

биринчиси - қонунчилик ҳокимият органларининг вакиллари, бу норматив ҳужжатлар қайси соҳа учун яратилаётган бўлса, шу соҳа мутахассислари. Улар бу ҳужжатларни қабул қилишдан кўзланган мақсадлар, мазкур ҳужжатларда илгари сурилган ва амалга оширилган ғоялар учун жавоб беради;

иккинчиси - амалга оширилаётган ҳуқуқий концепциялар учун жавоб берадиган ҳуқуқшунослар;

учинчиси — бу ғоялар ва концепцияларни изчил амалга ошириш ҳамда белгиланган талабларга жавоб берадиган қонунчиликни шакллантириш учун жавобгар бўлган мантиқшунослар ва математиклар.

Қонунлар матнларини ёзиш ва таҳрир қилиш, тўзатишлар киритиш, уларнинг мантикийлиги ва зиддиятсизлигини назорат қилиш эмас, балки қонун ҳужжатларида амалга оширилиши лозим бўлган сермазмун ғояларни кўриб чиқиш ва саралаш, турли ижтимоий манфаатлар ва мақсадлар ўртасида мавжуд зиддиятларни аниқлаш ва ҳал этиш қонунчилик органларининг бош вазифасига айланиши лозим. Ҳуқуқий тартибга солиш предметининг мазмунини назарий жиҳатдан пухта ишлаб чикмай туриб, мазкур соҳа учун норматив ҳужжатлар мажмуаларини лойиҳалаш мумкин эмас. Зотан, бу жараён ҳуқуқнинг ижтимоий адётга таъсири чегаралари ва имкониятлари билан бевосита боғлиқ бўлади¹⁴⁹.

¹⁴⁸ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.767

¹⁴⁹ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент: Адолат, 2007. - Б.772

Ўз ўрнида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тобора ортиб бораётган ҳажмларига "машинасиз" ишлов бериш мумкин эмас. Айтайлик, биргина Ўзбекистонда Интернет глобал тармоғининг 1)2 бўғинида 2008 йил бошидан 360 та янги домен руйхатга олинганлиги ҳамда бугунги кунда фаол доменлар сони 6000 дан ортганлигига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина Интернетда жойлаштирилган ҳуқуқий ахборот ҳажмининг нақадар катта эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шакли ва тузилиши автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланишга мослаштирилган бўлиши лозим.

Хозирги давлатнинг амал қилиш принциплари ҳужжатларни демократик тартибда қабул қилишни, сунгра уларни оқилона ва мантиқий тизимга солишни талаб этади. Қонунчилик ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий муносабатларни қонун йули билан тартибга солиш тизимини замонавий методологик ва ташкилий заминга қўчириш ижро этувчи ҳокимиятни ислох қилиш жараёнларидан орқада қолмаслиги керак.

Янгиланаётган жамият шароитида қонунчилик ташаббуси (бу - қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи ҳисобланади ¹⁵⁰) барча субъектлари, айниқса, қонунчилик (вакиллик) органларининг ўрни ва роли ниҳоятда катта бўлиб қолади. Қонунчиликнинг мазмуни бутунлай ўзгаради унинг таъсирчанлиги ва уни қўллаш амалиётининг самарадорлигини аниқлаш учун янги мезонлар талаб этилади. Бунда қонун йули билан тартибга солишнинг гуманитар-ҳуқуқий стратегияга мувофиқлиги, шунингдек, ислохотларни қонун йули билан таъминлашнинг сифати ва мукамаллиги мезонлари биринчи ўринга чиқади.

Қонун ижодкорлигининг аксарият камчиликлари мураккаб қонун лойиҳаларининг сифатли экспертизасини, шу жумладан уларнинг асосий қоидалари ҳуқуқни яратиш принциплари, давлат сиёсатининг стратегик мақсадлари ва устувор вазифаларига мувофиқлигини текширишни таъминловчи воситалар ва тартиб-таомилларнинг номукамаллиги ёки қонун чиқарувчи ихтиёрида мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Ушбу фикр мураккаб муаммоларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини тартибга солувчи нормалар мажмуининг тизимли боғланган ўзгаришларини тайёрлаш, қонунлар қабул қилишнинг иктисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа оқибатларини башоратлаш, қонунчилик жараёнининг таҳлилий фаолиятини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш вазифаларига ҳам тегишли саналади.

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг конституциясига шарҳ / А.А.Азизхужаев, Г.Абдумажидов, М.А.Ахмадшоева ва бошқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008 - Б.320

Юридик техниками такомиллаштириш мақсадида ва қонунчилик ташаббусларини тайёрлаш сифатини ошириш учун яхши маълум бўлган воситаларни, чунончи, тегишли методик тавсияларни кенг жорий этиш, қонунлар лойиҳаларига нисбатан қўйиладиган унификацияланган талабларни ишлаб чиқиш ва норматив мустаҳкамлаш зарур.

Аммо қонун лойиҳаси устида концептуал ва юридик-техник жиҳатдан ишлаш босқичларини бутунлай ажратишга, лойиҳалаш фаолиятининг ривожланган соҳаларида тўпланган барча замонавий методик воситалардан фойдаланишга асосланган янги методологияни ишлаб чиқиш бу борада туб бурилиш ясовчи йуналишга айланиши мумкин. Асосий ғоя шундан иборатки, қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш ишига қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичининг мустақил қисми, ҳужжатли расмийлаштириладиган ва маълум талабларга жавоб берадиган натижа сифатида қаралиши лозим. Мазкур вазифани мураккаб тизимларни лойиҳалаш методологияси, мураккаб лойиҳаларни бошқариш, бошқарув социологияси каби соҳаларнинг билимлари, шунингдек, тартибга солиш предметига мувофиқ бўлган соҳаларга оид касбий билимлар билан куролланган юқори малакали мутахассислар бажаришлари лозим. Шундан кейингина концепцияни амалга ошириш техник топширигини ишлаб чиқишга киришиш керак бўлади, шунда ҳам у юридик техника соҳасидаги мутахассислар билан амалга оширилиши зарур.

Парламент қонунчилик фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш муаммоси алоҳида диққатга сазовор. Зотан, "...ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳдмиятга эга"¹⁵¹. Жамиятни ахборотлаштириш, ягона ахборот майдонининг шаклланиши жараёнлари уни фаол ўрганишга туртки бермоқда. Қонунчилик ҳокимияти органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти муаммоларига у ёки бу даражада дахлдор бўлган айрим тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, лекин ҳозирги босқичда қонунчилик фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш тизимининг ривожланиши ва фаолияти масалалари деярли ўрганилгани йуқ.

Ахборот жамиятини қуриш шароитида ахборот ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисмига, ахборот билан боғлиқ бошқарув - унинг таркибий қисмига айланади. Аммо ахборотнинг ўзини бошқариш билан, яъни ахборотга оид сиёсатнинг ўзагини ташкил этадиган ахборот жараёнларини бошқариш билан боғлиқ алоҳида соҳа мавжуд.

Ижтимоий-иктисодий ва давлат-ҳуқуқий соҳаларида мураккаб ва зиддиятли жараёнлар билан тавсифланаётган жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида аксарият ҳуқуқшунос олимлар ва назариётчилар ҳуқуқ яратиш жараёни

¹⁵¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 124

доирасида ижтимоий манфаатлар мувофиқлаштирилмагани, қонунлар лойиҳаларини қабул қилиш оқибатларининг башоратлари мавжуд эмаслиги бугунги кунда қонунчилик фаолиятининг энг заиф бугини, деб ҳисобламоқдалар.

Бир қатор мамлакатлар парламентларининг тахлилий ишни ташкил этиш тажрибасини ўрганиш парламентаризмнинг ривожланиши қонунчилик органлари фаолиятини тахлилий таъминлаш тизимларини шакллантириш заруриятини вужудга келтирганини кўрсатади. Одатда, уларни ташкил этишда АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи мамлакатларининг ўз девонлари таркибида йирик тадқиқот бўлимларига эга бўлган парламентлари тажрибаси асос қилиб олинган ¹⁵². Эндиликда МДХ, ва Болтикбуйи мамлакатларининг парламентларида турли ахборот-тахлилий хизматлар ташкил этилган. Улар бошқармалар даражасида ҳам бўлимлар даражасида ҳам фаолият кўрсатади.

Ахборот-тахлилий таъминлаш иши Ғарбда демократик давлат ҳокимияти институтларида қарорлар қабул қилиш жараёнининг ажралмас қисмига айланган. Умуман олганда, қонунчилик жараёнини изчил ташкил этилган ва концептуал жиҳатдан расмийлаштирилган ахборот билан таъминлаш ишини йулга қуйиш гоёси XIX аср охири - XX аср бошларида АҚШда пайдо бўлган ¹⁵³.

Юридик техникани компьютерлаштириш тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳдларини тайёрлашнинг автоматлаштирилган тизими норма ижодкорлиги фаолияти билан шугулланувчи давлат органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш воситаси ҳисобланади.

Хуллас, ҳозирги пайтда юридик техника ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг асосий йуналиши мамлакатни модернизация ва ислох, этишнинг ҳуқуқий асосларини янада юксалтиришга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Бинобарин, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, қонун чиқарувчи, аввало, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатнинг тури, унга қўлланадиган ҳуқуқ нормаси, унинг доираси, чегарасини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги даврда қонунчилик фаолиятидаги ўзига хослик биринчидан, мавжуд ҳуқуқий нормаларнинг қай даражада бугунги кунда ҳуқуқий восита вазифасини

¹⁵² Сафронова О.В. Исследовательская служба Конгресса США: история создания и анализ основных аспектов деятельности / О.В.Сафронова. - Нижний Новгород: Издательство Нижегородского госуниверситета, 2002. - С.89

¹⁵³ Скурко Е.В. Некоторые вопросы интеграции экспертного знания в законодательную деятельность // Представительная власть - XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. - 2002. - № 2-3. -С.42

бажаришга қодирлиги, уни такомиллаштиришга объектив эҳтиёж сезилаётганлик ҳолатини аниқлашга боғлиқ бўлади, иккинчидан, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида вужудга келаётган муносабатларни тартибга солишга оид ҳуқуқ нормаларини мустаҳкамлашга зарурият пайдо бўлаётганлиги билан тавсифланади. Энг муҳими, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ижтимоий муносабатларнинг ривожидан орқда қолмаслиги лозим. Зеро, ижтимоий муносабатларнинг ривожидан мазмуни ва моҳияти фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти чуқурлашуви жараёнида ўзгариб боради. Бу ҳал ижтимоий муносабатлар табиатида руй бераётган ўзгаришлар мунтазам таҳлил қилиниб, уларни ҳуқуқий тартибга солишда қонун нормаларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Шундай қилиб, жамиятда самарали ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг муҳим омилига айланади.

Умуман олганда, "...давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳатлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди. Бу борадаги асосий вазифа қуйи палата — Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, юқори палата - Сенатни ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди. Шу тариқа қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир каторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилмоқда, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанати таъминланмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда"¹⁵⁴.

III бобга хулоса

Ҳуқуқ ижодкорлиги умумий тушунча бўлиб, у ҳуқуқий ҳужжатларни (ва ҳуқуқнинг бошқа манбаларини) ишлаб чиқиш, қабул қилиш, расмийлаштириш, амалга киритиш, ўзгариши ва бекор қилиш билан боғлиқ институтлар, нормалар ва фаолият турлари мажмуи сифатида тавсифланади. Ҳуқуқ ижодкорлиги доирасида

¹⁵⁴ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йулида. Т. 16. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.37

унинг икки томони моддий томони ва процессуал томони айниқса буртиб намоён бўлади.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг моддий томони - ҳуқуқ қандай яратилиши лозимлиги ҳақидаги тасаввурлар ёки талабларни ўз ичига олган принциплар, нормалар, назарий ёндашувлар ва бошқа ходисаларнинг кенг мажмуи бўлса, ҳуқуқ ижодкорлигининг процессуал томони - субъектларнинг мазкур талабларни бажариш, яъни ҳуқуқий нормаларни бевосита ишлаб чиқиш борасидаги фаолияти ҳисобланади. Юридик техника моҳият эътибори билан фаолият ҳисоблангани боис, биз уни ҳеч иккиланмай ҳуқуқ ижодкорлигининг процессуал жиҳатига киритамиз.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг процессуал жиҳати (ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни), ўз навбатида, "ҳуқуқ ижодкорлиги тартиб-таомиллари" ва қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш технологиялари" тушунчалари учун жинс билдирувчи категория сифатида амал қилади. Ҳуқуқ ижодкорлиги тартиб-таомиллари - қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг улар қабул қилингунга ва қучга киргунга қадар бўлган белгиланган ўтиш тартиби, яъни ваколатли субъектларнинг ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш борасидаги норматив йул билан тартибга солинадиган ҳаракатларидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги тартиб-таомиллари ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг сиртдаги кўриниши сифатида қаралиши мумкин.

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида тартиб-таомиллардан ташқари, ички омиллар, яъни ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш, уни зарурий мазмун билан бойитиш, лозим шаклга солиш борасидаги изчил ва серқирра фаолият ҳам мавжуд. Қонунларга татбиқан мазкур фаолият қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш технологияси деган ном олган.

Юридик техниканинг вазифаси қонунчилик жараёнининг барқарорлиги ва амалда зарур бўлган ўзгаришларни ўз вақтида киритишнинг оқилона уйғунлигига эришишдан иборат. Қонунлар лойиҳаларини концептуал ишлаб чиқиш техникаси қонунчилик жараёнининг дастлабки босқичларида юзага келадиган вазифаларни ҳал қилиш, чунончи, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида ва уларни тартибга солувчи нормалар тизимида муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ижтимоий муносабатларнинг мавжуд тизимига қонун йули билан аралаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш қонун йули билан тартибга солишнинг мақсадлари, предмета, принциплари ва усуллари аниқлаш зарур қонун ҳужжатларининг таркибини (руйхатини), уларнинг тузилиши, ўзаро алоқалари ва асосий қоидаларини белгилаш учун қўлланилади.

Юридик техникани такомиллаштириш ва ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қонун ҳужжатларини кодекслаштириш ва янгилаш ишларини давом эттириш қонунчиликни такомиллаштиришнинг бош йуналишига айланмоғи лозим. Кодекслаштиришдан ташқари, мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти "махсус" қонун ҳужжатларини қабул қилишга қаратилса, айти муддао булур эди.

Юридик техникани оқилонлаштириш мақсадида норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш компьютер тизимларидан янада кенгрок фойдаланиш таклиф килинади.